

ИСТИҚЛОЛ ФИДОЙИЛАРИ

ХОЛИДА АХҲОРОВА



ИЗЛАРИНИ  
ИЗЛАЙМАН

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МА~~Т~~  
КОНЦЕРНИ БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 1998

**Аҳророва Холида**

Изларини излайман.— Т.: Шарқ,  
1998.— 176 б.— (Истиқлол фидойилари).

Таниқли адиба Холида Аҳророванинг ушбу китобига қизил империянинг 30-йиллардаги разил сиёсати қурбони бўлган халқимизнинг стук фарзандлари, маърифатпарвар зиёлилар — Саид Аҳрорий, Мунавварқори Абдурашидов, Салимхон Тиллахонов, Омонулла Нусратуллаев, Мариям Султонмуродова, Собира Холдорова ва Саттор Жабборларнинг аянчли қисмати тўғрисидаги тарихий лавҳалари жамланган.

Миллатпарвар аждодларни хотирлаш — хайрли иш. Зеро, миллат эрки, ватан истиқлоли йўлида қурбон бўлган оталаримиз хотирасини эъзозлаш, уларнинг руҳи покларини табаррук билиб ардоқлаш, бугунги мустақилликнинг қадрига стиш, миллий гуруримизни тиклаш халқимиз шаън-шавкатининг устувор бўлиши учун асосий омилдир.

Қўлингиздаги бу китоб кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

63.3(5Ў)+63.3(2)616

© «Шарқ» нашриёт-матбаа  
концерни  
Бош таҳририяти,  
1998

Йигирма беш ёшидан то ҳаётининг охирига қадар — ўттиз саккиз йил мобайнида умр йўлдошининг фожиали қисматидан беҳабар ўтган муштипарим онагинам Вазираҳон Саидали қизининг порлоқ хотирасига бағишлайман.

## БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Эсимни таниганимдан бери отамни излайман. 1930 йил ноябрида ишга кетганича қайтмай, бедарак кетган отам Саид Аҳрорий хаёли умр бўйи ҳамроҳ бўлди менга. Дадам ким эди-ю, нима ишлар қилган? Аждодларим кимлар? Бу саволларга топган жавобим узуқ-юлуқ — суриштирадиган ҳеч ким йўқ. Орадан эса ярим асрдан ортиқ вақт ўтиб кетган. Ёши улуғ, ниманидир билиши мумкин бўлган қон-қариндошлар оламдан ўтиб кетишган. Олдинроқ эса ёш бўлганмиз, ўттиз учинчи йилдаги очарчилик, қирқинчи йиллардаги уруш — бу ҳақда ўйлашнинг ўзи ўринсиз ва бефойда эди. Кейин... Кейин ўттиз еттинчи йиллардаги қирғин барот... Эллигинчи йилларга келиб мамлакатимизда шахсга сифиниш шу даражага етган эдики, аждодларни суриштириш у ёқда турсин, бир бурда нонингни тинчгина ошаб юрганингни ўзини бахт деб билардинг...

Йиллар ўтгани билан соғинч ошса ошдики, камаймади. Ва тўсатдан... отамни топдим. Тўғрироғи, отам дарагини топдим.

Мустақиллик шарофати билан Жумҳурият ҳужжатгоҳларида назаримиздан нарида бўлган ҳужжатларни ўрганиш имкони туғилди.

Қўлингиздаги ушбу рисола — педагог, журналист, шоир ва дипломат САИД АҲРОРИЙНИНГ фожиали тақдири ҳақидаги ҳужжатли қиссадир.

## 1

Менинг пешонамга бундайин шўр иш тақдири азалда битилганми билмадим. Агар шундай бўлақолса, нега энди, ҳали ёруғ олам бетини кўрмай қилган-қилмаган қайси гуноҳларим учун Аллоҳ мени бу жазога лойиқ топди экан? Ота деган буюк бахтдан мосуволик азоби ҳали гўдаклигимданоқ ўксик қалбимни қиймалаб келган бир дарддир. Бутун умрга татугилик қийноқ...

Қўшни болалар оқшом палла — оталари ишдан қайтар чоқларда: «Ада!», «Дадажон!» — деб отаи бузрукворлари истиқболига талпинганларида ўзимни кўярга жой тополмай қолардим. Югуриб-елиб ўйнаб юрган еримда бирдан ҳо-муш тортардим ва бўйнимни эгиб олганимча ҳовлимизга кириб кетардим. Ичин-ташин ва яна майдони билан кимсасиз ҳувиллаган ҳайхотдек ҳовли. Шом чўккан... Қоронғулик бостириб келаётибди. Ҳамма ёқ жим-жит — ютиб юбораман дейди... Қайтиб кўчага чиқаман. «Ҳовузбоғ» маҳалласининг жин кўчаларидан бири. Ҳадрадан Чорсу тарафга кетаверишда ўнгдаги баланд тепага жойлашган бу маҳаллада бир кўча қариндош-уруғлар яшаймиз. Ҳаммалари онамнинг оналари — бувим Ойтўраҳон отин авлодлари. Қай ҳовлига кириб борсанг: «Кел бу ёққа» деб ичкарига чорлайди, олдингга бир коса иссиғини кўяди. Лекин бола онгинг билан ҳам ҳеч кимга сиғинди бўлгинг келмайди. Оталик тўқислардан кўра етимнинг кўнгли нозикроқ. Қариндошларнинг ўзаро сўзлашатуриб, овозла-

рини пастлатиб: «Яхшиям онаси билан қолди бу тўрт гўдак. Оналик етим гул етим» деганларида жон-жонимдан ўтиб кетганини ёлғиз ўзимгина билардим.

Кўчада ўғил болалар гира-ширада ҳамон тўп тегишяпти. Бизнинг маҳаллага ёндош маҳаллада «Спартак» стадиони равнақ топаётган вақтлар, кўшнимиз Ориф ямоқчиникига бир футболчи ижарага кўчиб келган бўлиб, маҳаллада ўғилдир-қиздир барча болалар аралаш футбол ўйнайди. Мана ҳамон кўча чангитиб тўп тегиб юрган болаларни оналари бир-бир кечки овқатга чақириб олади. Ёлғиз менигина ҳеч ким чақирмайди. Негаки, бувим, тоғаларим ва иним Кенгашхон «Катта Қозиробод»даги боғимизга кўчиб кетишган. Акам Аҳмадхон болалар уйида тарбияланияптилар. Иним Эркинхон онам Вазирахон билан боғчада. Ойимлар «Дегрез» маҳалласидаги Тоштрамга қарашли боғчада (ҳозирги ЦИРК биноси ўрнида) мураббия бўлиб хизмат қиладилар. Тўрт етимчани оқ ювиб тараши жуда мушкул бўлса керакки, икки сменада ишлайдилар — эрта кетадилар, кеч қайтадилар. Унгача мен кўча эшик остонасига чўкканимча, кесакига суяниб ойимлар келадиган тарафга мўлтираб ўтираман.

Бу орада ҳамма болалар: «уй-уйига — тухфа тўйига» деб чувиллашганича тарқалишади-кетишади. Энди кўча ҳам ҳовлимиздек ва менинг қалбимдек ҳувиллаб қолди. Мен ҳамон кўзларимни йўлга тикканча ўтираман. Кўз ўнгимда Самарқандда яшаган чоқларимиз гавдаланади. Қандай дориломон кунлар эди-я. Дадам менга этакларига тўр тутилган жажжи-жажжи кўйлақчалар, ленталар, хил-хил ширинликлар кўтариб кириб келардилар мана шундай оқшом палларда. Онам доимо уйда — тилаган тилагимиз тилимиздан учиши билан муҳайё бўладиган замонлар. Қайга кетди у кунлар? Қайга кетди,

қайга йўқолди менинг дадам?.. Дадамга нима бўлган ўзи?...

— Даданг командировкага кетганлар... — дейдилар ойимлар.

«Командировка шунча узоқ бўладими?» — ўйлайман доим.

Кўча эшик кесакисига суюнганча ухлаб қоламан...

— Вой, мен ўлмасам, чарчаб ухлаб қолибди-я, шўрлик, — онамнинг йиғламсираб гапирганлари қулоғимга чалинади. Кейин мени даст кўтариб, бағриларига босганча уйга олиб кирадилар — кичкинагина каравотимга ётқизадилар. Кўз очишга ҳолим етмайди, уйку элитади. Уйку аралаш онамнинг: «Бояқиш, овқатланмай ухлаб қолди-я» деганларини эшитаман. Уйку элтиб кетаётибдиҳамки, бошимда ўша кундузги ўйлар: «Дадам қачон келаркинлар?» Бу ўй-хаёлларнинг давоми туш тариқасида туни билан бошимдан чиқмайди ва мени бутун умр таъқиб этувчи бир дардга айланади.

Кейинчалик, бешинчи синфда ўқиб юрган чоғимдан бошлаб дадамни излашга тушганман.

Отамнинг бедарак йўқолганларидан хабар топган рус тили ва адабиёти ўқитувчимиз Валентина Васильевна Захарова менга дадамни излашда ёрдамлашмоқчи бўлди. Ўқитувчимиз мен билан бошлашиб идорама-идора, хужжатгоҳма-хужжатгоҳ юрган — ҳеч нима чиқараолмаган. Кейинроқ эса, тўрт етимга нафақа ундириш хусусида ўзи зир югурган, лекин бу масалада ҳам ҳеч иш чиқараолмаган. Хуллас, дадам изларини топмаганмиз. Мен ҳамма вақт бир нарсага ҳайрон бўлардим. Бир одам эрта билан ишга кетиб, бедарак йўқолса — ўлиги ҳам, тириги ҳам топилмаса. Ҳамма, ҳеч нарса билмайман, деб ўтираверса — шундай бўлиши мумкинми?



**Саид Ахрорий.**

Қалбимдағи бундай саволларга сира жавоб топаолмаганман. Йиллар ўтиб меҳнат фаолиятимни бошлаган чоғимда ижтимоий чиқишимни ёзиш керак бўлганда менга: «Отам ўлган» деб ёзгин дея маслаҳат беришган. Лекин бунга қўлим бормаган, бутун умр «Дадам бедарак йўқолган» деб ёзиб келганман. Яхшиям шундай қилган эканман — эндиликда дадам руҳи олдида юзим ёруғ...

Отасиз ўсиб отамнинг кимлигини билармидим?

Онам Вазираҳондан эшитиб билганларим: дадам Муҳаммад Саид Ахрорийнинг оталари — бобом Абдурашидхўжа Ахрор хўжандлик бўлиб, тахминан минг саккиз юз саксонинчи йилларда бўлса керак (аниғини билмаймиз) Ҳажга кет-

ганлар ва Ҳаждан қайтишда Туркияда яшаб қолганлар. Дадам Истамбулда гимназияда ва ҳарбий мактабда таҳсил кўрганлар. Биринчи жаҳон урушида иштирок этганлар, жароҳатланганлар ва асирга олиниб, Сибирга (Красноярскка) сургун қилинганлар. 1918-йилда сургундан қочиб, Туркистонга — Тошкентга келганлар. Бу ерда «Ватан» номли мактаб очганлар. «Изчилар тўдаси» деган уюшма ташкил этганлар. 1919-йилда Ҳовузбоғ маҳаллалик Абдурахмон эшоннинг (онамнинг кейинги оталари) Вазираҳон исмли қиёси топилмайдиган гўзал кизига — менинг онамга уйланганлар.

Бундан ташқари мен отамнинг Бухоро инқилоби иштирокчиси эканликларини, Бухоро Шўролар Жумҳуриятининг Озарбайжон Шўролар Жумҳуриятидаги мухтор элчиси бўлганликларини, педагог, журналист, шоир ва драматург бўлганликларини билардим. 1933-йилдаги оғир очарчилик йиллари, 1937-даҳшатли қатағонлик йилларидан омон олиб чиққан бир неча сурат, «Қизил аскар» номли олти пардали драмалари ва икки шеър дафтарини кўз қорачиғимдек асраб келганман. «Қизил аскар» драмаси 1929-йилларда Самарқанд шаҳрида Ҳамза номидаги драма театрида саҳналаштирилган ва мен спектаклнинг афишасини ҳамда «Аланга»дами ёки бошқа ойномадами бу спектакль ҳақидаги тақризни ўқиганман. Дадамнинг уйимизда сақлаиб келаётган сувратларидан, қўлларида таҳсил олган талабалар ва дадам таниган кишиларнинг ҳикояларидан кўз ўнгимда ҳамиша иқтидорли, ўктам инсон, чеҳрасидан тортиб кийимигача чиройли зиёли гавдаланарди. Онамнинг дадам ҳақидаги ҳикояларини болаликда, ҳар оқшом, эртақ тинглагандек эшитиб ётишни севардим, кейинчалик вояга етганимда эса онам билан отамнинг бор-йўғи ўн йиллик мазмунли ва



меҳр-оқибатли ҳаёти тафсилотларини тинглаганимда, шундайин маданиятли одам билан умр гузаронлик қилиш насиб этганига ҳавасим келарди онамга... Лекин дадамдан сўнг йигирма беш ёшида бева қолган онагинам тўрт етимни оёққа қўйгунча суроби тўғри бўлди. Аввал эридан тирик жудо бўлиб, истеъдодли рассом бўлиб камол топган тўнғич ўғли Аҳмадхон Аҳроров Ленинград остонасида ҳалок бўлиб, ўғли Кенгашхоннинг бевақт вафоти туфайли куя-куя кул бўлди...

«Вазираҳонга қийин бўлди... — дейишарди маҳалламизнинг қариялари. — Худо ўзи қийин демаса, бандасининг қўлидан ҳеч иш келмас экан...»

Бу сўзларни эшитардим, маъносини тушунмасдим. Йигирма беш ёшида бева қолиш тўрт етимга ҳам ота, ҳам она бўлиш машаққати нималигини ёшинг улғаймай тасаввур қилолмас экансан. Тасаввур қилганингдан кейин эса унинг дардига шериклик болаликни ҳам ўғирлаб, бола ёшингда катта қилиб, катталар ташвишила яшар экансан.

Шу йўсин йиллар ўтаверди... Лекин дадамдан дарак бўлмади...

## 2

Бошига ёққан қорни ҳар ким ўзи курайди, деган гап қанчалар ҳақ экан. Муҳаммад Саид Аҳрорий 1930 йил ноябрь ойида уйдан чиқиб кетганча бедарак йўқолди. Лекин инсон игна эмаски, похол ичига тушгандек беиз йўқолса-кетса... «Аmmo, — ўйлардим мен. — Саид Аҳрорий фақат жумҳуриятимиздагина эмас, балки Иттифоққа машҳур арбоблар билан ёнма-ён хизмат қилган бўлса-ю, ҳеч ким ҳеч нарса билмаса...»

Ёшлигимда онам Вазирахондан: «Файзулла Хўжаев ҳам ҳеч нима билмайдими?» — деб сўраганим ёдимда. — «Ахир Бухорода, Самарқандда бирга ишлашган-ку!..»

«Даданг бедарак йўқолганларидан кейин Самарқанддан Тошкентга бувингникига кўчиб келдик. Пойтахт ҳам Самарқанддан Тошкентга кўчиб келган эди. Файзулла Хўжаевнинг идорасига бориб, ишга келишини кутиб турдим. У машинада келиб қолди. Мени кўргач, ҳол-аҳвол сўради — оилавий бориш-келишимиз бор эди, анчагина қадрдон эдик. Мени бошлаб кабинетига олиб кирди. Дадангни суриштирдим, «Саидни излаяпмиз. Топамиз. Топмай қўймаймиз» — деган жавоб олдим...» Уни излашдимиз излашмадимиз бизга қоронғу. Хуллас Саид Аҳрорий олтмиш йил бадалида бедарак кетди.

«Хуллас Саид Аҳрорийнинг ҳибсга олингани нима учун сир тутилди? Нега?» — деган ўй хануз менга тинчлик бермайди...

### 3

Агар тасодифнинг шакли шамойили бўлса эди, унга ҳайкал қўймоқ керак эди. Яхши ҳам тасодиф бор. Бу тасодиф туфайли олтмиш йил деганда дадамдан дарак топдим. «Родина» ойномасининг 1989-йил ўн биринчи сонида тарих фанлари доктори Фарҳод Қосимов билан фалсафа фанлари номзоди Баҳодир Эргашевнинг мақоласини тасодифан ўқидим. Мен бу ойномага обуна эмас эдим. Ўқимаслигим ҳам мумкин эди. Ўқимасам яна ўша-ўша ғафлатда юраверар эдим. Мақола Бухоро инқилобига доирлиги учун ҳам ўқидим. Негаки, дадам тақдири шу инқилоб билан туташ. Ва... Бирдан... дадам ҳақидаги икки оғиз сўзга дуч келдим. Бу икки оғиз сўз юрагимни алғов-далғов қилди. «Ўзбекистон Жумҳу-

риятининг биринчи раиси бўлган Хўжаевдан ташқари 1920-йил сентябрдаги инқилобга алоқадор бўлган кўплаб кишилар Сталин даври қатли омига гирифтор этилди, турмага ташланди, лагерларга сургун этилди. Улар орасида Бухоро Компартиясининг биринчи раиси Нажиб Хусаинов, 1923-йилда худди шу лавозимда ишлаган Абдулло Раҳимбоев, Ўзбекистоннинг биринчи Молия Халқ комиссари Қори Йўлдош Пўлатов, профессорлар Абдурауф Фитрат, Мусо Саинжонов ва Аббос Алиев, ўша даврнинг таниқли адабиёт намояндалари Саид Аҳрорий ва Аҳмаджон Абдусаидов (Ҳамдий), Ўзбекистоннинг таниқли партия ва Совет ходимларидан Абдураҳим Юсуф-зода, Раҳматулла Музаффаров, Отаҳўжа Пўлатхўжаев ва кўплаб бошқа ўртоқлар бор эди»...

Тонггача миужа қоқмадим ва ариза ёзиб, Жумхурият Давлат Хавфсизлик Кўмитасига элтдим... бироқ, бирон хабар топишимга ишончим йўқ эди.

Ҳа деганда жавоб келавермагач ариза йўллаганим идорага бордим. Ичкаридан бир киши чиқиб, ўзини Вадим Александрович Зубанов деб таништирди, алоҳида бир хонага бошлаб кирди, кўлимга бир суврат (дадамнинг ҳибсга олинган пайтидаги суврати) ва бир варақ қоғоз тутқазди. Мана ўша қоғоз: тепасига Ўзбекистон ССР Давлат Герби туширилган бир варақ оқ қоғоз бетида ЎзССР Давлат Хавфсизлиги Кўмитаси, 1990 йилнинг 11 апрели № 10/3090 деган ёзув.

### *«Хурматли Холида Саидовна!»*

Сизнинг отангиз Саид Абдурашидович Аҳрорий, 1895 йилда Туркияда туғилган, қамалгунга қадар Самарқанд Молия-иқтисод техникумида ўқитувчилик қилган, 1930 йилнинг 12 ноябрида ҳибсга олинган.

СССР Бирлашган Давлат Сиёсий Бошқармаси Коллегияси Саид Абдурашидович Аҳрорийни РСФСР Жиноят Мажмуасининг 58—4 моддаси билан (Советларга қарши ташвиқот ва тарғибот учун) олий жазога — отувга ҳукм этган. Ҳукм 1931 йилнинг 25 апрелида Москва шаҳрида ижро этилган. Дафн этилган жойи номаълум.

Ўзбекистон ССР Олий Судининг 1957 йил 5 сентябридаги 216/Н ажрими билан СССР Бирлашган Бош Сиёсий Бошқармаси Коллегиясининг 1931 йил 25 апрелидаги Саид Абдурашидович Аҳрорийга доир иши тўхтатилиб, унинг пок номи ўлимидан сўнг тикланди...»

Кўлимга теккан жавобдан мен отам ҳақида шу чоққача сира ҳам билмаган кўп маълумотлардан хабар топдим: отамнинг қаерда ва қачон туғилганликларини, қаерда ва ким бўлиб хизмат қилганликларини, ким тарафдан ва қандай жазога маҳкум этилганликларини, отиб юборилганликларини, 1957 йилда иши қайта кўрилиб оқланганликларини билдим.

Олтмиш йил бедаракликдан сўнг отам ҳақида топган илк аниқ маълумот эди бу. Диққатимни бир сана ўзига тортди. Саид Аҳрорий 1931 йилнинг 25 апрелида отувга ҳукм этилган ва худди шу куни ҳукм ижро этилган... Нега бунча шошмоқлик керак экан? Ўн гулидан бири очилмай туриб бир инсоннинг умрини қирқмоққа бунчалар шошмоқлик кимга керак эди ва нега?

1990 йил апрели эди. Кўчага чиқдим. Табиат айнан менинг қалбимдаги тўфонни ўзида акс эттиргандек эди... Қуёш чарақлаб турар ва шаррос ёмғир ёғарди. Кўзимдан қуйилиб келаётган ёшни артиб улгурмасдим. Ўттиз олти ёшида кафансиз ва жанозасиз кетган отамга биринчи бор куйиниб йиғлашим эди...

Бошим ғовлаб, нима қиларимни, қаерга бо-ришимни билмай собиқ Ленинград ва Ленин кўчалари туташган чорраҳада талмовсираб турардим.

Шу чоқ кимнингдир:

— Тинчликми ўзи? Йиғлаяпсанми? — деганини эшитдим.

Ёнимда, «Саодат» ойномаси редакциясида ўттиз йил бирга хизмат қилган ҳамкасабам су-раткаш мухбир Борис Мизрохин турарди. Бўл-ган воқеани эшитгач, ўзига хос бир тарзда ме-ни юпатган бўлди:

— Ҳалиям бўлса, бахтли экансан, Холида. Яхшиям отанг етти йил олдин қамалган экан. Агар 1937 йилда олинган бўлса борми, Ҳабибул-ло Қодировнинг куни бошингга тушарди. Се-ниям бадарға қилишарди. Худога шукур қил...

Айнан шу кундан бошлаб дадам изларини излашга тушдим ва аввало Ўзбекистон ССР Олий Суди Раиси имзо чеккан Саид Абдура-шидович Аҳрорийнинг оқланганлиги ҳақидаги маълумотномани олдим.

Маълумотномани рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиб айнан келтираман:

## С П Р А В К А

29.05.90 № 216-Н-57

Ўзбекистон ССР Олий Суди жиноий ишлар суд коллегиясининг 1957 йил 5 сентябрдаги аж-римига кўра СССР Бирлашган Бош Сиёсий Бошқармаси Коллегиясининг 1931 йил 25 апрелидаги 1895 йилда туғилган Саид Абдурашидо-вич Аҳрорийга доир қарори бекор қилинади ва иш Ўзбекистон ССР ЖПКсининг 2-моддаси эслатмасига асосан тўхтатилади, яъни оқлана-ди.

Қамалгунга қадар Аҳрорий С. А. Самарқанд молия-иқтисод техникумида дарс берган. Справка тегишли ташкилотларга тақдим этиш учун берилди.

Ўзбекистон Олий Суди  
Раиси

(Б. Маликов)

Шундай қилиб, олтмиш йил муқаддам ўттиз беш ёшдаги навқирон отамни бағримиздан юлиб олдилар-да, олтмиш йилдан сўнг, отиб юборилганлиги ҳақидаги совуқ бир хабар ёзилган бир парча қоғозни қўлимизга тутқаздилар.

4

Каттакон емак столининг бир бошида ўтирибман. Қаршимда дадамнинг суврати. Эгниларида боғичли кўйлак устидан пиджак. Москвада «Бутирка» турмасининг Шарқ бўлимида қамоқда ётганларида олинган бўлиши керак. Ўша Ўзбекистон Давлат Хавфсизлиги Қўмитасида қўлимга тутқазилган суврат бу. Дадамнинг сочлари қириб ташланган. Мен дадамнинг олтмиш йилдан ортиқ сақлаганим сувратлари ичида сочсиз тушган сувратини кўрмаганман. Ҳамма сувратларида майин, хурмо ранг сочларини бир ёнга ётқизиб тараган, хушбичим либосларда тушганлар. Аммо бу сувратдаги нигоҳлари ҳар қараганимда юрагимни эзади. Бу нигоҳда қандайдир бир ички дард, ноумидлик муҳрланган. Кимни эслатади? Кимнинг нигоҳини эслатади?! Ҳа, ҳа, эсладим. Абдулла Қодирийнинг ҳибсда олинган сувратидаги боқишлар ҳам худди шундай аламли эмасмиди? Давлат Сиёсий Бошқармаси деб аталмиш идора катта гуноҳга тақаб қамоқ азобига солган кимсанинг нигоҳи

бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Бу сувратга тикилганимча дадам ҳақида ўйлай бошлайман. Дадамни биламанми ўзи?! Нималарни хотирлайман? Хотираларим 1930 йилга, яъни дадам боши узра қора булутлар тўпланаётган даврга оид.

Биз у чоқлар Самарқандда яшардик. Кимнингдир ташқари ҳовлисида. У ҳовлининг дарвозасига «4» рақами битилган тахтача қоқилгани ёдимда қолган. Сабаби, гўдак ёшимдан анча-мунча ҳарфлар ва рақамларни билардим. Негаки, лотинлаштиришга қаршилик кўрсатган зиёдиларнинг ўзи лотинлаштириш комиссияларига киритилган бўлиб, дадам ҳам унга аъзо бўлсалар керакки, картонларга туширилган лотин ҳарфлари уйимизда кўп. Мен уларни ўйнаб юриб ҳарф таниб қолган бўлишим керак. Кейинчалик мен у ҳовлини кўп изладим. Энди ўша манзилгоҳимизни биламан. Дадамга доир «иш»нинг 12 жилдида, 280-саҳифада ОГПУнинг тергов анкетаси бор. 1931 йилнинг 14 феввали куни тўлдирилган ана шу анкетада дадамнинг манзилгоҳи: Самарқанд шаҳри Қаландархона даҳаси, Маҳдум Хоразмий маҳалласи, 4-ҳовли деб кўрсатилган. (Бу бизнинг Самарқанддаги энг сўнгги манзилгоҳимиз. Ундан илгари Верешчагин кўчасидаги тўққизинчи ҳовлида ҳам яшаганмиз. Дадам бедарак йўқолганларида мана шу 4-ҳовлидан ишга чиқиб кетганлар).

Бостирмалик дарвозадан кирганда ҳовли тўрида (ўнг тарафдаги бостирма тўрида) ичкари ҳовлига кириладиган эшик. Ичкарида ҳовли эгаси яшайди. Биз ташқари ҳовлининг чап тарафида беш-олти зина билан чиқиладиган олди пешайвон бир уй, бир даҳлизда турамиз. Мен айвоннинг бир бурчагида қўғирчоқ ўйнаб ўтирибман. Дадам костюм-шимда, кўлларини орқаларига қилиб, айвоннинг у

бошидан бу бошига бориб келиб турибдилар. Мен дадамга қарайман, дадам ҳам менга қараб қўядилар-да, яна ўша юришни давом эттирадилар...

Мана орадан олтмиш йил ўтиб, мен дадамга доир материаллар билан, замондошларнинг кўрсатмалари билан танишгандан кейин ўша чоқлар дадамга жуда қийин бўлганини тушунаман.

Дадам уйдалар... Балким бу, дадам 1929 йилнинг 28 декабрида ҳибсга олиниб, сўроқ қилиниб, 1930 йилнинг 10 мартда чиқариб юборилган кунларидир? Вақтинчалик ҳибсга олинишининг сабабини мен энди биламан. (Буни дадам билмаганлар албатта.)

Саид Аҳрорийдан аввалроқ шоир Боту қамоққа олинган. Маҳмуд Мақсудович Ходиев (Боту)га доир жинойий иш очилган бўлиб, у билан бирга яна 19 киши ҳибсга олинган эди. Шу иш бўйича 1930 йилнинг 6 ва 8 октябри, 4 ва 17 ноябрида олиб борилган терговларида шоир Ботунинг, шунингдек бошқа кунларда Маннон Рамзи ва Носир Саиднинг кўрсатмаларида дадам ташкил этган «Изчиллар тўдаси» ҳақида, бу тўданинг ёшларни қуроли кўзғолонга тайёрлашга уринаётганлиги ҳақида фикрлари баён этилган. Яна бир жинойий иш бўйича ҳибсга олинган Исмоил Шерахмедов 1929 йилнинг 18 ноябри куни терговда дадамни тилга олади: «Мен 1920 йилгача «Изчиллар тўдаси»га аъзо бўлганман (бунинг раҳбари Саид Аҳрорий эди)».

«Изчиллар тўдаси» бу нима ўзи? Қандай тўда ёки уюшма?

Мен билишимча бу ёшлар уюшмаси — жумҳуриятимиздаги илк ёшлар уюшмаси. Ёш авлодни билимдон, илмдон қилиб тарбиялашни кўзда тутган уюшма. Ҳужжатлардан билишимча, 1918 йил февралда Красноярскдаги



тутқунгоҳдан қайтгач, тўғрироғи, қочиб Тошкентга келгач Саид Аҳрорий Ўқчи маҳалласида (собиқ Ленин номидаги қизлар педагогика билим юрти жойлашган бинода) «Ватан» деган мактаб очади ва шу мактабда ёшлар гуруҳини ташкил этади. «Изчилар тўдаси» уюшмаси аъзолари, асосан, ўша ёшлардан иборат. Балким ҳисбага олиншининг сабабларидан бири шундан иборатдир. Негаки, эндиликда маълум бўлишича, кўпгина раҳбар ходимлар қатори дадамнинг кетига ҳам хуфялар қўйилган. 1925—26 йилларга оид бир ишда хуфяларнинг қатор чақувлари бор. Бир хуфянинг хабар қилишича: «...13 февралда Раҳмат Рафиққа қўшни бўлиб Саид Аҳрорий кўчиб келди» дейилади. Раҳмат Рафиқ номи менга таниш. Болалигимизда уйимизда тилга олиниб турадиган номлардан бўлиб, кейинчалик билишимча Раҳмат Рафиқ — Бухоро Коммунистик партияси ташкилотчиларидан бири бўлган. Бухоро Совет жумҳуриятида бир неча масъул лавозимларда ишлаган. Кейинчалик у ҳам ҳисбага олинган.

Шу ишнинг 237 саҳифасида яна шундай чақув бор: «Файзулла Хўжаев гуруҳига ўзбек адабиётчиларидан Фитрат, Саид Аҳрорий ва бошқалар киради. У гуруҳ Тошкент гуруҳи билан, жумладан Мунавварқоричилар билан ихтилофда. Бунга Файзулла Хўжаев ва Турсунхўжаев, шунингдек, Фитрат ва Мунавварқори ўртасидаги ихтилоф сабаб...»

Мунавварқори пантуркизм ғоясини қўллаб-қувватлайди, Фитрат эса пан ўзбекизм тарафдори...

...Файзулла Хўжаевни қуршаган шахслар масаласига келсак, масалан, Фитрат, Саид Аҳрорий, Бозорбоев, Абдураҳим, Аминов, Отоуллахўжаев ва турли тоифа Бухоро зиёлиларига келсак бу гуруҳ фақат миллатчилардан иборат, деган тасаввур ҳосил бўлади...»

Бу сатрларни ўқир эканман: «Ахир ҳозирги-на ўқиганларим 1926 йилларга доир воқеалардан иборат. Ҳали-ҳозир Файзулла Хўжаев Ўзбекистон Шўролар Жумҳурияти Халқ комиссарлари Кенгашининг биринчи Раиси лавозимида хизмат қилиб турибди. Бундан чиқди, ўша даврларданоқ ҳукумат раҳбарлари ва улар атрофидагиларнинг ҳар бир қадами синчиклаб кузатиб борилган бўлиб чиқади-ку... Бу нима? Ўша пайтлар Ўзбекистон раҳбарлари, илғор зиёлиларининг ҳар бир қадами нима учун назоратда?! Қўғирчоқ ҳукумат эдими у?.. Файзулла Хўжаев 1937 йилда ҳибсга олингани билан ҳали йигирманчи йилларданоқ унинг ва ҳамнафас кишиларининг пайига тушилган экан-да? Дадам Саид Аҳрорий ҳам 1930 йилда ҳибсга олингани билан 1921 йиллардаёқ унинг ҳар бир қадами кузатиб борилган. 1925—1926 йилларда хуфялар дадамга тун ҳамроҳ, кун ҳамроҳ эканлар-ку. Балким булар, дадам энг яқин дўстим деб билган кишилардандир, ёки бўлмасам хонадонимизда яшаб, ошимизни ошаб, дадамнинг мададидан баҳраманд бўлиб юрган талабалардандир? Фикрлаб кўрсам уларни танигандай ҳам бўламан. Қандайдир олтинчи, еттинчи туйгулар ва мантиқ менга уларни рўпара қилиб туради. На чора, ҳар ким нима экса шуни ўради, ҳаволаси худоба. Яратганнинг ўзи жазосини берсин уларнинг — берган бўлса ҳам ажаб эмас.

1926 йилнинг 13 мартадаги бир чақувда шундай деб ёзилади: «Раҳмат Рафиқнинг кўшниси Саид Аҳрорий 13 март оқшоми оилавий ҳаётининг етти йиллигини нишонлаб зиёфат берди. Раҳмат Рафиқнинг иккинчи кўшниси Муинжон Маҳзум Аминов Саид Аҳрорийни тушликка таклиф этди ва у меҳмонларни бошлаб чиқди. Саиднинг меҳмонлари тошкентлик артистлар эди (артистлар 9 март куни Фитрат-

нинг «Ҳинд инқилобчилари» деган пьесасини кўйгандилар)...»

Бу ўринда дадам устидан бу чақувларни ёзиб юрганлардан «миннатдор» ҳам бўлиб кўяман. Рост-да, бу ахборотни улар ёзиб бермаса, ҳали дунёга келмасимдан аввал отамнинг нима қилиб юрганини мен қаёқдан билардим... Ахир мен отам ҳақидаги ҳар бир хабарни — у хоҳ ижобий бўлсин, хоҳ салбий, жавоҳир топиб олгандай қувониб қаршилайман. Олтмиш йиллик мавҳумликдан сўнг отам ҳақида топаётганим ҳар бир хабар мен учун азиз ва тансиқ.

1926 йилнинг 24 апрелида шундай хабар етказилади: «Ўн тўққизинчи апрель куни Мазҳар Бурхонов Хўжандга сафари арафасида миллатчи Саид Аҳрорийнинг уйига кирди. Бу вақт Саиднинг уйида унинг дўстларидан бири бор эди. Бурхонов Саид Аҳрорийдан, хўжандлик бўлгани учун, хўжандликларга хат ёзиб бериб, баъзи масалаларда ёрдам кўрсатишни сўради. Бурхонов Аҳрорийнинг уйида бир ярим соат чамаси бўлди. Ўзаро суҳбат асносида Фитрат шахсига доир ва унинг Бокуга Туркология съездига боражаги хусусида сўзлашдилар...».

Бир хабарномани такрорламай ўтолмайман. Бу гуруҳбозликка доир: «Файзулла Хўжаев гуруҳига Ўзбекистоннинг адабиётчиларидан: Фитрат, Саид Аҳрорий ва бошқалар киради. Бу гуруҳ Тошкентлик зиёлилар билан Мунавварқоричилар билан ихтилофда...».

Агар бу ёзувларга ишонадиган бўлсак, афсус, гуруҳбозлик бор экан. Зиёлиларнинг бошини балки ўша гуруҳбозлик егандир? Файзулла Хўжаев гуруҳи. Акмал Икромов гуруҳи, бухороликлар, самарқандликлар, тошкентликлар гуруҳи... ва ҳоказолар... Яна шуниси ҳам борки, Саид Аҳрорийнинг тошкентликлар гуруҳи билан ихтилофда дейилади-ю, Мунавварқори гу-

руҳи билан бирга айбланади... Айбланадигина эмас, улар билан бирга — бир қарорга асосан ва бир кунда отиб юборилади... Мантиқ борми ўзи?

1926 йилнинг саккизинчи майидаги чақувда Саид Аҳрорий ҳақида шундай ёзилган: «У билан бўлган суҳбатлардан бирида Молия Халқ Комиссарлигидан баъзиларининг ўчакиши туфайли кетганини айтди. «Зарафшон» рўзномасига Хожиги Мўмин Шукруллаев ва Мажидов тавсиясига кўра ўтган. Унинг матбуотда ишлашига ўртоқ Икромов ҳам монъелик кўрсатмади, Аҳроровни Икромов ўқитувчиси сифатида биледи».

Дадам қораланган «Жиноятнома» йигирма жилддан иборат бўлиб, бу ишда мен Давлат Сиёсий Бошқармасини «Миллий иттиҳод», «Иттиҳоди тараққий», «Миллий истиқлол» каби уюшмалар, уларнинг аъзолари қизиқтирганлигини англайман. Шунингдек, Саид Аҳрорий ташкил этган «Изчилар тўдаси» ва ундан кейинроқ ташкил этилган «Тўдалар тўдаси», «Темур тўдаси» сингари ёшлар ташкилотлари ишини қаттиқ назорат қилганлар.

Олтинчи жилднинг 41 саҳифасида Лазиз Азиззоданинг кўрсатмаларига дуч келдим. 1930 йилнинг 27 июни куни у (бу вақтда отам ҳали озодликда юрган) шундай кўрсатма беради: «Изчилар тўдаси»га Фатхулла Умарий, Акмал Икромов раҳбарлик қилган. Бу тўдани Саид Аҳрорий ташкил этган ва бош бўлган...».

Лазиз Азиззодани танирдим. Иш юзасидан кўришиб ҳам турардик. Ҳибсдан чиқиб келганларида, бу киши дадам билан бир даврда хизмат қилганлар, дадамни танисалар керак, деган умидда дадам ҳақида суруштирганман. Лекин у киши, дадамни яхши танишларини гапирдилару, бир жиноятнома бўйича ишлари бирга кўрилгани ҳақида индамадилар.

— «Саид Аҳрорий зўр одам бўлган. Мен яхши танирдим, яхши билардим. Дадангиз ҳақида албатта катта мақола ёзаман... — деди у киши сўзига яқун ясаб. Лекин ҳеч нарса ёзмасликларига ишончим комил эди. Негаки Саид Аҳрорий ҳақида бир нарса ёзиш учун унинг тақдири нима бўлганини аввал билмоқ керак эди. Лекин олтмишинчи йиллар бўлсада, Саид Аҳрорийнинг оқланганига уч йил бўлган бўлсада, бундан ҳали ҳеч ким хабардор эмас эди. Унинг фарзандлари бўлган бизлар эса дадамнинг оқлангани у ёқда турсин, ҳатто ўша ўттизинчи йилда ҳибсга олинганини ҳам билмас эдик. Мана қандай даврда яшадик...

Яна даҳшатлиси шундаки, ёлғиз Лазиззодагина эмас, бошқа бирга маҳкум этилганлар ҳам дадам ҳақида: «Иқтидорли одам, миллатпарвар одам эди» деган гапларни айтардию, лекин ҳеч бирлари, «1930 йилда бир жиноятнома бўйича жавобгарликка тортилганмиз» деган аниқ-таниқ сўзни айтмасди. Нега? Орадан 35—40 йил ўтгач ҳам гапираолмадилар-а.

Дадам Муҳаммад Саид Аҳрорий ҳақида сўзларканман Мунавварқори Абдурашидовни эсламай ўтолмайман. Негаки дадам мана шу ажойиб маърифатпарвар инсон билан бир «иш» бўйича айбланганлар.

Мунавварқори Абдурашидов 1929 йилда ҳибсга олинган бўлса, шу «Жиноятнома»нинг иккинчи жилди 324-саҳифасида, 1930 йилнинг 6 январиди берган кўрсатмасида «Иттиҳоди тараққий»га қабул қилинган ёки қабул қилиниши лозим бўлган кимсаларни хотирлаб, шулар ичида Саид Аҳрорий бўлиши мумкинлигини айтди. Бундан чиқди, ўша 1930 йилнинг февраль—март ойларида дадамнинг вақтинча ҳибсга олиниб, сўроқ қилинишининг сабаби шу бўлиши керак.

Шундан сўнг, 1930 йилнинг 9 апрелида шу иш бўйича тергов қилинган Салимхон Тиллахонов «Миллий иттиҳод» ташкилотига 1918—1919 йилда қабул қилинган кишиларни санаб ўтилганда Саид Аҳрорий номини тилга олади ва Саид Аҳрорий, Абду Ваҳоб Муродий, Р. Иноғомов, А. Икромовларни «Изчилар тўдаси» ташкилотчилари эканини айтди.

Терговчи Муҳаммад Агидуллин (собик чор армияси поручиги) Салимхон Тиллахоновни қайт-қайта тергов қилади. Учинчи жилднинг 99-саҳифасидаги «Миллий иттиҳод» аъзоларининг рўйхатини ёздириб олади ва тўқсон тўртинчи қилиб Саид афанди Аҳрорий кўрсатилади.

1930 йилнинг июнида ўз қўли билан ёзган кўрсатмасида Лазиз Азиззода, мен билган аъзолар шулардан иборат эди, деб катта рўйхат беради ва эллик еттинчи қилиб Саид Аҳрорийни киритади. Лазиз Азиззода яна Саид Аҳрорий ҳақида сўзларкан уни «Изчилар тўдаси» ташкилотчиси деб кўрсатади.

Худди шу жилднинг 234-саҳифасида айбланувчи Фулом Икромов «Изчилар тўдаси» ҳақида сўзларкан шундай дейди: «Изчилар тўдаси» энг аввал ташкил этилган уюшмалардан. Уни турк офицери Саид афанди ташкил этган. Лекин ўзи турк бўлмаса керак...».

Бу маълумот мен учун янгилик эмас. Ҳа, Саид Аҳрорий турк офицери, лекин асли хўжандлик ўзбеклардан. Буларни мен онамдан билганман.

Лекин отам ҳақида ҳеч қачон билмаганларимни ўн иккинчи жилддан топдим.

Бу 1931 йилнинг 14 феввали куни тўлдирилган Бирлашган Бош Сиёсий Бошқарма — ОГПУнинг тергов протоколи.

Бу тергов анкетасидан мен дадамнинг —

Саид Абдурашидович Аҳрорийнинг отаси — бобом Абдурашидхўжанинг савдогар бўлганини, дадам 1895 йилда Туркияда туғилганини билдим (лекин қайси шаҳарда ёзилмаган). Мен учун катта янгилик — Туркиянинг Истамбул шаҳрида Ақром деган амаким ва Асмо исмли аммам бўлганлигидан дарак топдим. Отам авлоди Истамбулда 1897 йилдан бошлаб яшаган экан. Дадам Истамбулда аввал гимназияни тамомлаган, сўнг икки йил мобайнида ҳарбий билим юртида ўқиган эканлар. 1918 йилда Туркистонга келганидан буёғига «Турк ўчоғи» миллий уюшмаси ташкил этган. «Турк сўзи» рўзномасини чоп этган. Тошкентда «Турк изчилар тўдаси» ва «Ватан» мактабини ташкил этган.

Менинг бояқиш дадам, ўз она диёрида мусофир бўлган отам, отагинам. Не-не машаққатларни кўрди бу ёш бошингиз... Шу ерга келганда болалигимдаги бир манзарани эслайман. Иссиқ кийинганимизга қараганда, айти ўша чоқлар, яъни 1930 йилнинг февраль ёки март ойлари бўлса керак. Онам билан Самарқанднинг тош кўчаларидан узоқ юриб бир жойга бордик. Кейин ним қоронғу бир хонага кирдик — деразаси бормиди, йўқмиди эсимда йўқ. Шип-шийдам хонада темир каравот турар, тўшак ўрнига тахта ташланган каравотга. Дадам шу каравотда тахта устида ўтирардилар. Катта бўлгач бу воқеани эслаб, онамдан сўраганимда, «Даданг қамалган эдилар, сен билан бирга ГПУга бориб кўриб келиб эдик» дедилар. Бундан чиқди бу ўша дадам боши узра қора булутлар пайдо бўлган кезлар. 1930 йилларда ёзилган мана бу сатрлар ҳам дадамнинг ўша кайфиятларидан далолат берарди:

Омон-омон доктор,  
Ҳеч иложим йўқдир,

Мендайин бир бечора  
Чорасиз дардга йўлиқдим,  
Борми бунга бир чора?...

Ёки:

Далалар, қирлар,  
Соғиндим сизни,  
Кўркам ҳаётга  
Элтувчи изни.  
Усандим-бездим,  
Тор кўчалардан,  
Мотамли унсиз.  
Кар кечалардан.  
Қақшаган кўнглим —  
Яйрамоқ истар,  
Уфқимда доим  
Бир шафақ истар...

*(«Соғиниш» шеърдан. 26.01.30. Самарқанд).*

Яна:

Далалар, қирлар,  
Очинг бағрингизни!  
Куйган лабимла —  
Ўпай сағрингизни...  
Мен кўйнингизда  
Ўйнаб ўсгандим,  
Эркин яшашни  
Сиздан ўргандим.  
Яшил сийналар,  
Ҳисни қўзғотсин,  
Тотли нағмалар —  
Дилни ўйнатсин!

*(«Очинг бағрингизни» шеърдан.  
14.02.30. Самарқанд).*



Бу шеърлар ўша ҳибсга олинган кезлар ёзилган бўлса керак.

Шундай қилиб, тергов қилиб 1930 йил мартада чиқариб юборгач, шу йилнинг ноябрь ойида Саид Аҳрорийни яна ҳибсга олибдилар экан.

Мунавварқори Абдурашидов билан биргаликда бир иш юзасидан бир неча ўн киши ҳибсга олинган. Ишни ўрганган чоғимда бир нарсга ҳайрон қолдим. Ўша давр зиёлилари ўзбек халқининг норозилигини юрак-юракдан ҳис этишган — уларнинг ўзларини қалбида ҳам Совет ҳокимиятининг ўша давр сиёсатидан норозиликлар уйғонган — шундай бўлиши табиий эди.

Бутун Россия Марказий Ижроия Қўмитасининг Туркистон ишлари бўйича вакили Ф. Голошчєкиннинг «Турк республика Марказий Ижроия Қўмитаси «Известия» рўзномаси муҳбири билан бўлган суҳбатидаги қуйидаги сўзлари норозиликларнинг келиб чиқиш сабабларидан айримларини очиб беради: «Совет ҳокимияти байроғи остида ҳаммаёқда бедодлик ва шахсий манфаат йўлида ўз мавқеидан фойдаланишга интилиш ҳукм сурмоқда, бу эса оврупולי аҳоли ичида имтиёзли гуруҳларни вужудга келтирди. Мусулмон оммасига муайян ишончсизлик бор. Мусулмонларга қуйи ирқ сифатида қарашлар, умумий номақбул сиёсат ва овруполиклар очиқдан очиқ олаётган имтиёзларнинг нақдлиги билан қўшилиб, юқори даражада танг шароитни юзага келтирди ва мусулмонлар оммасида норозилик уйғотди».

Норозилик келтириб чиқарадиган масалалар кўп эди. Бир хуфянинг 1926 йилнинг 17 мартадаги чақуви ҳам бунга мисол бўлаолади:

«...Раҳмат Рафиқ гапини давом эттираркан, пахта харид қилиш масаласида СССР Америка

билан шартнома тузганда бир пуд пахта учун олтин пул билан 14 сўм тўлагани ҳолда, Ўзбекистонга қоғоз пул билан 3 сўм 50 тийин тўлашни кўзда тутати, дейди».

Хуллас, Туркистонда Совет ҳокимияти ўрнатилган кундан то ўша ўттизинчи йилларгача, асосан, бир қатор масалаларда норозиликлар пайдо бўлиб келган. Бундан Совет ҳокимиятининг Олий ташкилотлари хабардор бўлган. Ўша масалаларнинг айримлари қуйидагилардан иборат эди:

а) Партия диктатураси ва Туркистоннинг марказга сиёсий-иқтисодий қарамлиги келтириб чиқараётган норозиликлар;

б) Пахта экиладиган майдонларнинг кўпайтирилиши, ҳақнинг кам тўланишидан норозиликлар;

в) Россиянинг марказий районларидан аҳолининг кўчириб келтирилиши натижасида ерли аҳоли орасида ишсизликнинг кўпайиб боришидан норозиликлар;

г) давлат идораларида ерли миллат кишиларини жойлаштиришнинг имкони бўлмаётганлигидан норозиликлар (аҳолининг арз-додини тинглайдиган, тилини тушунадиган кишилар ишлашини ишташади);

д) Туркистонни миллий жумҳуриятларга бўлиб ташлаш масаласидаги норозилик;

е) ўқиш ва ёзишни лотинлаштириш масаласидаги норозиликлар; ж) ер-сув ислоҳотида йўл қўйилган катта хатолар ва яна бошқа қатор масалалар юзасидан норозиликлар...

Бу масалалар ҳақида ўйларканман, ахир ўша пайтда кўтарилган бу муаммолар, орадан олти йил ўтиб ҳам ўша-ўша муаммолигича турипти-я дейман ўзимга. Нега энди зиёиларнинг — халқ вакилларининг талаблари инобат-

га олинмаган?! Ўша муаммолар ўша чоқлардаёқ тўғри ҳал қилинганда пахта яккаҳокимлиги бизни бунчалар хонавайрон қилмаган бўларми-ди, демография туфайли Россиянинг қишлоқлари ҳувиллаб қолиб, ишчи кучи оқиб келавергани туфайли диёримизда ерли халқ ичида ишсизлик авж олмасмиди, эски ўзбек ёзувидан мажбуран йироқлаштирилганимиз сабабли тарихимиздан бунчалар бегона бўлиб қолмасмидик, Туркистон деб аталмиш давлатимиз парча-парча бўлиниб, миллатлараро низолар чиқишига сабаб бўлмасмиди, қулоқ қилиниб, ер-суви тортиб олинган минглаб ўртаҳол деҳқон ўз она диёридан ўзга юртларга қувғин қилинмасмиди ёки хорижга бош олиб кетишга мажбур бўлмасмиди...

Саволлар, саволлар, саволлар...

Жавобсиз қолган саволлар, бегуноҳ ҳибсга олиниб отиб юборилган, оиласи билан бахтиқаро бўлган фуқаролар...

Бу бахтиқароликлар ҳақида сўз очишдан аввал баъзи фактларга мурожаат қиламан. Бу «жиноятнома»га номи тиркалиб отувга, беш, ўн йиллаб қамоқ жазосига маҳкум этилган одамларнинг деярлик ҳаммаси кейинчалик оқланган экан, демак уларнинг бари бегуноҳ экан-да»...

Ҳа, улар бегуноҳ эдилар. Лекин давр шундай эдики, ҳамма-ҳаммадан бирдай, бир хилда ўйлаш, бир хилда фикр юритиш талаб этиларди. Ҳеч кимнинг ўз шахсий фикри бўлиши мумкин эмас эди.

«Жиноятнома» бўйича биринчи гуноҳкор деб топилган кимса — Мунавварқори Абдурашидов кетидан, ҳали совет ҳокимияти ўрнатилмасидан анча илгари, 1914 йиллардаёқ чор ҳокимияти исковчилари изма-из юришган, Мунавварқорининг маърифатпарварлигини чоризмга қарши халқни кўзгашга уриниш деб баҳолашган. Бу фикр ҳақиқатдан йироқ эмас эди.

Негаки, халқ ҳокимиятдан норози экан, демак, бу ҳокимият халққа зулм ўтказган бўлади. Чоризм даврида, туркистонликлар биздан норози бўлаётибди, қани арзларини эшитайликчи, дейдиган кимса бўлмади. Лекин афсус, совет ҳокимияти йиллари ҳам халқнинг косаси оқармади. Уйлаб кўринг: 1907—1909 йилларда Туркистонда битта бўрдоқи қўй эллик тийиндан бир сўмгача бўлганини ёзади 1989 йилнинг 5 июлида «Литературная газета»да «Буюк ипак йўли қаёққа олиб боради» деган мақоласида Морис Симашко. Совет ҳокимияти йилларида эса кун кундан баттар бўлди. И.Кудрин «Известия» рўзномасининг 1989 йил 16 июль сонидagi «Арзон пахтанинг қиммат баҳоси» мақоласида: «... Подшоҳ даврида ўрис савдогари бир пут пахта учун ўзбекка 18 пут буғдой берган» деб ёзади.

Мунавварқори Абдурашидов шу «жиноятнома»нинг ўнинчи жилдидаги 17-саҳифада 1930 йилнинг 30 октябрида айтади: «1920 йилларнинг октябри бўлса керак, ўртаҳол деҳқоннинг: «1912—13 йилларда бир пут пахта учун 5 қадоқ чой, 30 пуд гуруч, 30 қадоқ қанд, 15 газ газмол, 5—6 пут буғдой, 50 қадоқ гўшт, 30 қадоқ мой олардик, энди бўлса бир қадоқ чой, 15 қадоқ қанд, 15 газ газмол, 2 пут буғдой, ярим пут гуруч, 10 қадоқ гўшт, 7 қадоқ ёғ беришяпти, ўрта ҳисобда 1913 йилдаги нархнинг учдан бирини беришяпти. Агар совет ҳукумати аввалги нархнинг ярмини ёки пахта учун Николай подшо берган нархнинг учдан бирини берганда ҳам ҳукуматдан хурсанд бўлардик, томимизгача пахта экардик» — дейишганини эшитганман», — деб кўрсатма беради. Буни ўқигач беихтиёр: ўзбек деҳқони хўбам хор қилиб юборилган эканми, деган фикрга келасан олтмиш йил ўтгандан сўнг.

Уйлайман: ўша давр зиёлилари Лениннинг

Россия ва Шарқнинг мусулмон меҳнаткашларига қарата қилган мурожаатидаги: «Эркин ва бемалол эркин ҳаётингизни кўраверинг. Бунга ҳаққингиз бор. Билинги, сизнинг ҳуқуқингиз, Россиянинг барча халқлари ҳуқуқи каби инқилобнинг ва унинг ташкилотлари — ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари шўросининг бутун қудрати ила муҳофаза этилади...» деган сўзларга ишонганлар. Ваҳоланки, аксинча бўлиб чиқди — жумҳуриятлар ва шахслар ҳуқуқи Давлат Сиёсий Бошқармасининг бутун кучи — қудрати пойма олди. Оқ-қорани тушинган, халқнинг инсоний ҳуқуқларини ҳимоя қилишга отланган кишилар бир-бир териб олиnaverган.

Менинг отам Муҳаммад Саид Аҳрорий ҳам ўша бегуноҳ қурбонлардан бўлган экан. Лекин ОГПУ отамни гуноҳкор деб билиши учун баҳона кўп экан. Аввало у хорижда — Туркияда таваллуд топган, Истанбулда илм олган.

Саъдуллақори Шермуҳамедов 1929 йилнинг 12 ноябри куни Тошкентда олиб борилган терговда «жиноятнома» нинг 11-жилдининг 31-саҳифасида:

«Саид афанди — собиқ турк офицери. Гимнастика ўргатарди. Машқ чоғида у, ҳар бир турк ўғлони ҳарбни билиши, довюрак бўлиши керак. Қўшинсиз давлат бўлиши мумкин эмас, дерди. У яна:» Биз турк давлатимизнинг ҳимоясига кўксимизни қалқон қилмоғимиз даркор. Бунинг учун ҳарбий ишни билмоқ керак» дерди дея кўрсатма беради.

Агарда терговчилар Муҳаммад Саид Аҳрорийнинг «Турк сўзи» рўзномасининг 1918 йилдаги 5-6 ва 7-сонларида чоп этилган «Яшамок орзуси» мақоласини, худди шу рўзноманинг 1918 йил 2 июнь тўртинчи сонидagi «Турклик жараёни» мақоласидаги: «...Сиёсий ва иқдисодий асоратдан қутилмоқ учун турк дунёсидаги

мактаб ва мадрасалар ислоҳ қилинди, ҳамма мусулмонга китоблар ҳар биликдан зиёда туркча бўлди, ҳар нарса турклаштирилди, яъни миллийлаштирилди», сатрлари билан танишган эсалар ҳам албатта Муҳаммад Саидни миллатчига чиқаришлари тайин. Ваҳоланки, булар муаллифнинг азбаройи ўз халқининг равнақи учун хизмат қилиш ниятидаги уринишларидир. Аммо бу ўша давр терговчилари наздида гуноҳи азим-ку! Туркияда туғилган бўлса, турк офицери бўлса — албатта ниманидир кўзлаб юрибди... — деган таҳминнинг ўзи гуноҳ қилиб кўрсатила қолади.

Мана шундай сабабларга кўра Саид Аҳрорийни 1930 йилнинг 12 ноябри куни ҳибсга оладилар. Лекин унинг қамалганини оиласи — хотини, бола-чақаси ҳам, бирга хизмат қилган дўстлари ҳам — ҳеч ким билмади. Орадан олти йил ўтгачгина мен отамнинг ОГПУ тарафидан ҳибсга олинганидан, 1931 йилнинг апрелида Москва шаҳрида отиб юборилганидан дарак топдим. Аммо даҳшатли жойи шундаки, «жиноятнома»да отамни қамоққа олиш ҳақида ҳатто ордер — фармон йўқ. Нега? Ордерсиз қамашга кимнинг ҳаққи бор?!

Яна саволлар, саволлар, саволлар...  
Бежавоб қолган саволлар.

## 5

1991 йилнинг жоникқан, серташвиш кунларидан туриб ҳужжатларга асосланган ҳолда аср бошига назар ташлайман.

Чақимчининг 1925 йилнинг 28 марти куни Давлат Сиёсий Бошқармасига топширган хабарида жадидлар ҳаракати ва миллий иттиҳодчилар тарихини яхши билганлиги учун ўзига маълум нарсалар ҳақидагина ёзишини билдиради:

Мен ҳам тўплаган ҳужжатларимни қайта-қайта ўқиб, фикрларканман ўша хуфянинг кўзи билан атрофга боқаман.

Унинг ёзишича, 1908—1910 йилларда туркистонлик таниқли маърифатпарвар зиёли Мунавварқори Абдурашидов, Аҳмаджон Маъзум Абдусаидов, Мирза Абдувоҳид Бурхоновлар янги усул мактаби очишни ташвиқот қилишга киришганлар. Улар мактабни ислоҳ этишни истардилар — она тили дарсини ўтиш усулига ўзгариш киритишни, таълим-тарбия масалаларини юқори савияга кўтаришни кўзда тутардилар. Бу зиёлилар янги усул — умуман янгилик тарафдори бўлгани учун уларни жадид деб атай бошладилар. Айнан шу 1910 йилларда туркистонликларни ўқиш учун хорижга — Туркияга юборадиган бўлганлар... 1911 йилда Мухумитдин Ҳамзабеков билан Мазҳар Бурхонов ўртасида келишмовчилик пайдо бўлиб, Ҳамзабеков «Бухоро таълим маориф» уюшмасидан чиқиб кетди ва Олимжон Идрисий, Азизбек Абдуқаюмхўжа ҳамда талабалардан Ҳошим Шоик, Абдумажид Воҳидов, Абдуқаюмхўжа, Абдуқаҳҳорлар билан бирга Истамбулда «Турон нашри маориф» номидаги янги жамият ташкил этдилар. Бу жамият фақат бухороликлар учунгина бўлмай, балки барча турклар учун бирлашган жамият бўлганлигидан туркистонликлардан Фози Олим Юнусов, Маҳмуд Зиё, Темур, Муҳаммад Ризо, Абдурахмон Исмоилзода ва Истамбулда истиқомат қилган Муҳаммад Саид Хўжа (Саид Аҳрорий) ҳам шу жамиятга аъзо бўлдилар. Бу иккала жамият синфий мақсадни кўзламас, балки Туркиядаги «Иттиҳоди тараққий» жамияти кўрсатмалари асосида иш юритарди холос. Иккала жамиятнинг сиёсий мақсади, ҳар қандай қилиб бўлса ҳам Бухоро амирини тахтдан туширмасдан туриб давлат ҳокимиятида

ислоҳ ўтказишдан иборат эди. Агар амир бунга қаршилиқ кўрсатадиган бўлса, уни тахтдан тушириб, унинг оила аъзоларидан бошқа бирини тахтга ўтказмоқ ниятида эди улар. Шу билан бирга Бухоро ҳукуматининг Туркия билан иттифоқ тузиши кўзда тутилди. Туркистон масаласига келганда Русия билан Туркия ўртасида уруш бўлажаги ҳавода қалқиб турганлигидан; мабодо бу ҳол юз бергудек бўлса, Чор русияси истибдодидан дунё кўзга тор бўлиб кетган Туркистон фуқаролари истибдодга қарши бош кўтаришга ишончда эди бу ёшлар. Уларнинг ниятлари ҳам ўзлари каби навниҳол эди. Шу ҳол юз берса Русиядан ажралиб чиқадилар-да, Туркистон тепасига Худоёрхон авлодидан бирини қўядилар.

Лекин бу жамият аъзоларидан бир нечаси: марғилонлик Муҳаммад Ризо, қўқонлик Абдурахмон Исмоилзода ва хўжандлик Муҳаммад Саид Хўжа (Саид Аҳрорий) ўзаро келишиб, Туркистонда хонлик барпо этишга тарафдор бўлмадилар. Тўрт йилда бир марта Президент сайлови ўтказиладиган Республика барпо этишни аъло санаганди бу ёшлар.

Ёшлар дейишимизнинг боиси бор. Бошқаларни билмадиму Муҳаммад Саид Аҳрорий бу чоқларда ўн беш ёшли гимназия талабаси эди. Шу ёшга етгунча она юрти Туркистонга атиги бир маротаба — 1908-йилда — ўн уч ёшда отаси билан келиб кетган Муҳаммад Саид юрагида у ўлкани истибдод зулмидан озод этиш иштиёқи қайдан пайдо бўлди экан?! Ижтимоий ҳаётнинг паст-баландлигини шу ёшдан қаёқдан билди?! Отаси Абдурашидхўжа савдо-сотик билан машгул кимса. Она юрти Хўжанддан муқаддас Хаж сафарига чиққанича қайтиб бориш насиб этмади. Туркияда қолиб кетди. Туз-насиба уни Истамбулга олиб келди. Шу ерда уй-жой қилди,



бола-чақа орттирди, савдо-сотик билан, сандиқсозлик билан кун кўрди. Муҳаммад Саид унинг тўнғичи (бўлса керак). Худо зехндан сиқмади, қўлидан китоб тушмади. Ота изидан бормай, гимназияга ўқишга кирди. Энди бўлса бу ерда ҳам тиниб-тинчимайди.

«Туркистон қачонгача оёқ ости бўлади? Қачонгача унинг бойликлари талон-тарож бўлиб ётади?» каби саволлар тинчлик бермайди унга. «Турон нашри маориф» жамиятига аъзо бўлишдан мурод ҳам ўзини қийнаган саволларга жавоб топишда эди. Мана бу ерда ҳам жавоб топмоқ қийин бўлаётибди. Жамият аъзолари фикри бир ердан чиқмаётибди. Жамиятнинг бир гуруҳ аъзоси хонлик тарафдори, улар орасидан уч киши республика тузуми тарафдори. Туркияда республикачилик ғоясига қаршилар кўп бўлганлигидан бу ғояни илгари сурганлар ҳукумат тарафидан таъқиб қилинганлигидан республика тузуми тарафдорлари жазоланганлигидан бу уч республикачи орзуларини сир тутдилар. Бу ғояни амалга ошириш борасида қилган саъи ҳаракатларини бегона кўзлардан яширин тутдилар, тайёрлаган плакат ва лойиҳаларини эълон қилмадилар — Муҳаммад Саид Хўжа хонадонидан яширилганча қолиб кетди — ёпиғлиқ қозон ёпиғлиғича қолди...

1912 йилда Истамбулга таниқли қрим татар адабиётчиси Исмоил Фаспирали билан самарқандлик Маҳмудхўжа Беҳбуди Русиядан келди. Республикачилик ғояларини қай йўсин амалга оширишга ҳайрон юрган уч республикачи ёш ўз мулоҳазаларини Фаспирали билан ўртоқлашдилар.

Ёшлардан кўра беш-ўн кўйлакни ортиқ йиртган, оқ-қорани таниган, жаҳон таниган таниқли олим Исмоил Фаспирали бу уч ёшдан маслаҳатини аямади:

— Бу яқин орада пан исломизм ёки пантур-

кизм ғояларини олға сурмоқ хаёлпарастликдан бошқа нарса эмас, — деди у ва фикрини қуйидагича шарҳлади. — Агардаки Русиядаги турк халқлари мустақил бўлишга уриниб кўрган тақдирларида ҳам, бу ҳол оврупадаги давлатлар учун намойиш қабилида кўринади, холос...

Маслаҳат сўраган ёшларнинг анг-танг қолганларини кўриб Ғаспирали фикрини шарҳлаб беришга уринди.

— Яна шуниси ҳам борки, ўғлонлар, бу ишдан турк халқларининг ўзи учун ҳам ҳеч қандай наф йўқ-бўлмайди. Негаки, Оврўпо дипломатияси ишни алғов-далғов қилиб ташлайди. Туркистонда республика барпо этишда Туркиядан ёрдамни умид тутиш ҳам бир рўё. Бу борада Туркия ҳеч қандай мадад бўлолмайди. Ғояларингизни амалга оширишни ўзингиз учун муқаддас деб ҳисобласангиз, Туркияда туришингиздан фойда йўқ — ғояларингиз амали учун зарур шароит топмайсиз. Менинг сизларга маслаҳатим, она юртларингизга боринглар. Агардаки Туркистонда етарли мадад топмасангизлар Русия марказига жўнанглар, ўқишга кинглар — чуқур билим олишга ҳаракат қилинглари. Юз йиллар ўрис империализми истибдодида яшайди Туркистон халқи. Улар орасида республика тузуми ва пантуркизм тарафдорлари кўп бўлиши мумкин. Фақат шундай шароитдагина — барча турк халқлари бир ёқадан бош чиқаргандагина турк халқлари учун мустақилликка эришиш имкони туғилиши мумкин...

Муҳаммад Саидхўжа ҳам, ошнолари ҳам Исмоил Ғаспирали сўзларини жон қулоқлари билан тингладилар.

— Ростдан ҳам, яна бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчиман. Менданки, маслаҳат сўраб келиб-сизларми, гапимга қулоқ тутинглар. Пантуркизм ва панисломизм ғоялари билан ўзларингизни

овораи сарсон қилмаларингиз. Бу фойдасиз ва бунинг устига амалга ошириб бўлмайдиган иш. Менинг назаримда империалистик Ўрусиянинг мустамлакачилик сиёсати остида эзилган турк халқлари бирлашиб, ҳаракатларини уйғунлаштириб озодлик учун курашмоқлари жоиз...

Бундан саксон олти йил муқаддам айтган эди Исмоил Фаспирали бу сўзларни...

Бу маслаҳат туркистонлик уч йигитга маъқул бўлди ва улар Туркистонга қайтишни дилларига тугдилар...

Мен эса бу ёзувларни ўрисчадан таржима қиларканман, ўн беш ёшидан бошлаб халқ дардини тишида тишлаб, унга малҳам бўлиш йўлларини излаган Муҳаммад Саидга ҳавасим келади.

## 6

Яна бу кунга қайтаман. Қўлимда ўша «Жиноятнома»нинг бошқа бир жилди. Неча ойдирки уни ўрганишда давом этаман. Саид Аҳрорий ҳақида айтилаётган ҳар бир сўз мени қизиқтиради. Отам ҳақида умримда билмаган нарсаларни — ростми-ёлғонми шу ерда билаяпман.

Бир нарсага эътибор бераман. Кимдаким Саид Аҳрорий ҳақида сўзларкан, албатта унинг номини «Турк изчилар тўдаси» деган уюшма билан боғлайди. Ҳақиқатан ҳам Саид Аҳрорий «Турк изчилар тўдаси»ни ташкил этган. «Изчилар тўдаси»ни нима деб тушунмоқ керак? Менимча бу алоҳида мавзу бўлиши керак ва маҳсул ўрганиб рисола ёзишга арзирли мавзу.

Шунда бирдан болаликдан қайта-қайта кўравериб кўз ўнгимда муҳрланиб қолган бир суврат ёдимга тушди, «Ўқчи» маҳалласидаги «Ватан» мактаби ҳовлисида олинган бу сувратда бир қанотда кашшоф таёқларини ўнг ён-

бошда тик турган бир хилда кийинган болакайлар — кашшофлар ва иккинчи қанотда духовой оркестр ва унинг ортида ўсмир ёшдаги талабалар, ўрталикда қатор ўтирган ўқитувчилар ва улар орасида менинг дадам Муҳаммад Саид Аҳрорий.

Нима учун «Изчилар тўдаси»? «Изчи» қай маънода келаяпти, деб кўп ўйлардим. Эндиликка келиб тушунишимча, олдинда борувчи — разведкачи маъносида бўлиши керак. Демак, бу ёшларга умид билан қаралган, уларнинг келажигига ишонч ва умид билан «Изчи», яъни издан борувчи деб аташган. Бу менинг тахминларим...

Лекин «Изчилар тўдаси» ҳақида бошқа фикрлар ҳам бор. «Изчи тўдаси» ҳақида сўзлашдан аввал Саид Аҳрорий 1919 йилда Тошкентда, Ўқчи маҳалласида ташкил этилган «Ватан» мактаби ҳақида сўзламоқ жоиз.

1927 йилларда ўзбек «миллатчилари» ва миллий ташкилотлар фаолияти ҳақидаги хабарномалардан бирида «Изчилар тўдаси» ҳақида махсус хабарнома бор. Бундай хабарноманинг бошқа ҳужжатгоҳлардан топилмаслигига ишонганимдан, ўқувчига қизиқарли бўлиши мумкин деган ўйда шу хабарни бир қисмини келтирман:

«Муҳаммад Саид, Абдуваҳоб Муродий, Фатхулла Умарий (ўзбек давлат труппаси артисти), Мир Носир (бойнинг ўғли), Мирҳамидбой, Акмал Икромов (Ўз ВКП(б) Марказий Кўмитаси масъул котиби, Аъзам Ёқуб ташаббуси билан 1918 йилнинг биринчи сентябрида «Ватан» мактаби биносида турк бой скаутлар уюшмаси «Турк изчилар тўдаси» ташкил этилди.

Биринчи ташкилий мажлисда юқорида санаб ўтилган кишилар отряд президиумига кирдилар. Ташкилотнинг доимий раиси «Бошбуғ»

қилиб Муҳаммад Саид сайланди. Абдуваҳоб Муродий — муовин, Фатхулла Умарий котиб, Мирҳамид Миршаропов — хазинабон, Мирносир, Акмал Икромов ва Аъзам Ёқубий аъзо қилиб сайландилар.

Тўданинг олдида қўйилган мақсад: 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшларга миллий байроқ остида илм бериш, улардан мутахассислар тайёрлаш, уларни жисмоний етук қилиб тарбиялашдан иборат бўлиб, илм олиш учун хорижга жўнатиш, санъатни ривожлантириш, адабиёт ва матбуотни миллий руҳда барпо этиш, ҳарбий ўқувни йўлга қўйиш ва ахир оқибатда Туркистон халқини миллий мустақиллик учун курашчи қилиб тарбиялашдан иборатдир.

Тўда пантуркизм ва майда буржуа руҳида иш юритишга асосланган, деб ёзади чақимчи «Программасига қараганда турк миллатига мансуб (ўзбек, қozoқ, татар ва ҳакозо) бўлган ўн саккиз ёшдан ўттиз ёшгача бўлган, тўда ғояларига хизмат қилишга тайёр бўлган, унинг программасини қабул қилган ҳар қандай шахс унга аъзо бўлиши мумкин. Аъзоликка ўтиш бадали (аъзо билаётган кимсанинг имкониятидан келиб чиқиб) президиум тарафидан белгиланади. Камбағал, ишсиз, ўқишни тугалламаганлардан аъзолик бадали олинмайди, балки моддий имконияти яхшироқ бўлганларга солиқ солинади.

Отряд ҳузурида қуйидаги тўгарақлар ишлайди:

1. Духовой оркестр (ўзбеклар орасида биринчи духовой оркестр ана шу «Изчилар тўдаси» тарафидан ташкил этилганди).

2. Миллий мусиқа тўгараги;

3. Физкультура;

4. Театр труппаси;

5. Педагогика курслари;

## 6. Саводсизликни тугатиш курслари;

Бу маълумотни тарихий аҳамиятга молик деб билганимдан қисқартириб бўлсада махсус санаб ўтдим. Ҳозир жаҳон миқёсида бой скаутлар ташкилотларини тиклаш жараёни кетаётган бир пайтда бу хабарга ҳам ўзига яраша қизиқиш уйғониши мумкин. «Изчилар тўдаси» ҳақида махсус «Иш» бўлиши мумкин деган таҳминим бор. Негаки, бу тўда кейинчалик ташкил этилган «Темур тўдаси», «Тўдалар тўдаси» кабиларнинг энг биринчиси.

«...Тўданинг моддий бойлиги аъзолик бадаллари, қўйган спектаклларидан, томоша кечалари, сайрлар ва лекциялардан тушадиган тушумлар ва хайр-эҳсонлардан иборатдир, Тўда аъзоси саводини чиқаришга, илм олишга, ҳеч бўлмаганда бир ҳунар эгаси бўлишга, ҳар куни физкультура қилишга (шу жумладан ҳарбий машғулот билан икки соат шуғулланишга, иқтисод режимига итоат этишга, шахсий ҳаётда ўзгариш ясашга (овруполашишга), ўзидан юқори лавозимдагиларга (ўқувчилар синф раҳбарларига, звено бошлиқларига, взвод командирлари ва бошқаларга) итоаткор бўлишга, тегишли форма либосларини озода қилиб кийишга эътиборли бўлмоғи жоиз...»

Хуфиянинг бу ёзувларига бу кунги кўз билан қаралса, «Изчилар тўдаси» қанчалар хайрли ишларни мақсад қилиб қўйганлиги намоён бўлади. Гап масалага қай кўз билан қарашга боғлиқ бўлса керак.

Муҳаммад Саиднинг 1919 йилнинг 17 октябри куни Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийга йўллаган мактуби ҳам «Изчилар тўдаси»да маънавиятга алоҳида бир аҳамият берилганини кўрсатади.

Мана ўша мактуб:

«Адиби муҳарриримиз Ҳамза Ҳақимзода жанобларига.

Муҳтарам афандим!

15 октябрда бўлгон умумий йиғилишимизда 1200 сўм маош ила «Изчилар тўдаси» ҳайъати таҳририясига қабул этилдингиз. Бундан сўнгра Сизни ҳақиқий бир изчи деб тонувимиз ила баробар тўдамизнинг ҳайъати таҳририясидан деб биламиз. Тўдамизга пьесаларингиз бўлса берувингизни ўтунов ила баробар маънавий ёрдамнингизни рижо этамиз.

Буюк эҳтиром ила...»

Хат тубида Муҳаммад Саид имзоси...

Аммо «Изчилар тўдаси» ҳақида замондошлардан бирининг бошқа бир салбий фикри ҳам бор. Оқ билан қорани ажратиб олишни ўқувчининг ўзига ҳавола этиб, бу фикрларни ҳам айнан келтираман.

Шоир Боту 1935 йилнинг 9 феввали куни Соловкида қамоқ муддатини ўтаб юрган жойидан туриб Бутун Иттифоқ Коммунистик Партияси Марказий Кўмитасига, Сталинга ёзган аризасида барча тўдалар ҳамда жамиятлар рўзнома ва ойномаларни тилга олганида: «Изчилар тўдаси»ни пантуркистик аксилинқилобий ташкилот бўлган, «Миллий иттиҳод»нинг ошкор ишловчи қисми эди» деб ёзади, «бу гуруҳ ва тўдаларнинг асосий мақсади, вазифаси Совет ҳокимиятини ағдариш ва миллий буржуа давлатини ташкил этишдан иборат бўлган» деб хабар қилади. Боту бу мактубни ёзмасдан беш йил муқаддам «Миллий истиқлол» қонга ботирилган эди. — «Миллий истиқлол»нинг ўн беш аъзоси 1931-йилнинг 23 майида Москва шаҳрида отувга ҳукм этилган ва отиб юборилган эди. Сўнги топилган маълумотларга кўра улардан беш нафари Москвадаги Ваганков қабристонига қўйилган.

Афсус... Қирчиллама ёшида қирчинидан қийилган эди улар... Аммо, улардан илгарироқ ҳибсга олинган Боту бу фожиалардан беҳабар бўлиши мумкин...

## 7

Ахтариш жараёнида бир ғалати материалга рўпара келдим:

«...1917 йилда Туркистонда тўнтариш бўлганидан хабар топиб, Красноярскдаги ҳарбий асирлар тутқунгоҳидан Муҳаммад Саид Афанди қочади ва 1918 йил февралда Тошкентга келади.

У 1908 йилда — ўсмирлик чоғида отаси билан Истамбулдан Туркистонга келиб кетган эди. Муҳаммад Саид Тошкентда отасининг ошнаси, Қашқар маҳаллалик катта бой Тожихўжаникига тушади ва уникида бир ойдан ортиқ яшайди.

Шу бир ой ичида у автономия учун кураш борганидан, ёш бухороликларнинг амирга қарши кураш бошлаганидан ва мағлубиятга йўлиққанлигидан, Туркистон ёшларининг заифлигидан, уламолар жамиятнинг қўли баландлигидан хабар топади.

Бу воқеалар Муҳаммад Саидга қаттиқ таъсир қилади, лекин ёлғизлиги туфайли ҳеч бир иш қилолмайди. Ундан ташқари бой ва уламолар вакиллари Муҳаммад Аминбек Худоёрхон, Тожихўжаев, Орифхўжабой, Тўлаган охун, Мухторхон Аълам, Исахон Аълам (Саиднинг отасининг ошнолари ва дўстлари) Саидни қуршаб, унга ўз таъсирларини ўтказмоқчи бўлишади. Лекин уларнинг феодаллик тарафдори бўлиб, жадидлар, ёшлар ва турли ислохотларга қарши эканликларини англаган Саид улар билан бирга бўлишни истамайди ва (отасининг)



юрти Хўжандга жўнаш баҳонасида улардан аж-  
ралади.

Хўжандда Саид амакиси Валихонбобоники-  
га тушади. (Воқеа 1918 йил эрта кўкламда ўтаё-  
тир). Билсаки, икки амакиси ва икки жияни  
оламдан ўтган, бир Абдувоҳид Валихонбобоев  
деган жияни бетоб ётган экан. (Ўша пайтларда  
Саидга амакисидан 400 кв. аршин ер-сув ва уй-  
жой мерос қолган экан.) Жияни Абдувоҳид Вали-  
хонбобоев амакиваччаси Муҳаммад Саиднинг  
асирликдан қочганини, ҳужжати йўқлигини  
эшитгач кўрқиб кетади, қариндошлар меросни  
олгани келди деб чўчиб, ҳукуматга чақиб бериш-  
ларини айтиб Муҳаммад Саидга тезроқ бу ердан  
жўнаб кетишини маслаҳат беради.

Муҳаммад Саид чўнтагида бир мирисиз  
вокзалга жўнайди ва асирликдан қайтган  
пайтида Тошкентда Тожихўжабой кийгазган —  
олтин пулда ўттиз сўлкавой турадиган чопони-  
ни қоғоз пулда 17 сўмга сотади-да, поезднинг  
иккинчи класс вагонига патта олади. Поезд Ха-  
вас станциясига етганда у Ғози Олим Юнусов-  
ни учратиб қолади. Ғози Олим Юнусов Саидга  
уч-тўрт кун Самарқандда меҳмон бўлишни так-  
лиф этади. Ҳали ҳозир бирон ерда хизмат қил-  
майдиган Саид Самарқандни зиёрат қилиш, ёш  
бухороликлар билан кўришиш учун Ғози  
Олимнинг таклифини қабул қилади. Самар-  
қандда айни олатасир тўполон пайтлари эди:  
бир тарафдан революциячи ёш бухороликлар  
Колесовнинг хиёнати туфайли қочиб кетиш-  
ганди (улар орасида Саиднинг эски қадрдонла-  
ри — Отахўжа Пўлатхўжаев, Усмонхўжа Пўлат-  
хўжаев, Фитратлар бор эди). Бир тарафдан ре-  
волюциячи ёш бухороликлар оч, бир бурда нон  
учун ҳарқандай меҳнатга рози бўлган пайтлар,  
иккинчи тарафдан «Турк қадам маркази» уюш-  
маси аъзолари (Муҳаммад Амин Афандизода

рахбарлигида) асосий роль ўйнашга ҳаракат қилишарди. Учинчи тарафдан эса большевиклар Самарқандда монархия жандармериясининг собиқ агенти Ҳожи Сафо Жўрабоевни мухтор ҳоким қилиб белгилагандилар ва ҳақозо...

Мана шундай шароитда «Турк ўчоғи» аъзоси Муҳаммад Саид ва «Иттиҳоди тараққий» аъзоси Ғози Олим Юнусов Карл Маркс кўчасидаги «Гранд Отель» меҳмонхонасининг 1-номерида ўтириб, ўзаро қуйидаги мазмунда битим тузишади: «Ҳозирги кунда ҳеч қандай жадид ташкилотлари билан бирлашиб иш олиб бориш имкони йўқ, қолган турклар заиф, ўзлари ҳам хатарда. Фитрат Бухорода мағлубиятга йўлиқиб обрўсизланиб қолди. Мунавварқори ва унинг тарафдорлари мухторият учун қилинган ҳаракатлари туфайли қораланганлар. Шунинг учун ҳам уламоларнинг Саидга эътиборидан фойдаланиб, улар билан вақтинча бирлашиб, улар розилиги ва улар ёрдами билан «Турк ўчоғи» уюшмаси ташкил этадилар. Сўнг бу уюшмага жадидларни жалб этиб, пайтини топиб ҳамма уламолар ва хонзодаларни уюшмадан чиқариб юборадилар...»

«Турк ўчоғи» — социал-сиёсий ва маданий оқартув турк ташкилотидир. Унинг шиори турк миллатини сиёсий-иқтисодий ва маданий асоратдан қутқариш ва ҳақиқий турк маданиятини барпо этишдир. Унинг мақсади — миллатчилик байроғи остида туркистон туркийларини (яъни ўзбекларни) бирлаштириш ва уларга миллий руҳ, миллий ғоя ва миллий тарбия беришдир: туркистон ҳудудида истиқомат қилганларга туркий халқ фарзандлари эканликларини тушунтириш ва улар орасида қабилачилик адоватлари ўрнига бирдамлик ва меҳр-оқибат уруғини сочиш кўзда тутилади; миллий урф-одатларга мувофиқ халқнинг маданий савиясини кўтариш,

савдони, деҳқончиликни, саноатни ривожлантириш, ҳамда турк маданиятини барпо этиш ва шу йўл билан туркистонлик туркийларнинг моддий қудратини оширишни кўзда тутати. Бу жамиятнинг гоёси — пантуркизмдир».

Юқоридагиларни ўқирканман, ўйлайман: «Нега энди ўз халқи онгини оширишни, уни маърифатли қилишни кўзлаган кимса миллатчи деб қораланиши керак? «Миллатчи» деган сўз нега энди гуноҳкор деб тушунилиши керак?! Миллатчи дегани миллатпарвар дегани эмасми?»

Хуфиянинг ёзишича Самарқанддалиқ чоғида Муҳаммад Саид Фитрат билан, Отахўжа ҳамда Усмонхўжа билан фикрини ўртоқлашади. Лекин булар «Турк ўчоғи»ни ташкил этишни маслаҳат кўришмайди. Усмонхўжа орқали Муҳаммад Саид ёш бухоролик инқилобчилар раҳбари Файзулла Хўжаев билан танишади. «Турк ўчоғи», «Турк сўзи», «Ватан» мактаби ва «Изчилар тўдаси» ҳақида Давлат Сиёсий Бошқармасига йўлланган машинкада 35 саҳифадан иборат бир ахборотда юқоридаги фикрлар давом эттирилиб шундай қўшимча қилинади:

«...Муҳаммад Саиднинг уламоларга, Ғози Олимнинг Худоёрхоновларга таъсири ўлароқ 1918 йилнинг апрелида Тошкентда «Турк ўчоғи» ташкил этилади. Бошда Ғози Олим раис, Муҳаммад Саид саркотиб, Темурбек Худоёрхонов ғазначи қилиб тайинланади. Уламолар жамияти раиси Тўлаган Охун, Муҳаммад Аминбек, Нуритдинбек, Исломбек Худоёрхоновлар президиум аъзолари бўлиб қоладилар.

Бу жамият иш бошлаган биринчи ҳафтада унинг ҳузурида икки синфли жаҳид мактаби очилади ва Муҳаммад Саид ихтиёрига берилади, май ойининг охирида эса Тошкентда Темурбекнинг расмий муҳаррирлиги, Муҳаммад Саиднинг сиёсий раҳбарлиги ва адабий таҳри-

ри остида «Турк сўзи» номида (ҳафтада икки марта чиқадиган) рўзнома чоп этила бошлайди».

Шу ўринда мен бир нарсани таъкидлаб ўтишни истардим. Юқорида тилга олиб ўтилган уюшма ва жамиятлар ҳақида ҳеч ерда, ҳеч қандай маълумот топмадим, бу ҳаракатлар тарихини ўрганишда асқотиб қолиши мумкин деган ўй билан бу маълумотларни батафсилроқ келтираётибман. Ушбу ахборот менга анча қўл келди. Бундаги фактларнинг неча фоизи ҳақиқатлигини билмасамда, шу чоққача мени қийнаб келган кўпгина саволларимга жавоб топдим.

Масалан, мен Саид Аҳрорийнинг Файзулла Хўжаев билан бирга ишлаганини, Саид Аҳрорий ёш бухороликлар кўмитаси саркотиби, Бухоро Коммунистик партияси аъзоси бўлганини билардиму, лекин дадам билан Файзулла Хўжаев бир-бири билан қай йўсин танишганини билмасдим. «Саид Аҳрорий Тошкентда бўлса, улар қандай танишишди экан?» деган саволимга хуфиянинг ахборотдан жавоб топдим.

Бу ахборотда яна рўзноманинг ношири «Турк ўртоқчилиги» деган кичик бир ширкат бўлиб, Муҳаммад Аминбек, Нуриддинбек, Исломбек ва Темур Худоёрхонов, Исахон Аълам, Мухторхон Аълам ва Ғози Олимлар бу ширкат аъзолари эканлиги санаб ўтилади...

«Расман ширкат масъул котиби Темурбек бўлса ҳам, аслида бу вазифани «Турк сўзи» рўзномасининг раҳбари, адабий муҳаррири Муҳаммад Саид бошқарар эди» дея таъкидланади.

Ҳужжатларни ўрганишни давом эттирар эканман рўпарамда менинг кенжа ўғлим Маъсудхон тенгдоши — 22 ёшли Муҳаммад Саид гавдаланади. Бу ёшгача не савдолар тушди унинг бошига. 1914 йилда ўн тўққиз ёшда

Туркияда I Жаҳон урушига сафарбар этилади. Дарданель ва Галициядаги жангларда иштирок этади. 1916—1917 йилларда Красноярскдаги ҳарбий асирлар лагеридаги тутқунлик йиллари ва 1918 йил февралда — қаҳратон қишда чўнтагида бир чақа пулсиз лагердан қочиш... Бу саргузаштларни болалигимизда онамиздан худди эртақ эшитгандек тинглардик...

Муҳаммад Саид эндигина йигирма уч ёшга кирган. Унинг 1919 йилда Тошкентда бўлиб ўтган тўйида куёв навкарлар ўрнида «Изчилар тўдаси» аъзолари машъалалар кўтариб, қўшиқ куйлашиб Шайхонтоҳурдан Хадра тарафга — Ҳовузбоғ маҳалласига, Абдурахмон эшон хонадонига йўл олади. Куёв эшикдан кириб келгунга қадар ичин-ташин ҳовлининг майдон тарафида бобом Абдурахмон эшон Ойтўраҳон бувимга зуғум қилиб: «Қизингни кимга бераяпсан?!» — деб қувалаб юрган бўлади.

Бу воқеаларнинг содир бўлишигача ҳали яна узундан-узун би-и-ир йил бор. Саид Аҳрорий бу бир йил ичида Низомитдин Хўжаев, Саъдулла Хўжа Турсунхўжаев, Фатхулла Умаровлар билан танишади, бир-бирлари билан фикрлари тўғри келмайди, Шайхонтоҳурдаги «Равнақ» китоб дўконида дуч келишганида Низомитдин Хўжаев: «Хей! Истамбулда ўқиган уламо» деб гап қотади Муҳаммад Саидга. Лекин Саид бўш келадиган анойилардан эмас. «Ҳой, сиз сиёсий сўқирлар! Бу ерда тўпланиб ғийбат қилиб тургандан кўра «Учоқ»қа кириб, халққа маърифат бериш билан шуғуллансангизлар бўлмайдими» — деб таъна қилади Муҳаммад Саид уларга. Бу икки тараф орасидаги зиддият узоқ давом этмайди. Рўзноманинг тўртинчи сони чиқадиган куни Мунавварқори ариза билан келади ва Муҳаммад Саид уни «Турк ўчоғи» аъзолигига қабул қилади. Улар: «Учоққа» жадидларни жалб

етиш, «Турон» билан «Турк ўчоғи»ни бирлаштириб, аъзолари сони кўпайгач, «Турк ўчоғи»дан барча уламочилар ва хонзодаларни чиқариб юбориш масаласини оғзаки келишиб олишади.

Бу хабарномада шундай дейилади:

«Рўзноманинг «Турк сўзи» олтинчи сониди Муҳаммад Саид уламоларга ва англизларга қарши «Англиянинг сўнг умиди» деган мақола чоп эттиради. Бу мақолада муаллиф англизларнинг мақсади Туркистонни босиб олиш эканлигини, Бухоро амири ва уламолар англизларнинг малайлари эканини очиқдан-очиқ эълон қилади».

Худди шу куни Тўлаган Охун «Турк ўчоғи» биносиди шу жамият президиумининг шошилинч мажлисини чақиради. Бу мажлисда президиум аъзолари англизларнинг Туркистон ва Бухорони ўрислар зулмидан озод этгувчилар эканини исботлашга уринишади. Саид бу фикрга қўшилмайди ва уларга қисқагина жавоб қилади: Агар Туркистон билан Бухорога озодлик керак бўлса, халқ ўзи бош кўтарсин. Хорижий давлатларнинг бизга аралашуви керакмас. Агар англизларнинг текин эркинликлари бўлса, уни Ҳиндистон билан Мисрга беришсин...

Хулласи калом, тараф-тараф бўлиб, торт-торт қилишлар оқибатида «Турк ўчоғи» ҳам «Турк сўзи» рўзномаси ҳам ёпилади. Фақат «Турк ўчоғи» ҳузуридаги йигирма талабанинг бошини қовуштирган бепул мактабгина ишини давом эттиради. Мактабда Муҳаммад Саид она тили, жўгрофия, умум тарихдан, Абдуваҳоб Муродий математика ва табиатшуносликдан, Абдурахмон Исмоилзода расм ва қўл ҳунаридан хизматлари учун ҳақ олмай дарс беришарди.

Миллий руҳ ва миллий тарбия билан машғул бўлган мана шу кичкинагина мактаб яна

бир неча ой ишини давом эттиради. Рамазон оқшомларидан бирида бу мактаб талабалари бир хилда камзул кийишиб, кашшоф таёқларини кўтаришиб саф тортишиб Шайхонтохурга чиқдилар, миллий кўшиқ куйлаб, гимнастика машқларини адо этиб, ҳамманинг диққатини жалб этдилар. Айнан ана шу кундан бошлаб, бу мактабга ўғлонини етаклаб келувчи оталар кўпайганидан кўпаябошлади...

Олтмиш йил мобайнида отам ҳақида исми-насаби, қаерда хизмат қилганидан бошқа ҳеч нимани билмаган бўлсам, энди мен унинг ўн беш ёшида қўйган қадамидан воқифман. Ҳа, шундай. Ишониб қийин. Ўзим ҳам ҳали-ҳануз ишонмайман. Чақимчиларнинг ёзувларини қандай бўлса шундайлигича диққатингизга ҳа-вола қилаётирман. Бу дадам эди-ку, деб яхши-сини оширмадим, ёмонини яширмадим. Мен учун бир нарса қимматли: Муҳаммад Саид Аҳ-рорий қандай ишга қўл урмасин, у газета му-ҳаррирлиги бўладими, давлат маҳкамаларидаги раҳбарлик ишлари бўладими, ёки педагогикага доир ишлар жон-жаҳди билан ихлос билан ки-ришган, халқ манфаатини биринчи ўринга қўйган. Шу муносабат билан ғалати бир ҳужжат устида тўхталиб ўтаман. Бу ҳужжат собиқ Бухоро миллий ташкилоти ҳақида. Неча йиллар мо-байнида Саид Аҳрорийни кузатиб юрган ча-қимчи билан 1927 йилнинг 24 апрелида бўлган суҳбатидан қисқартириб таржима қилаяпман: «...Собиқ Бухоро Халқ Шўролар Жумҳурияти Ревкоми раиси, ҳозирда Тожикистон Халқ Ко-миссарлари Совети раиси Мирза Абдуқодир Муҳитдинов чақиртиради-да, Саид Аҳрорийга дейди:

— Саид Афанди. Сиз яхши одамсиз. Ҳақи-қий миллатчи ва ташкилотимиз аъзосисиз. Ташкилотимиз Сизга ишониб бир жиддий топ-

шириқ бермоқчи. Сиз уни бажаришингиз керак.

Саид Аҳрорий бажараман, деб сўз беришдан аввал қандай топшириқ бермоқчиликларини сўради.

Муҳитдинов одатда ташкилот аъзолари ичадиган қасамдан ташқари Саид Аҳрорийни мусулмон фарзанди сифатида ҳаммасини сир тутиш ҳақида яна алоҳида қасамёд қилдиртиради-да:

— Ташкилотимиз Чоржўй яқинида Аму Дарё устидаги кўприкни портлатиб юбормоқчи. Бу ишни амалга оширишни ташкилот сизга топширади...

Бунга жавобан Саид Аҳрорий, миллатчи бўлишидан ва ташкилот аъзосилигидан қатъий назар, бу тадбирни нотўғри деб ҳисоблагани учун, ўрисларга қарши бўлгани ҳолда бу топшириқни бажаришга рози эмаслигини айтади, зеро кўприк ўрисларнинг пулига ва ўрисларнинг қўли билан бунёд этилмаган, балки мусулмонларнинг қўли ва маблағи билан бунёд этилганини айтади, унинг фикрича, бундай қилиш мусулмонларга қарши курашнинг айнан ўзгинаси бўлишини ва бундай қилиш амирнинг қилгиликларидан ҳам баттарлигини таъкидлайди. Кейинчалик ҳеч ким буни қайта тиклашни эплотмаслигини, Бухоронинг маблағи камлигини, бу ишда ёлғиз Англия ёрдам бераолишини лекин бу — мусулмонларнинг ўрислар истибдодидан қутулиб, Англиянинг ўрисларникидан қолишмайдиган истибдоди остида қолажаги эканини исботлашга уринади. Шундан кейин Муҳитдинов Саид Аҳрорийга ташкилот аъзоси сифатида топшириқни бажариши жоизлигини айтиб, таклифини такрорлайди, топшириқни бажармаган ташкилот аъзоси ташкилотдан чиқарилиши ва кейинчалик йўқотилишини эслатади. Саид Аҳрорий бу топшириқнинг но-



тўғрилигини миллий ташкилотнинг асл нияти бундай эмаслигини айтиб, топшириқни бажаришдан иккинчи бор бош тортади...

...Бундан ташқари, миллатчи бўлгани ҳолда бундай топшириқни бажо келтирмаслиги устига, мабодо бошқа биров тарафидан ёки ҳатто Англия тарафидан кўприк портлатиладиган бўлса бу тўғрида ўзи Бухоро Халқ Шўролар Жумҳурияти Ҳокимиятигини эмас, балки РСФСР вакили ва алоҳида бўлимга билдиражанини, бутун масъулият Муҳиддинов зиммасига тушажагини айтади...»

Ҳужжатларнинг ҳикоя қилишича ўша даврнинг зиёлилари ва улар қаторида Саид Аҳрорий ҳам ўртамиёна яшаган. Ортиқча мол-мулки бўлмаган. Саид Аҳрорийнинг ҳибсга олинганда тўлдирилган анкетасида мусодара қиладиган мол-мулки йўқ, деб кўрсатилган. Ана шундай одам бўлган экан менинг жойлари жаннатда бўлгур отагинам.

Шундай қилиб бу ҳужжатгоҳдан мен отам Муҳаммад Саид Аҳрорийнинг ўн йиллик меҳнат фаолияти давомида қаерда хизмат қилганини ҳам аниқладим:

1. «Турк ўчоғи» уюшмаси ташкилотчиси ва раҳбари;

2. «Турк сўзи» газетасининг адабий муҳаррири;

3. «Ватан» номли мактаб ташкилотчиси ва раҳбари;

4. «Изчилар тўдаси» уюшмаси ташкилотчиси ва раҳбари;

5. «Ёш бухороликлар» қўмитаси саркотиби;

6. «Бухоро Халқ Шўролар Жумҳурияти давлат нашриётининг директори;

7. «Бухоро ахбори» газетаси муҳаррири;

8. Бухорода чиққан «Ёш ленинчи» газетаси таҳририяти аъзоси;

9. Бухоро халқ шўролар жумҳуриятининг Озарбайжондаги мухтор элчиси;

10. «Озод Бухоро» газетаси муҳаррири ўрин-босари;

11. Бухоро халқ шўролар жумҳурияти Нозирлар Кенгаши аппарати ходими;

12. Молия халқ комиссарлиги ходими;

13.»Зарафшон» газетаси ходими;

14. Самарқанд молия-иқтисод техникуми ўқитувчиси.

Саид Аҳрорийнинг Сталин даври қатли оми қурбони бўлганидан хабар топгач, бир масала мени ўйлантириб юрарди. 1937 йилларда қамалганларнинг кўпларининг оила аъзолари ҳам бадарға қилинган. «Нега бизнинг оила бу жазодан халос бўлиб қолди экан?»

1991 йилнинг 30 январида «Литературная газета»нинг № 4 (5330)-сонида бу саволимга жавоб топдим. Газетадан ўзбек тилига ағдариб диққатингизга ҳавола қиламан.

### **СССР МАРКАЗИЙ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИНING 1934 ЙИЛ 8 ИЮНЬ ҚАРОРИ**

(М. Калинин ва А. Медведев имзо чеккан. РСФСР, Украина ва бошқа жумҳуриятлар жиноят мажмуасига ўша йилнинг август ойида киритилган. Бир қанча қисқартириш билан берилаяпти).

1. Ватанга хиёнат... айнан: жосуслик, ҳарбий ёки давлат сирини ошкор этиш, душман тарафга ўтиш, қочиш ёки чет элга учиб ўтиш олий жазога — отувга, мол-мулки мусодара қилувга, енгиллатувчи ҳолатлар бўлганида 10 йил озодликдан маҳрум қилувга ва мол-мулки мусодара қилувга ҳукм этилади...

Хоиннинг балоғат ёшидаги оила аъзолари, хиёнат содир этилган пайтда у билан бирга

яшаган ёки қарамоғида бўлганлар беш йилга Сибирнинг узоқ ўлкаларига бадарға қилинади ва сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилади...»

Демак, бу қарор 1934 йилда чиққан бўлиб, 1930 йилларда қамалганларнинг оиласи бунинг азобидан «бебахра» қолганлар. Шунисига ҳам шукур. 1937 йилларга келиб маҳкум этилганлар оилалари ана шу 1934 йилда М. И. Калинин имзо чеккан қарор азобини тортган эканлар. Мен яшаган тоталитар давлатда ўз фуқаросига берадиган азоб-уқубатлар турини кашф этишда қанчалар моҳир арбоблар бор-а!

Шу «йш»ни ўрганиш асносида мен отувга ҳукм этилган ўн беш нафар «Миллий истиқлол»чилар Москва шаҳридаги Бутирка турмасининг Шарқ бўлимида азоб чекканларидан хабар топдим. Бутирка турмасида махсус Шарқ бўлимининг ташкил этилишининг ўзи кун кечагина революция шарофати билан чоризм истибдодидан фориг бўлдик деб ўйлаган Ўрта Осиё халқларининг қаттиқ исканжада тутиш сиёсати эди. Яқинда мен СССР Ёзувчилари уюшмаси аъзоси Андрей Владимирович Станишевский (Азиз Ниалло)нинг 1958 йилнинг 29 сентябрида шоир Боту ишининг қайта кўрилиши муносабати билан «Ўзбекистонда миллий ҳаракат масаласига доир» деган хатини ўқидим. Станишевский, ўзининг ёзишича, 1926 йилнинг майидан 1927 йил ўртасигача ППОГПУнинг Ўрта Осиё Шарқ бўлимида ишлаган, кейинчалик адабий фаолият билан шуғулланган экан. Бу ҳақда у шундай ёзади:

«Бутун Иттифоқ фавқулодда комиссияси марказий аппаратида Шарқ бўлими ташкил этилганлиги мамлакатнинг колониал чекка ўлкаларида партиямизнинг шарқ сиёсатининг намоён этилишидир. Шарқ сиёсатича В. И. Лениннинг коммунистик интернационалнинг

II съезди учун тайёрлаган миллий ва коло-ниал масалалари бўйича илк тезисларда айниқса ёрқин ифодалангандир». Бундан маълум бўладики, Совет давлати ўзининг илк одимлариданоқ миллий жумхуриятларни қаттиқ қўл остида сақлаш сиёсатини белгиллаган. Миллий ҳаракатларни ўрганиб; миллатпарварлар сафини ишдан чиқаришга, ўз ораларидан хабаркашларни тайёрлашга ҳаракат қилган, ахир оқибатда репрессияни қўллаган. Кенг миқёсда қўллаган.

Ана шунақа гаплар...

Бу «Жиноятнома» билан танишар эканман ўзимдан ўтганини ўзим биламан ва ёлғиз худо билади. Баъзида: «Нега энди бу бахтиқароликларга йўл қўйдинг?! Бу бояқишларнинг халқпарварлигидан ўзга гуноҳи йўқлигини сен билар эдинг-ку...» — дея нола чеккан пайтларим ҳам бўлди. Мунавварқори Абдурашидовнинг: «Менинг ихтиёрим сизларда, сизнинг қўлингизда бир чивинчалик ҳолим бор. Бир бармогингиз билан эзиб ташлашингиз мумкин», — каби сўзларини ўқиганимда дилимдаги оҳим кўкка ўрлаб, бутун жисмимда оғриқ ҳис қилиб инграб юбораман. Умрим бино бўлиб ҳеч қачон кўрмаган, у тўғрида фақат мана шу «Жиноятнома»ни ўқиб билганим бу маърифатпарвар инсон дардига шериклик мени кеча-кундуз баробар қийнайди. Ёши ўттиз олтига етмай, Мунавварқори билан бир кунда отиб юборилган отам ва у билан бир қарорга асосан отилган яна ўн тўрт бахтиқора кўз олдимда мўлтираб тургандек: «Биз бегуноҳмиз! Бегуноҳмиз!.. — деб нола чекаётгандек бўлади...

«Дод!» деган фарёд кўтарилади дилимда. «До-о-о-д!» Қалбим тубидан кўтарилган бу фарёд Ҳимолай тоғлари оша ўрлаб кетгандай бўлади, умрим бўйи кўрганим бедодликлардан

қон ютган қалбим тубидан чўккан аламлар ифодаси бўлиб янграйди.

Менинг отамнинг ва у каби ноҳақ азоб чеккан, отувга ҳукм этилиб, отиб юборилган истиқлол учун кураш йўлида қурбон бўлганларнинг хуни кимни тутиши керак? Ҳозирги уйғониб келаётган авлод, мустақилликни қўлга олган авлод уларнинг ёдини абадийлаштириш учун нима қилаётир?

«Миллий истиқлол» уюшмасининг бирнеча ўн аъзоси ҳибсга олиниб, улардан ўн беш киши 1931 йилнинг 25 апрели куни Москва шаҳрида ОГПУ Коллегиясининг судлов қарорига кўра отувга ҳукм этилган ва отиб юборилган. Уларнинг кўпчилиги РСФСР Жиноят Мажмуасининг 58.2, 58.3, 58.4, 58.6, 58.10 моддаларига кўра ўн, ўн беш йиллаб қамоқ жазосига маҳкум этилган ва улардан ўн беш нафари 1931 йилнинг 25 апрели куни Москва шаҳрида ОГПУ Коллегиясининг судлов қарорига биноан отувга ҳукм этилган ва Москва шаҳрида отиб ташланган...

«Бу даҳшатли элик саккизинчи модда қаердан пайдо бўлдию, қанча одамнинг бошини еди?» — деган саволлар мени даҳшатга солиб келди...

Куни кечагина шу саволимга жавоб топдим. «Известия» газетасининг 1992 йилнинг 23 апрелидаги сонида Дмитрий Волкогоновнинг «Шафқатсизларча қатъият билан...» сарлавҳали мақоласини ўқидим. Юрагим дилдираб, руҳим тўнғиб, алам-изтироб билан ўқидим. «Наҳот! Наҳот шу рост бўлса! Наҳот бутун умрим алданиб ўтган бўлса!» деган нидо қалбимни поралади. Ленин номини беш ёшимдан ардоқлаб ўсган бўлсам, бутун умрим алдам-қалдам ичида ўтиб кетган экан-да?! Алданган бир менгинами? Бутун бир авлод, бутун бир халқ алданган,

панд еган бўлса-я? Даҳшат!!!» — деган ўйлардан дунё тор кўринади кўзимга...

Мақола муаллифи ўзининг Лениннинг дастхатига мансуб қоралама сақланган ҳужжатгоҳда бўлганини, зирҳланган эшик орқасида халқ кўзидан пана бу ҳужжатгоҳда Ленин дастхатига доир, ҳеч қачон матбуот бетини кўрмаган 3724 ҳужжат неча-неча йиллардан бери сақланиб келишини айтarkan, ўша хат ва ёзувлардан мисоллар келтиради. Ўша ёзувлардан бир нечасини ўрисчадан таржима қилиб диққатингизга ҳавола этаман. Мана доҳиймиз Лениннинг 1918 йилнинг 11 августида Пенза коммунистларига ёзган мактуби:

«Ўртоқлар! Беш бўлидаги кулакларнинг исёнини шафқатсизларча бостирмоқ даркор. Бутун революциянинг манфаати шуни талаб этади, зеро эндиликда ҳамма ерда кулакларга қарши «сўнгги қатъий кураш» бормоқда — ибрат кўрсатмоқ лозим.

1. Ҳаммага аён бўлган кулаклар, бойлар, зотимларнинг юзчасини осмоқ (халойиқ кўрсин учун албатта осиш) керак.

2. Номларини эълон қилмоқ керак.

3. Буғдойларнинг барини тортиб олмоқ керак.

4. Кечаги телеграммага биноан гаров белгиламоқ керак.

Шундай қилмоқ керакки, юз чақирим тева-рак атрофидаги халойиқ кўрсин, қалтирасин...

Мактубни олганингизни ва бажарганингизни телеграф орқали хабар қилинг.

### **Сизнинг Ленин.**

«Қатъиятли одамлар топинг».

Даҳшат... Бу даҳшатли мактубнинг муаллифи наҳотки бизнинг Ленин?! Биз гўдакликдан то умр поёнига қадар отаи бузрукворимиздек

эъзозлаган, буюк даҳо деб таниган кимса қаламига мансуб бу даҳшатли кўрсатма?! Ахир бизнинг жумҳуриятда ҳам бу кўрсатмалар асосида озмунча хонадон қувғинга йўлиқдимми?!

Лениннинг Т. Крестинский деган кимсага йўллаган кичкинагина ёзувини диққатингизга ҳавола қиламан. «Яширинча террорга ҳозирлик кўрилсин: албатта — ва зудлик билан».

Бир биридан даҳшатли бу ёзувларни ўқирканман булардан баттарига дуч келаман деб сира ўйламайман. Тўсатдан мени ўйлатган 58-модданинг келиб чиқишига асос бўлган ҳужжатга рўпара келдим. Адлия халқ комиссари Д. И. Курскийга ёзган хатида Ленин шундай дейди: «...Тарғибот ва ташвиқот ёки халқаро буржуазиянинг капитализм ўрнига келган коммунистик тузумни тан олмаган қисмига ёрдамлашишга уринган уюшмаларда қатнашганлик... энг олий жазога лойиқдир. Юмшатувчи ҳолатлар бўлган чоғда озодликдан маҳрум этмоқ ёки чет элга қувғин қилмоқ керак». Кўриниб турибдики, РСФСР Жиноят Мажмуасининг 58-моддаси шу тариқа пайдо бўлган ва миллионларча Совет кишилари шу модданинг турли бандлари билан, баъзида бир неча бандлари билан биракай айбланиб отиб юборилдилар, тутқунгоҳларни тўлдирдилар...

Жумҳуриятимизда истиқлол учун жонкуярлик қилган «Миллий истиқлол»чилар ҳам айнан шу модда билан айбландилар — ноҳақлик қурбони бўлдилар.

1931 йилнинг 25 апрелида РСФСР Жиноят Мажмуасининг 58-моддаси билан отувга ҳукм этилдилар, Москва ва Тошкент шаҳрида отиб ташландилар.

Мана ўша ноҳақлик қурбонлари:

1. Мунавварқори Абдурашидов
2. Салимхон Тиллахонов

3. Фулом Икромов
4. Мирҳалил Каримов
5. Нажмитдин Шераҳмедов
6. Толибжон Мусабоев
7. Асадулла Хўжахонов
8. Усмонхўжа Тўхтаҳўжаев
9. Исроилжон Иброҳимов
10. Тангриқулҳожии Мақсудов
11. Хасанқори Хоний
12. Зайнутдинқори Насриддинов
13. Мулла Файбуллу Дадамухамедов
14. Абдуллабек Мусабеков
15. Саид Абдурашидович Аҳрорий (менинг отаи бузрукворим).

Буларнинг бари интервенция йўли билан Совет ҳукуматини йўқ қилиш ва буржуа мустақил Ўзбекистон давлатини барпо этишни мақсад қилиб қўйган «Миллий истиқлол» номидаги аксилинқилобий ташкилот тузишда айбланганлар.

Истиқлол йўлида шаҳид кетган ҳамюртларимизни аллоҳ-таоло раҳмат қилсин.

Дадамга доир ҳужжатларни ўрганарканман қиёси топилмайдиган қонунсизликнинг шоҳиди бўлдим:

Бирламчи, Саид Аҳрорийни ҳибсга олишга ижозатнома — ордер бўлмаган. Қамаш ҳақида ордер бўлмагани ҳолда қай йўсин уни ҳибсга олишди экан?

Иккиламчи, Саид Аҳрорий ҳибсга олинганч тўрт ой давомида тергов қилинмаган. У Москва шаҳрида Бутирка турмасининг шарқ бўлимида қамоқда ётган. Савол туғилади: Москвада ҳам унинг ордерсиз қамалганлигини пайқамадилармикин? «Эчкига жон қайғу, қассобга гўшт» деган мақол беихтиёр ёдга тушади. Эътибор қилинг; 1930 йилнинг 12 ноябрида ҳибсга олинган ва то 1931 йилнинг 14 февралигача тергов-



сиз ётган. Сўнг уни икки кунда олти марта сўроқ қиладилар: 1931 йилнинг 14 феввали куни беш марта ва 25 март куни яна бир марта. Уч терговда Акмал Икромов билан бўлган учрашувлари тафсилотлари суриштирилади, бир бор Мунавварқори билан кўришганликлари сабабини аниқлашга уринишади, сўнгги терговда «Изчилар тўдаси»га доир материаллар ва Боту билан муносабати суриштирилган.

Саид Аҳрорийни ОГПУнинг вакили тергов қилган. Дадамга доир тергов протоколини қайта-қайта ўқирканман, Саид Аҳрорийнинг сиёсий қарашларига доир бир оғиз сўз топмайман, бундай маълумотларни бошқа маҳбустларнинг терговдаги дадам ҳақидаги мулоҳазаларида ҳам учратмайман... Астаффурулло! Бу нима деган гап? Демак, мен умр бўйи дийдорига зор-интизор бўлган отаи бузрукворим бегуноҳдан бегуноҳ, «Ҳар эҳтимолга қарши» отиб юборилган экан-да...

О-о-олтмиш йилдан сўнг топдим отам изини. Лекин қувонмоғим керакми ё куюнмоғим, аза очмоғим керакми — билмайман. Дўст-ёрларим менга: «Қувонгин» дейишади. «Ҳар ҳолда отанг изини топдинг-ку!» Лекин дилимда қувончдан асар бўлмаса қандоқ қилай?

Ўттиз олти ёшдаги яшашга иштиёқманд, куч-қувватга тўла отамни 1930 йилда йўқотсамда, олтмиш йилдан сўнг асфаласофинга жўнатиб юборилганидан дарак топсам...

Юрагим куяди. Дадамга, дунёга келмай қолган жигарларимга, йигирма беш ёшида тул қолган, гулдай умри хазон бўлиб кетган онам Вазирахонга қалбимда аза тутаман.

Мен қалбимда кўпларга аза тутаман. Умрим бино бўлиб ҳеч қачон кўрмаганим, Истамбул шаҳрида Нури Усмония сўқмоғида умр гузаронлик қилган бобом — сандиқсоз Абдурашид-

хўжа Аҳрорга, мен ҳатто исм-шарифларидан ҳам беҳабар бўлган, ўн тўққиз ёшли ўғлони Муҳаммад Саидни 1914 йилда жаҳон урушига кузатиб қолганидан кейин ўла-ўлгунча йўлига кўз тиккан, биз набиралари ҳеч қачон бағрида исинмаган бувижонимга ва Истамбулда яшаб қолган Акрам амаким ва Асмо аммамга аза тутаман, улар авлодларини кўмсаб яшайман. Дилимда тилимга чиқмаган фарёд янграйди ва бир савол менга тинчлик бермайди: педагог, журналист, драматург ва дипломат Саид Аҳрорийнинг ўлими кимга керак эди ва нега? Дадам билан бир кунга ўлимга ҳукм этилган халқнинг сара фарзандлари ўлими, ўттиз еттинчи йиллардаги ҳадсиз-ҳисобсиз қирғин баротнинг илдизи қаерга боради?! Буларнинг барининг хуни кимнинг ёқасидан тутмоғи керак?!

Ҳужжатларни ўрганарканман ғалати бир фактга рўпара келаман. Эсингизда бўлса иш бўйича ўн беш киши отувга ҳукм этилганди. Лекин қанчалар диққат билан ўрганмай «Жиноятнома»да саккиз кишининг: Мунавварқори Абдурашидов, Салимхон Тиллахонов, Ғулом Икромов, Мирҳалил Каримов, Нажмутдин Шераҳмедов, Толибжон Мусабоев, Тангриқулхожи Мақсудов ва Саид Абдурашидович Аҳрорий хусусида отув ҳақида ҳукм ижро этилганини аён этувчи справкани кўрмадим.

Ёдингизда бўлса, ҳикоямнинг бошларида менинг аризамга берилган жавобда Саид Абдурашидович Аҳрорий 1931 йилнинг 25 апрелида РСФСР Жиноят Кодексининг 58—4 моддасига кўра отувга ҳукм этилган ва худди ўша куни Москва шаҳрида отилганлигини ёзган, дегандим. Лекин ҳужжатлар билан танишиш жараёнида дадамнинг отилганлиги ҳақидаги справкани кўрмадим.

«Бу қанақаси бўлди?!» — деб юбордим ҳай-

рат ичида. Негаки, ўн беш кишини отув ҳақидаги қарордан кейинги 113-саҳифага бир ҳужжат тиркалганди. Уни русчадан ўзбекчага ағдариб эътиборингизга ҳавола қиламан.

**«ЎРТОҚ ЗУБКИНГА, ИККИНЧИ НУСХАСИ ЎРТОҚ ОЛЬСКИЙГА»** деб ёзилган-у қора қаламда Дьяковга деб кўшимча қилинган.

ОГПУ Суд Коллегиясининг 1931 йил 25 апрелидаги мажлисининг Мунавварқори Абдурашидов, Салимхон Тиллахонов ва бошқалар, шу жумладан 87 кишига доир ҳукмнинг ижроси то ЦККдан партия аъзоларига доир масала кўрилгунга қадар бутун иш юзасидан тўхтатилсин.

ОГПУ Ҳайъатининг саркотиби  
29.04.31 йил.

(Буланов)

Эътибор беринг. Ёзишма сўнгида 1931 йилнинг 29 апрели санаси кўрсатилган. Демак, бу кунга қадар ҳукм ижро этилмаган. Отувга ҳукм этилган ўн беш тутқун ҳали ҳаёт. Аммо менга берилган маълумотга кўра отам Саид Аҳрорий 1931 йилнинг 25 апрелида отувга ҳукм этилган ва шу кунгидея Москва шаҳрида ҳукм ижро этилган.

Бу ҳужжатларнинг қай бирига ишонмоқ керак?!

Бу ҳужжатларни ўрганишнинг ўзи бўлмайди: толиққандирман, илғаб ололмагандирман, деб ўйладим. Лекин мана шу «иш» юзасидан маҳкумларни оқлашга доир 1957 йилдаги материаллар тиркалган ҳужжатларни ўрганишга тушдим. Кўшимча текширувга доир 19 йилнинг 315-саҳифасидаги ҳужжатни русчадан таржима қилиб келтираман.

«670 рақамли Архив-тергов иши бўйича

ХУЛОСА

10 июнь 1957 йил.

Бирлашган Бош сиёсий Бошқарма Хайъатининг А. Хўжахонов, У. Тўхтаўжаев, И. Иброҳимов, Ҳасанқори Хоний, З. К. Насриддинов, М. Г. Дадамухамедов ва А. Мусабековни отувга ҳукм этиш ҳақидаги қарори 1931 йилнинг 3 июнида ижро этилган.

Аммо, М. К. Абдурашидов, С. Тиллахонов, Ф. Икрамов, М. Каримов, Т. Мусабоев, Т. Х. Мақсудов, Н. Шераҳмедов ва С. А. Аҳрорийга нисбатан ҳукм ижро этилди йўқми ишдан кўринмайди. Ушбу текширув давомида ҳам буни аниқлашнинг имкони бўлмади».

Ана холос! Буни нима деб ўйласангиз ўйлайверасиз. Мен анг-танг бўлиб қолдим. Бу нима бўлди асти? Бизнинг Совет Социалистик Жумҳуриятлар Иттифоқи деб аталмиш, биз болаликдан дунёдаги энг адолатли давлат деб билган мамлакатда рўй бераяптими бу ҳақсизликлар?! Минг афсус... у ёғига дилимда жўш урган қарама-қарши туйғуларни ифода этишга ожиз сезаман ўзимни...

1957 йилдаги бу текширув комиссиясининг менинг дадам ҳақида ҳам махсус хулосаси бор:

«Саид Абдурашидович Аҳрорийга Мунавварқори ва бошқа миллатчилар билан эски алоқани узмай, миллий доиралардаги аҳвол ҳақида Мунавварқорини огоҳлантириш билан унга аксиланқилобий ишни йўлга солишда кўмаклашган, деган гуноҳ тақалган. Аммо унинг Мунавварқори билан «эски алоқаси» айнан нимадан иборатлиги, Аҳрорий Мунавварқорини нима ҳақида огоҳлантирганлиги ишдаги материаллардан кўринмайди. Умуман Аҳрорийнинг бирон бир советларга қарши, миллатчилик ташкилотларига алоқадорлигини кўрсатувчи ишонarli далил-исботлар йўқ.

Хуллас калом 349-саҳифага келганда ўн беш киши ва улар қаторида Саид Абдурашидович

Аҳрорий гуноҳи исботланмаганлиги туфайли оқланади.

Мана энди 1930 йиллардаги терговчилар билан ҳозирги кун терговчиларини қиёслаб кўрайлик. Олдинги терговчилар отувга олиб борган маҳкумлар бугун бегуноҳ бўлиб чиқаяпти. Нега? Гап давр тақазосида. У даврдаги ходимлар тоталитар давлат буйруғини кўр-кўрона бажаришга мажбур бўлганлар, деб биламан. У буйруқни бажармай кўр-чи, ўзинг кетасан асфаласофилинга. Жон талвасасида қилинган ишлар бўлса керак у терговлар. Ахир шу буйруқни ижро этган ташкилот ходимлари ҳам қирғин баротдан бебаҳра қолмадилар-ку. Бу ҳақда аниқ маълумотлар келтириш қийин. СССР Давлат Хавфсизлиги Кўмитаси информация бюллетенининг 1990 йил 2 сонидаги маълумотга қараганда фақат 1934—1939 йиллар ичидагина (ўттизинчи йиллар бунга кирмайди) чет элда масъул вазифаларни адо этаётган чекистлардан «аксилнқилобий жинояти учун» 21.880 ходим масъулиятга тортилган.

Шундан ўзингизга хулоса чиқараверинг.

1991 йилнинг 18 июли куни Марказий телевидениедан шундай бир рақамни эълон этдилар:

1937 йилда иттифоқимизда коммунистлар сони 1 миллион 800 минг киши бўлган экан. 1939 йилга келиб 300 мингга камайган, яъни коммунистлар сони 1 миллион 500 минг бўлиб қолган. «Уч юз минг коммунист қайга кетди?» — деган қонуний савол туғилади. Маълум бўлишича, шу икки йил ичида 300 минг коммунист отиб юборилган экан. Кўрқув салтанатининг мамлакат узра юргазган неча турли ғаровларидан бири эди бу. Ўша ғаровга тушмаган тоифа қолмаган эди. Зиёлилар билан бир қаторда ўша давр сиёсатини амалга оширган че-

кистлар ҳам бу фаровдан четда қолмаган эди. Бунга 1930—1937 йилларда ҳам, турғунлик йилларида ҳам қонунларимизнинг мукамал бўлмаганлиги сабаб. Ҳозирги кунда қонунга асосланган давлат тузуми барпо этиш учун кураш кетаётганлиги бежиз эмас. Бутун кучимизни, ақл-идрокимизни қонун устувор бўлган давлат барпо этишга қаратмоғимиз керак, шахсга сифинишнинг бу даҳшатли сабоқлари ёдимиздан кўтарилмаслиги керак.

Олдинда яхши кунларни яқинлаштириш учун кураш кутади бизни. Бу кураш ҳар биримизнинг оқ-қорани танишимизга боғлиқ. Ёш-дир-қаридир атрофга зийрак боқмоғи, кутганимиз тансиқ кунларни бу кунга яқинлаштиришимиз учун хизматдан қочмаслиги керак. Саид Аҳрорий бир вақтлар ёзганидек бизга ҳам:

«Тансиқ кунлар келди,

Яйраш чоғидир...» — деб бонг урмоқ насиб этди.

## 8

Меҳнат фаолиятимни тугатиб, нафақага чиққанимда: «Қирқ йил меҳнат қилдим. Мана энди дам оламан, театрларга бораман, янги спектаклларни битта қолдирмай кўраман» деб ўйлаган эдим. Умрим ҳужжатгоҳларда ўтиб кетаяпти. Ҳужжатгоҳлардан қўлим хиёл бўшаган пайтларда Навоий номидаги жумҳурият миллий кутубхонасининг нодир асарлар бўлимида йигирманчи йилларда чиққан газета ва журналларни ҳижжалаётган бўламан. Дадам муҳаррирлик қилган «Бухоро ахбори» рўзномасини ўз қўлимда тутаман. Юрагим алғов-далғов, дадам руҳи мени кузатиб тургандай... Қани энди саводим бўлсаю, бу рўзномаларни бошидан сўнгги нуқтасигача ўқиб чиқсам. (У чоқларда газета ва

журналлар эски ўзбек алифбосида чоп этилган). Аммо афсус, бизнинг юртда ҳар мучалда бир мартадан алифбони янгилаш одат бўлган... Бизни атай ўз тарихимиздан йироқлаштирганлар — бизлардан манқуртлар бунёд этганлар.

Дадам мақолаларини ўзим ўқий олишим учун маҳаллада саводсизликни тугатиш курслари очдик ва унга қатнаб, зўр-базўр ўқиш имконига эга бўлдим ва кутубхона ходими Раҳим Файзуллаевнинг самимий ёрдами билан дадамнинг 1918 йилда «Турк сўзи» газетасида чоп этилган «Турклик жараёни», «Яшамоқ орзуси», «Инглизларнинг сўнг умиди», «Кўланкаларимга» мақолаларини кўчириб олиш имкониятига эга бўлдим.

Дунёда, ҳали ҳам бўлса, яхши одамлар бор. Бухоролик меҳнат фахрийси Абул Бозоров менинг қилаётган ишларимдан хабар топиб, ҳужжатгоҳларда юрган чоғларида дадамнинг учраган мақолаларини газеталардан кўчириб менга юбордилар. Улар талайгина. Дадам муҳаррирлик қилган «Бухоро ахбори» газетасида чоп этилган «Инқилобимиз», «Дўстлик муносабати», «Қайтиш», «Вазифа бошида», «Қонға-қон» каби мақолалари шулар жумласига киради.

Яқинда Абул Бозоровдан яна хат олдим. Улар ёзган мактубларида «Бухоро ахбори» газетасининг ўн тўртинчи сониди Муҳаммад Саид Аҳрорийнинг «Турк-ўзбек атамалари луғати» берилганини хабар қилибдилар. Луғатни алоҳида нашр этиш зарурлигини айтибдилар. Демак, изланиш давом этади. Тилимизга эътибор ошган ҳозирги кунда Саид Аҳрорий луғати асқатиб қолса ажаб эмас.

Изласанг топар экансан. Дадам изини умрим бориचा излашга тайёрман... Ҳамон излайман...

Дадам ёзган мақолаларни ўрганиш бароба-

ридан мен унинг қарашларини англадим. Истибдодга қарши, мустақиллик учун кураш садолари янграйди унинг сатрларида.

Мана дадамнинг Муҳаммад Саид имзоси билан 1918 йилда «Турк сўзи» газетасининг 5—6 ва 7-сонларида чоп этилган «Яшамоқ орзуси» мақоласи. Бундан саксон йил муқаддам ёзилган бу мақоладан истиқлолга ташналик иси уфуради. Бундан хиёл кам бир аср муқаддам зиёлиларимиз қалбини ёндирган масала — мустақиллик учун кураш масаласи эканини, бу йўлда қилинаётган амаллар ўша йиллар айримларга номақбул эканлигини англаймиз.

«Биз, миллий хусусият ва истиқлолимизни муҳофаза қилиб яшамоқ истагимизга ва бу орзуи муқаддасимизга кучимиз билан, қаттиқ бир шиддат билан ёпишиб, керак бўладиган чораларга бош урганимизга дарҳол теварагимиздагиларнинг жони сиқилади. Бинобарин, ҳар тарафимиздан шиддатли товушлар ва шиддатли эътирозлар бош чиқариб, бизни эски ҳолатимизга қайтармоқчи бўлиб кўрқита — бошлайдилар. Ўзлари учун фидокорлик ва қаҳрамонлик деб қабул қилинган бу ҳаракатлар табдил қилиниб бошга кўтарилган бу ҳислар бизнинг учун бир ақлсизлик ва бир ҳурматсизлик деб ҳукм бериладир. Биз яшамоқ истаймиз ва улар бизнинг маҳв бўлишимизни ҳамда ўз-ўзимизни ўз қўлимиз билан йўқ қилишимизни хоҳлайдилар.

Чунки ўз кўзимизни ўзимизга кавлатмоқ осонроқ бир иш, яқинроқ бир йўлдир, ҳам чиқимсиз бир суратда ва қонсиз бир баҳо билан майдонга келадилар. Николай вақтида Туркистоннинг бус-бутун маҳв ва паришон бўлганини ҳамма дунё билган эди...»

Отагинамнинг йигирма уч ёшида ёзган бу сатрларини ўқирканман унинг зеҳни-камолига



ҳавасим келади. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Хорижда таваллуд топиб, ватанини кўмсаб ўсган Муҳаммад Саиднинг ўн беш ёшидаёқ, Истамбулдаги гимназия талабаси чоғиданоқ Туркистонни истибдод зулмидан озод этишга бел боғлаган бир гуруҳ фидокорлар қатори «Турон нашри маориф» уюшмасига аъзо бўлишида жон бор эди. 1910—1911 йилларда Истамбулга борган Исмоил Фаспирали ва Маҳмудхўжа Бехбудий билан учрашиб, бу хусусда маслаҳатлашувида ҳам жон бор эди. Мана энди, ўн тўққиз ёшдан жаҳон уруши майдонларида — Галиция ва Дарданелла жон олиб, жон берган, ўрислар кўлида асирлик азобини тортган, Красноярск шаҳридаги ҳарбий асирлар тутқунгоҳидан қочиб, 1918 йил февралда Тошкентга келган Муҳаммад Саид Туркистон халқининг азоб-уқубатларини англаб етиб, уни бу кўргиликлардан қутқариш йўлларини излар эди. Саид Аҳрорий куйиб-ёниб қуйидагиларни ёзади:

«...Хурриятимизни талаб қилганимиз бир қабоҳат, мухториятимизни қўлдан бермаслигимиз бир қабоҳат, хориждан ўзимизга керакли таълим ва устодларни келтиришимиз қабоҳат, ниҳоят, катта қувват пайдо қилмоққа бошлашимиз ҳаммадан катта бир қабоҳат бўлиб кўринадир. Чунки, энди ҳар кимга алданиб юрмаймиз... Энди биз ҳам бошқа миллатлар орасида бир мавқеъ тутмоқ учун барча овозимизни кўтариб ҳаққимизни тилаймиз...» — дея бонг уради.

Бу сатрларни ўқирканман она ватанида мусофир бўлиб юриб, ўзини шу ватан фарзанди деб билган ёруғ ва олов қалбли йигирма уч ёшли йигитнинг оқсоқоллардек фикр юритишига таҳсинлар ўқийман ва Муҳаммад Саид сатрлари ила ватандошларга мурожаат қиламан:

«...Бугунги уйғонишимиз билан бошқа миллатларнинг икки йилда ишлайдурган ишини бир йилда тамомламоғимиз зарур...»

Менинг отам ва унинг замондошлари истиқлол учун курашдилар, уни интиқ кутдилар, умидвор бўлиб кутдилар, курашдилар. Шулар ҳақида ўйларканман бирдан отамнинг — Саид Аҳрорийнинг куни кечагина ўқиганим «Бухоро ахбори» газетасининг 1920 йилнинг 26 январидида чиққан «Сўнгсиз қиш» сарлавҳали қатраси ёдимга тушади. Ўша давр зиёлиларининг кайфияти билан сизларни таништириш учун шу қатрани тўлалигича эътиборингизга ҳавола қиламан...

### «СЎНГСИЗ ҚИШ...»

«Бир кун келиб барча гуллар, яғочлар бир ел билан йиқилиб ерни ўпадилар. Ёпроқлар учуб, чаманлар йиғлайдурлар ва бутун очунни қайғули бир тус чулғаб олур... Гуллар сўлуб, табиат ўладур.

Бироқ бу сўлгун гуллар, йиғиқ яғочлар бир кун яна жонлануб турли туслар билан безанардирлар, титоқ ишқлар ва кулимсировчи гуллар бир янги қуёшдан жон топадирлар, демак янгидан кўклам қайтиб келган бўлур.

Менинг ўйноқ хаёлларим қайғу қорлари билан оғулонғон ҳолда учқон сойин бахтсиз руҳим тунгмоқдо, қурмоқдо ва сорғоймоқдодир...

Бироқ сенинг оҳ! Ўксиз руҳим, сенинг ўз кўкламингга қовушар эҳтимолинг ҳечда йўқдир...» — дея нола чекади отам мустақилликка эришишдан ноумид бўлиб.

Аммо мустақиллик учун кураш давом этади. Зиёлилар турли жамият ва тўдаларга уюшиб бу курашни давом эттирдилар ва бу йўлда шаҳид кетдилар.

Мана ҳозир шундай замонга етдикки, отагинанинг ва уларнинг сафдошларининг руҳи шод бўлсин.

Биз истиқлолга эришдик. Бугун Ўзбекистонимиз ҳур — мустақил давлат.

Мустақиллик муборак, азизлар!

Жумҳуриятимиз мустақиллигини жаҳондаги юздан ортиқ давлат тан олди, у Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиб кирди. Қувончимнинг чеки йўқ — уни сўз билан изҳор этишга ожизман.

Қалбимда ҳам қувонч, ҳам алам...

Хаёлан «Миллий истиқлол»чилар билан сўзлашаман:

«Сиз кутган кунлар келди, азизлар! Ўзбекистон энди ҳур жумҳурият. Ўзбек энди ўзига хон, ўзига бек. Ўзининг ерига, қазилма бойликларига, ўзининг меҳнати маҳсулига ўзи ҳўжайин!

— Дадажон! Ўн олти яшарлигингиздан — Истамбулда гимназия талабаси чоғингизданоқ Туркистон эли учун орзу қилган, сиз интиқ кутган истиқлолга эришдик! — дея отам руҳи билан сўзлашаман.

Ҳа, энди буёғи ўз кўлимизда: меҳнатимиз, ақл-заковатимиз билан юртимизни обод этамиз, ҳар бир хонадонга файз, рўшнолик олиб кирамиз. Аллоҳ таоло Сизни, истиқлол йўлида қурбон бўлган барча ҳамюртларимизни раҳмати-жаннати қилсин! — дея ёзганларимга нуқта қўяман. Аммо қалбимда туғилган бир тилакни ўртага ташлагим келади:

— Азиз ҳамюртлар! Тарихдан маълумки, бугунги истиқлол бизга осмондан тушгани йўқ. Бу истиқлол йўлида қурбон бўлганларнинг ҳали ҳисобига етганимиз йўқ. Шу қурбонлар ёдини

келажак авлод қалбида сақлаб қолмоқ учун ҳур жумҳуриятимиз пойтахти Тошкент шаҳрида истиқлол йўлида қурбон бўлганлар учун ёднома ўрнатмоқ зарур. Яна мустақилликка эришиш йўлидаги кураш тарихини кўзгуда акс эттиргандай намоён этадиган музей ташкил этмоқ керак. Токи юртимизнинг етти ёшидан етмиш ёшигача бу кураш тарихини билсин. Истиқлолнинг тотли нашъаси қадрига тушуниб етсин.

## СҮНГСҮЗ

Мен-ку олтмиш йил деганда отамни топдим. Ҳйланиб қоламан: мен каби ҳасрат-надомат чекканлар озми? Учликлар тарафидан ўн, ўн беш йиллаб қамоққа ҳукм этилган ва шу кетганча бедарак йўқолганлар қанча экан? Даҳшатли ўттизинчи ва ўттиз еттинчи йилларда отиб юборилган ёки дом-дараксиз кетганлар жумҳуриятимизда қанчалигини ҳали-ҳануз аниқ билмаймизку. Мен каби дардли қалблар, юрагингизни очинг, дардингизни қоғозга туширинг, кимингиз қатлиомга дучор бўлганини ёзиб юборинг. Балким биргаликда уларни излармиз...

Излайлик, азизлар, яқинларимизни. Истиқлол йўлида ёш жонини фидо қилган юртдошларимиз бедарак кетмасин. Кунимиздан бир кун қолса ҳам излайлик! Биз изламасак ким излайди?! Марҳумлар олдидаги бурчимизни ўтаб улгурайлик. Мустақил эл дастурхонига барака сиз билан бизнинг, бутун элнинг ҳаракатига боғлиқ экан — ҳаракатимизга барака...

## СҮНГИ СҮЗДАН КЕЙИНГИ СҮЗ

«Астойдил йиғласанг сўқир кўздан ёш чиқар» дейди доно халқимиз. Отамни йўқотиб

хўбам йиғладик. Аввалига онам... Йигирма беш ёшида тўрт бола билан бева қолган, ўттиз олти ёшдаги ўқимишли, меҳрибон эрининг эрта билан чиқиб кетганича бедарак йўқолганини онгига сингдираолмаган гўзал аёлнинг кечалари болаларидан, онасидан, ака-укасидан яширин тўккан кўз ёшлари бирга тўпланса дарё бўлиб тошса ажаб эмас. Ака-укаларимни тилга олмасам ҳам, мен ўзим эсимни таниганимдан бошлаб изладим, ўшандан буёғига отамни изладим.

Аллоҳнинг иноятини юқоридаги саҳифалардан билдингиз, азиз ўқувчи. Лекин буёғига ҳам Аллоҳ бизни қўллади. Отамнинг қаерда отилгани ва қайси қабристонга қўйилгани дарагини топдик.

Гап шундаки, Москвада чиқадиган «Вечерняя Москва» газетаси 1990 йилнинг 6 декабридан бошлаб 1930—1940 йилларда яширинча отилиб, Москвадаги Ваганков қабристонига яширинча кўмилган одамлар рўйхатини бериб келаркан. Шу газетанинг 1992 йил 25 майидаги сонидан тўққиз кишининг рўйхати берилган бўлиб, шулардан беш нафари бизнинг юртдошларимиз экан.

Улар:

1. Саид Абдурашидович Аҳрорий (менинг отам)

2. Мунавварқори Абдурашидов

3. Салимхон Тиллахонов

4. Тангриқулхожи Мақсудов

5. Нажмитдин Шераҳмедов экан.

Буни кўриб, ўқиб анг-танг қолдим. Қарангки, аллоҳ таоло бу ишда ҳам ўзи қўллади. Ўн беш миллий истиқлолчининг фожиали қисмати қандай якунлаганига аниқлик киритди. Энди навбат бизга — истиқлол шарофатидан баҳраманд бўлган авлодга — уларнинг элдошлари,

фарзандларига. Истиқлол учун тенгсиз курашда шаҳид кетганлар ёдини абадийлаштириш борасида олиб борадиган ҳаракатларимиз суръатини бўшаштирмаслигимизда.

## МАЪРИФАТ ВА ЭЗГУЛИККА БАХШИДА УМР

Умрим бино бўлиб бу одамни сира кўрмаганман. Гоҳо-гоҳо қулоғимга чалинган гаплардан билганларим шуки, у — маърифатпарвар инсон бўлган. Лекин қисмат унинг бошига шундай савдоларни солдики, бу кўргиликлар унинг етти ухлаб тушига кирмаган, албатта. Мен эса бу одамнинг қисмати менинг отам тақдири билан бунчалар пайванд бўлганини сира хаёлимга келтирмаганман. Бу одам — Мунавварқори Абдурашидов.



**Мунавварқори Абдурашидов.**

Янги замон, янги ланиш шарофати билан да-дамга доир материалларни ўрганиш менга насиб этди. Давлат Хавфсизлик Кўмитасида мен «Мунавварқори Абдурашидов, Салимхон Тиллахонов ва бошқалар» деб номланган иш билан танишдим. Умримнинг бир йилини шу ишни ўрганишга бахшида этдим. Бу иш бўйича ҳибсга олинганлардан 15 киши олий жазога — отувга, қолганлари турли муддатларга қамоқ жазосига маҳкум этилган. Мунавварқори Абдурашидов ва менинг отам Саид Аҳрорий ана ўша қатл этилган 15 истиқлолчилардан бўлишган экан...

Кейинги йилларда Мунавварқори Абдурашидовнинг ҳаёти фаолияти ҳақида газета ва журналларда қатор-қатор мақолалар чоп этилаётир. Унинг сиймосини ҳам мен шу мақолаларга илова этилган сувратлардангина топдим. Мунавварқорининг маърифатпарварларга хос фаолияти ҳақидаги ҳикояни унинг бу хислатларини яхши билганларга ҳавола этганим ҳолда мен унинг 1929 йилдан кейинги, ҳибсга олинганидан сўнг кечган савдолари хусусида, Тошкентдаги Москва турмаси ва Москва шаҳридаги «Бутирка» турмасида терговчиларнинг саволларига жавобларида қайд этилган, халқ кўзидан панада қолган дард-аламлари хусусидагина тўхталмоқчиман.

Мен энди шуни аниқ биламанки, Мунавварқорини Туркистон мустақиллиги учун олиб борган кураши туфайли ҳибсга олдилар ва миллий истиқлолчи сифатида жазоладилар. Менинг ҳикоям Мунавварқорининг шу «иш» бўйича берган шахсий кўрсатмаларига асосланади.

Биринчи жилднинг биринчи саҳифасига Мунавварқорининг уйини тинтиш ва ўзини ҳибсга олиш ҳақидаги 1929 йилнинг 5 ноябрида битилган 19 рақамли ордер — фармон тиркалган. Шу ордердан мен Мунавварқори Абдурашидовнинг Шайхонтоҳурда — Дархон маҳалла-



сидаги 17-ҳовлида яшаганини, унинг уйини тинтиш ва ўзини ҳибсга олиш Давлат Сиёсий Бошқармаси ходимига топширилганини биламан.

Бу қора ишни амалга оширишни қонунлаштириш учун икки гувоҳ — Мунавварқори Абдурашидовнинг икки қўшниси таклиф этилади. Дархон кўчасидаги 19-ҳовлида истиқомат қилган ишчи факультети талабаси Саидумар Эшонхўжаев билан худди шу кўчадаги 22-ҳовлида яшовчи Турсунбой Солиҳмуҳамедовлар тинтув давомида миқ этмай кузатиб ўтиришга мажбур бўлганлар. Шу куни тинтувда Мунавварқори уйдан турли ёзишмалар, иккита сурат, чордоқдан яна бир боғлам ва яна бир қанча ёзишмалар олиб кетилди. Тинтув жараёни қайд этилган қоғозда тинтув давомида уйнинг томи ўпирилиб тушгани, Мунавварқорининг рафиқаси Лазиза Абдурашидова ўзининг ўқув дафтарларини олиб кетаётганларини, бу дафтарлар ўзига зарурлигини айтиб норозилик билдирганлиги ҳам қайд этилган.

Хўш, Мунавварқорини ҳибсга олишга асос бормиди? Унга қандай айб тақашаяпти, деган саволимга 1-жилднинг 68-саҳифасига етганда жавоб топдим. 1929 йил давомида тўпланган материаллар Мунавварқорини ҳибсга олишга асос бўлганини англадим.

...Бу ишни ўрганиш жараёнида неча-неча бор: «Кўрмайин ҳам, куймайин ҳам...» дея ташлаб кетгим келди, Рост-да, бир ўйлаб кўринг, уч ёшли бола эдим, олтмиш учга кирганимда отамдан дарак топибман. Отам ҳозир менинг фарзандим ёшида — ўлганлар қаримайдилар. Уттиз беш ёшида ҳибсга олиниб, ўттиз олтига тўлар-тўлмас отиб юборилган — жанозасиз ва кафансиз ўраларга ва кўмиб ташланган. Мана шу хабарнинг ўзи юрагингни алғов-далғов қи-

лади... у ёғини аниқлашга кучни қайдан топа-ман...

Жисмим биттаю, қалбим иккиланади.

Бирни айтади: — Бас қил. Инфарктдан турганинга кўп бўлгани йўқ. Қирқ кун реанимацияда ётганинг ёдингдан кўтарилдими? Юрагинг дарди яна бир хуруж қилиб қолса борми, яна шифохонада шифтни томоша қилиб ётсан...

Иккинчи мен дейди: — Бир бошга бир ўлим. Бу имкониятлар қайда эди. Бу имкониятлардан фойдаланмоқ керак. Сен қилмасанг бу ишни ким қилади? Сенинг фарзандлик бурчинг бу. Ишни охирига етказиш учун тош келса кемиришинг, сув келса шимиришинг керак...

Хуллас калом, Аллоҳ таолонинг мадади билан қарийб бир йил давомида кунда бўлмаса ҳам кун аро ҳужжатларни ўргандим. Бу ҳужжатлар кўз олдимда жумҳуриятимизда Истиқлол учун борган кураш манзараларини намоён қилди. Бу жиноий иш бўйича асосий гуноҳкорлардан деб топилган Мунавварқори Абдурашидовни ҳибсда ўтирган чоғида бошига тушган синоатлардан огоҳ бўлдим ва умрим бино бўлиб ҳеч қачон кўрмаганим Мунавварқори каби ажойиб инсоннинг фожиали қисматига шериклик юрагимни қийма-қийма қилиб юборди.

Бу ҳужжатлардан шуни билдимки, 1928 йил бошларида ПП ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги вакили Мунавварқорини ҳузурига чорлаб, жадидликнинг келиб чиқишига доир воқеаларнинг тафсилотларини ёзиб беришни тавсия қилди. Айниқса, Октябрь Революциясидан кейинги воқеаларни атрофлича ва ҳужжатлар асосида ёзишни таъкидлади. Қатор саволлар билан тўлдирилган қоғоз берди. Мунавварқори бу таклифни қабул қилди. Негаки, шу баҳонада ўтган воқеаларни ҳар ёқлама батафсил таҳлил қилиш

имкони тугилди ва боз устига, келажак авлод учун тарихий манба қолдиради...

Мунавварқори 1930 йилнинг 27 октябрида ёзган кўрсатмасида бу таклифни амалга ошириш учун аввал режа тузганини ёзади. Мунавварқори ёзадиган ишини даврга бўлади:

Биринчиси — жадидликнинг келиб чиқишидан то февраль инқилобигача бўлган давр;

иккинчиси — февраль инқилобидан октябрь инқилобигача бўлган давр;

учинчиси — октябрь инқилобидан кейинги давр.

Мунавварқори бу ишни амалга оширишга астойдил ҳаракат қилди — билганларини ёзди, унутилганларини ўзи билан бирга ишлаган замондошларидан суриштирди. Файзулла Хўжаев, Мухитдинов ва Турсунхўжаевлар билан маслаҳатлашди. 1929 йилнинг бошларида биринчи даврга доир хотирани ёзишга бошладию, лекин вақти камлигидан буни тугатишга имкон топмади, негаки, бу вақтга келиб у ишсиз қолганлигидан тирикчилик йўлларини изларди.

1930 йилнинг 27 октябридаги кўрсатмасида Мунавварқори шундай ёзади: «...Оиламда менадан бўлак ишлайдиган одам йўқ эди. Рафиқам бу чоқларда ўқир эди. Кунига 9—10 соат ўтириб қўлқоп тикиб, икки-уч сўм топиб рўзғорни тебратишга мажбур эдим. Шу сабабли ёзувни тезда битказиб топширишнинг имкони бўлмади. 1929 йилнинг августида бўлса керак, мен бу ҳақда Сиёсий Бошқарманинг Шарқ бўлими бошлиғига хабар қилдим ва оилавий аҳволим ҳақида очиқчасига гапирдим...»

Мунавварқори Абдурашидов бу идора раҳбарларидан ўзининг нафақаси масаласида кўмак беришларини сўрайди, аммо бошлиқ ваъда берадию, гапининг устидан чиқмайди ва Мунавварқори бошлиқнинг буйруғи билан ҳали

ёзиб битказмаган хотираларини чалалигача топширишга мажбур бўлади ва учинчи давр ҳақидаги материалларни тўплаб улгурмасидан ҳибсга олинади.

Ўша 1929 йилнинг бешинчи ноябрида ёлғиз Мунавварқоригина эмас, яна неча-неча хонадон эгалари қон қақшаб қолдилар. Мунавварқорини ҳибсга олиш ҳақида 19 рақамли ордер ёзган кимса 20 рақамли ордерни девонбегилик Салимхон Тиллахоновга, 22-сини Эшонхўжа Хонийга, ўттизинчисини 1-мерганчалик Хайритдинхон Аълам каби эллик беш кишига ёзганди.

Бу жиноят ишидан мен Мунавварқори Абдурашидовнинг 1878 йилда туғилганини, бутун ҳаётини халқ маорифини такомиллаштириш ишига бахшида этганини, миллий озодлик ҳаракатини бошқарганлигини билдим. Мунавварқори эски шаҳар халқ маорифида коллегия аъзоси ва бўлим бошлиғи бўлиб хизмат қилган, музейда ишлаган, ҳикоя ва мақолалар ёзган, шохмот алифбосини тузган.

«Шахсий ҳаётим масаласига келадиган бўлсак, фақир бир оиладан чиққанман. Бутун ҳаётимни халққа маърифат ва эзгулик бахш этишга бағишлаганман. Пул, бойлик ва мансаб мени ҳеч қачон қизиқтирмаган. Тушуниб-билиб туриб ҳеч қандай жиноят содир этмаганман. Фақир, оддий ҳаёт билан кифояланганман. Ҳатто яшаб турган ҳовлимни ҳам халқ учун бўшатиб берганман. Айни чоқда ҳовлимда 1 Май номидаги мактаб фаолият олиб бораяпти», — деб ёзади у.

Мунавварқорининг ёзувлари шуни кўрсатадики, Октябрь воқеаларидан аввал элимизда «Иттиҳоди тараққийпарвар» жамияти ташкил этилган. Бу жамият ўз номига яраша, тараққиёт учун жаҳолатга қарши кураш вазифасини ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Жамият дастурини

Мунавварқорининг ёзишича, турк офицерларидан Усмонбек ва Ҳайдар афандилар тузганлар ва Мунавварқори туркчадан ўзбек тилига таржима қилган. Ишга раҳбарлик қилиш учун уч кишидан иборат президиум сайланиб, учинчи аъзони ерли миллат кишиларидан уларнинг ўзи белгилаши керак эди.

Шунингдек, «Иттиҳоди тараққий» (кейинчалик жамият шундай атала бошлаганди). Совет ҳокимияти тарафидан берилган имтиёзларга таянган ҳолда қуйидаги вазифаларни ўз олдига қўйди:

а) мактаблар сонини кўпайтириш;

б) мактаблар қошида катталар учун саводсизликни тугатиш курслари очиш, тўғараклар, жамиятлар ташкил этиш;

в) Совет ҳокимияти берган мухториятни мустаҳкамлаш, давлат идораларида ерли кадрларни кўпайтириш (негаки, ишни эплотмайди, деган баҳоналар билан ерли кадрлар давлат идораларидан четлатиларди).

Марказдан «Қизил шарқ» поезди сиёсий комиссари П. Кобозев ишга келгач, кўпчиликда, коммунистик партия меҳнаткаш халқ манфаатини кўзлашига, Москванинг ёрдам кўрсатишига ишонч пайдо бўлди. Кобозевнинг сиёсатига тескари иш олиб бораётганлар — мустамлакачилик сиёсати тарафдорлари деган фикрда эдилар. Қурултой ва конференциялар ёрдамида улардан ғолиб келишларига ишонардилар. Мустамлакачилик сиёсати олиб бораётганлар устидан Москвага шикоят қилиш ва Марказ ёрдами билан Туркистонда мухтор бошқарув ўрнатиш мумкин, деб ўйлардилар. Айниқса, саккизинчи қурултойдан сўнг Марказий Ижроия Комитети ва ўлка комитетлари раҳбарияти ерлилардан белгилангач бунга ишончлари янада мустаҳкамланди.

Мунавварқорининг шу хотираларини

ўқирканман зиёлилар Марказ сиёсатининг асл моҳиятидан тамомила беҳабар бўлганларини англайман. Улар қоронғуда тимирскalaniб юргандай иш тутганлар, деган ишончда титраб кетаман. Ҳа, Марказ жуда устамонлик билан иш кўрган экан. Бунчалар кеч англадик буни.

Мунавварқорининг Бухоро воқеаларига доир ёзувлари ўша даврни кўз олдимизга келтиришимизга ёрдам беражагини кўзда тутиб, русчадан таржима қилиб эътиборингизга ҳавола қиламан. Мунавварқори ОГПУ раҳбари талабига кўра ўша давр воқеаларини (араб алифбосида) ёзиб берган бўлиб, бу ёзувлар рус тилига таржима қилиниб терговчилар тарафидан чуқур ўрганилган, сатрлар остига, саҳифа ёнбошига қора, қизил, кўк қаламлар билан турли белгилар ва чизиклар тортилган — ҳар қайси рангнинг ўзига хос маъноси бўлган. Мунавварқори шундай ёзади:

«1920 йилда октябрнинг тантанаси муносабати билан Бухорода, Арк ёнидаги майдонда катта митинг бўлди. Марказ вакили (Куйбишев эди шекилли) нутқ сўзлади, Бухоро Халқ Шўролар Жумҳуриятининг мустақиллиги Марказ тарафидан эътироф этилганини тантанали равишда эълон қилди. Ундан сўнг Мирзақори Муҳитдинов сўзга чиқди ва Бухоронинг мустақилликга эришгани хотираси учун митинг ўтказилаётган бу майдонга «Бухоро мустақиллиги» номи берилишини эълон этди. Ундан сўнг Файзулла Хўжаев сўз олиб Октябр байрами билан ва Бухоронинг мустақиллиги эълон этилиши билан қутлади. Шу кундан бошлаб ёш бухороликлар ичида «мустақиллик» деган сўз тез-тез тилга олинадиган бўлди ва чинакам мустақилликка интилиш орта борди. Турк комиссия Бухоро ишига кўп аралашадиган бўлди ва нати-

жада бухороликлар орасида норозиликлар келиб чиқишига сабаб бўлди. «Инқилобми бу ё истило», дейдиган бўлиб қолди одамлар. Бу норозилик кундан кунга орта борди. Орадан бир қанча вақт ўтгач Бухорога Турккомиссия аъзоси Сафаров келди. У мени ревкомга таклиф этди-да, Бухоро ходимларининг аҳволи ҳақида суриштирди. Бу йиғинда Сафаров, Зиновьев, мен ва таржимон Еникеев бор эди. Сафаров мендан бухороликларнинг инқилобга муносабати ва шарқий бухороликларнинг амирни қувватлаши сабабини сўради. Мен ҳам, ҳеч нимани яширмасдан, бухороликларнинг мустақилликка интилишини, бу кунги аҳволдан норози эканликларини, «инқилобми бу ё истило», — деган гапларнинг кўпайиб бораётганлигини батафсил сўзлаб бердим. Яна шарқий Бухорода қизил отрядлар отларини масжидларга боғлаётганини, боққинчилик қилаётганликларини ҳам айтдим. Шундан сўнг Сафаров ревком мажлисини чақирди, ҳокимият ва раҳбарларни қаттиқ койиди. Сафаров жўнаб кетганидан сўнг Бухоро ҳукумати вакиллари ўзаро маслаҳатлашдилар ва агар Сафаров йўналишини ўзгартирмайдиган бўлса, ишни ташлаб кетишларини Москвага ёзиб юбордилар. Бу ультиматумни олгач Москва Сафаровга Бухоронинг ишига аралашмасликни буюрди».

Кўриб турибмизки, Марказдан келган ходимлар ерли халқ учун жон куйдурмаган. Халқ орасида норозиликларнинг келиб чиқишига ўзлари сабаб бўлганлар.

Жумхуриятимиз ҳудудида миллий озодлик ҳаракати шу йўсин бошланган бўлса ажабмас. Ташкил этилган ва кейинчалик ташкил бўлган уюшма ва жамиятларнинг уринишларини шундан бўлакча аташ мумкин эмас. Совет ҳокимиятидан демократия ва эркинликни кутган

зиёлилар алданганларини шу тариқа англай бошладилар. Ҳаракат кўлами кенгайгандан кенгайиб Қозоғистон, Татаристон ва Бошқирстонда ҳам кенг қанот ёйди. Турор Рисқулов раҳбарлигида олиб борилган бу ҳаракат Давлат Сиёсий Бошқармаси тарафидан тор-мор этиб юборилди...

Тергов материалларидан кўриниб турибдики, Давлат Сиёсий Бошқармасини жумҳуриятларда ташкил этилган жамиятлар, уларнинг номлари ва аъзолари қизиқтирган. Мунавварқори ёзувларидан «Миллий иттиҳод» бўлинмалари Тошкентдан ташқари Наманган, Самарқанд ва Бухорода ташкил этилганини биламиз. Аммо афсус ва надоматлар билан шуни қайд этиш керакки, бу жамият аъзолари ўртасида бирдамлик бўлмаган, бухороликлар Бухоро истиқлоли байроғи остида иш кўрган бир пайтда туркистонликлар миллий иттиҳодга (бирлашишга) чақирганлар. Тошкент Бухорога бўйсунмаган, Бухоро Тошкентга итоат этмаган. Уша чоқларда Бухорога келган Заки Валидов бу икки ташкилот орасидаги муносабатни Мунавварқоридан суриштириб, билиб, бухороликлар ва Туркистонликлар ўртасини яхшилаб, иккала марказдан икки кишидан вакил белгилаб ягона «Марказлар маркази» ташкил этишга уринади. Материаллардан кўринадики, зиёлиларнинг боши қовушиши қийин бўлган. Ишимизнинг доимо пачава бўлишининг боиси шундан бўлса керак. Айтишади-ку, бўлинганни бўри ер, деб. Яна айтишади: «Бўлиб ташла ва ҳоким бўл!» Иллат — қовушмаслигимизда бўлган. Шунинг учун ҳам энг ёруғ қалбли одамларимиз бўрига ем бўлиб кетганлар. Афсус... Минг афсус...

Бир тери остида қўй неча семириб, неча озади, дейишади. Мунавварқори ҳам не-не савдоларни бошидан кечирмади. «Ўзингники ўза-



гингни узади» деганларидай, унинг шахси ва асарларига қаратилган устма-уст танқидий чиқишлар жон-жонидан ўтиб кетди. 1925 йилда Назрулла Иноятий Мунавварқорининг китобларини танқид забтига олди. Уч марта қайта нашр этилган элга манзур китобнинг танқид қилинишини, Мунавварқори асосан ўз шахсига қаратилганини ҳис этади.

«Мана шу воқеалар мени Ўзбекистондан ва умуман ўзбеклардан совутиб юборди... ва мен Ўзбекистондан бутунлай бош олиб кетмоқчи бўлдим...» деб ёзади Мунавварқори.

Мунавварқори 1926 йилнинг майигача жумҳуриятдан бош олиб кетишни режалаштирди (ким билади, балки боши узра қора булутлар тўпланаётганини кўриб, ёмон кунларни ҳис қилиб тургандир ўша чоқларда). Ҳовлининг бир қисмини сотди, қолган қисмини хотини ва болаларига бўлиб берди. Бунинг устига қизи ва набираси вафотидан ларзага тушган Мунавварқори бу фикрида қаттиқ туриб олди. Москвага жўнаб кетишга, рус тилини ўрганишга аҳд қилди ва Москвага жўнади. Йўл-йўлакай Қизил Ўрдада бўлди, Турор Рисқулов билан учрашди. Акмал Икромов Москвада эди. Рисқулов Москвага Халқ Комиссарлари Совети раиси муовини бўлиб борди. Мунавварқори унинг кўмагида Шарқ халқларини ўрганиш комитетида ишламоқчи ва институтга кириб ўқимоқчи бўлди. Комитет президиуми уни яхши қабул қилди ва улар Ўзбекистон учун белгиланган уч ўриннинг бирига расмий командировка билан Мунавварқорини қабул қилишни лозим топдилар. Комитет раиси унинг учун командировка сўраб расмий хат йўллади ва ҳатто шахсан Икромовдан илтимос қилди. Мунавварқорининг ўзи ҳам Акмал Икромов билан шахсан сўзлашди. Мунавварқори Акмал Икромовга, ўзини ўзи Ўзбекис-

тондан бадарға қилаётганини айтди. «Агар Сизни Ўзбекистондан бадарға қилиш лозим бўлса, ўзимиз қилардик», — деди Акмал Икромов ва командировкани тўғрилаб беришни ваъда қилди», — деб ёзади Мунавварқори.

Бу Мунавварқорининг ўша чоқлардаги қатъий қарори эди. Негаки, бу ердаги қоралашлар унга қаттиқ теккан бўлиб, у юртдан бош олиб кетиб, илмий иш билан шуғулланмоққа аҳд қилган эди. Аммо унинг кутгани бўлмади. Москвада комитетдан ёзиб берилган мактубни Жумхурият халқ маорифи Комиссарлигига топширди. Орадан бир ой ўтказиб олган жавоб хатида, унинг илтимоси рад этилгани кўрсатилган бўлиб, Мунавварқори яна ўқитувчилик фаолиятини давом эттиришга мажбур бўлди.

Лекин Мунавварқори миллат озодлиги йўлида курашдан четланмади. Бора-бора маданият учун жаҳолатга қарши курашни Совет ҳукумати билан биргаликда олиб бориш осон ва мақсадга мувофиқ деган ўйга борган пайтлари ҳам бўлди. Бу ёлғиз унигина эмас, бутун «Миллий иттиҳод» шу фикрда эди. Бу жамият ўз вакилларига, улар қаторида Мунавварқорига ҳам коммунистик партия сафига киришга ижозат беради. Жамият бекор қилинади. Бунинг бошқа сабаблари ҳам бор эди: аввало аъзоларнинг итизомсизлиги бўлса, иккинчидан, моддий қийинчиликлар ва президиумга ишончсизлик сабаб бўлган эди.

Мунавварқорининг зиддиятла тўлиқ ҳаёти, унинг ўз қўли билан битган сатрларидан бир-бир кўз ўнгимдан ўтади. Баъзи тафсилотларни бошқа айбдорларнинг кўрсатмаларидан топанман. «Миллий иттиҳод» номи кейинчалик Мунавварқори ташаббуси билан «Миллий истиқлол» деб ўзгартирилди. «Аввал миллий мустақилликка эришайлик, сўнг миллий иттиҳод —

миллий бирлашиш учун курашамиз», — деб тунтирдиги у, — деб ёзди Салимхон Тиллахонов. Унинг терговдаги жавобига кўра «Миллий истиқлол» аввало, миллий жумҳурият барпо этишни истаган. Ҳукумат эса байналмилал жумҳурият барпо этиш тарафдори бўлган: «Миллий истиқлол» катта аҳамият берган иккинчи масала эса маориф масаласи эди. Учинчи масала, ерли халқ вакиллари раҳбарлик ишларига кўтариш, улар тажрибасини ошириш. Хотин-қизларни озод қилиш борасида эса уларни паранжи балосидан қутқариш билангина кифояланмай, меҳнатга жалб этишни истайдилар. Ҳаммаси ҳаётий масалалар. Лекин Давлат Сиёсий Бошқармаси кўзи билан кўрганда, булар бари гуноҳи азим. 1930 йилнинг 25 апрелидаги терговда Салимхон Тиллахоновнинг маориф масаласидаги жавоби диққатга сазовор қуйидаги сатрларни ўқиганимда дилимда: «Айни кунларда ҳам бу масала жуда зарур масалалардан-ку», деган фикр ўтади. Салимхон Тиллахонов ўшанда мана нима дейди:

«Биз ортиқ даражада эътибор беришимиз зарур бўлган масала — маориф масаласидир. Бор кучимизни маорифни ривожлантиришга сарфламоғимиз жоиз. Негаки, ҳозирги кунда тайёр кадрларнинг йўқлиги туфайли ишимиз олға бормаётир. Келажакда бизга жуда кўп билимдон одамлар керак бўлади. Озгина муддатда биз уларни тайёрлай олмаймиз. Уларни тайёрлаш кўп вақт талаб этади. Биз мактабларда ўқувчилар сонини кўпайтиришимиз, техникумларда, институтларда ва умуман мутахассислар тайёрлаб чиқарувчи билим юртларида ерли халқ вакиллари илм бермоғимиз керак. Фақат эркакларнигина эмас, хотин-қизларни ҳам ўқишга жалб қилайлик. Ўқув юртларида улар сонини эркаклар сонига етказайлик....»

Бу ниятнинг нимаси ёмон? Ахир орадан олтамиш йилдан зиёд вақт ўтиб ҳам турли соҳаларда ерли миллат вакилларида етишиб чиққан мутахассислар етишмайди, деб зорланамиз-ку...

Тергов бир ярим йил давом этиб, тергов давомида Мунавварқоридан, Салимхон Тиллахоновдан, Лазиз Азиззодадан миллий ташкилот аъзолари рўйхатини талаб қиладилар, номнаом санаб ўтишга мажбур қиладилар. Салимхон Тиллахонов ташкилот аъзоси сифатида 115 кишининг номини тилга олади. Бу рўйхатда менинг отам Саид Аҳрорий ҳам бор. Демак, Бирлашган Бош Сиёсий бошқарма шу номи зикр этилганларни кузатган ва лозим топганларини бир-бир териб олган. 1930 йил 31 январида ҳибсга олинган қўқонлик Лутфулла Алимов терговда шундай дейди: «Ўзбекистонда улуг давлатчилик шовинизми ўсиб борапти. Ўрисиянинг марказий губернияларидан ўрисларни ёппасига Ўрта Осиёга кўчириб келтирилаётганлиги туфайли ишсизлик ўсиб бораётир. Маҳаллий саноатнинг йўқлиги, пахта заводлари ва тўқимачилик фабрикаларининг ўрусияда қурилиши сабабли бутун пахта ҳосили олиб чиқиб кетилапти, ўзбек ҳунармандлари хонавайрон бўлаётибди...»

Яна бир тергов кўрсатмаси. Бу Саидвали Шарафутдиновнинг 1929 йил 4 сентябрида деганларидан: «Давлат идораларини тўлиқ ўзбеклаштириш керак. Ўзбекистоннинг бутун бойлиги марказга оқизиб олиб кетилаётир. Ўзбекистон — қизил колония. Ўзбек халқи мустақил яшамоғи керак. Шундагина яхши ҳаёт кечириши мумкин. Совет даврида халқ борган сайин қашшоқлашиб бораётибди. Миллий армия барпо этмоқ керак. Социализм — яхши нарса бўлгани билан хом хаёлдан бўлак нарса эмас, — деган фикрни элга суради Шорасул Зуннун».

Қаранг-а, миллий истиқлолчилар орзу-умиди олтмиш йилга кечиктирилибди.

«Миллий истиқлолчилар» нима учун жазоланди?» — деган саволга топган жавобим қуйидагича бўлди.

1. Аввало улар коммунистик партиянинг диктаторлиги ва Туркистоннинг Москвага сиёсий-иқтисодий қарамлигидан норози эдилар.

2. Жумҳуриятга таҳдид солаётган пахта як-каҳокимлигига қарши эдилар.

3. Ўрисларнинг жумҳуриятимизга гурас-гурас кўчириб келтирилишини нотўғри санардилар.

4. Давлат идораларини ерли миллат вакиллари идора этиши лозим деб санардилар.

5. Туркистонни миллий республикаларга бўлиб юборилишини нотўғри деб ҳисоблардилар.

6. Алифбони ўзгартиришга қарши эдилар.

7. Ер-сув ислоҳотининг нотўғри олиб борилиши туфайли кўплаб ўзбекларнинг ватанидан бош олиб кетаётганлигига куйинар эдилар.

8. Ўзбекларнинг ўз она заминида хор-зор этилаётганидан аламзада эдилар...

Уларнинг талаблари қонуний бўлганлиги орадан олтмиш йил ўтгандан кейингина тан олинаётир-а. Ўзбекнинг орзу-умиди рўёби олтмиш йилга кечиктирилибди-я...

Лекин бу кунлар келгунча қанча сувлар оқиб ўтди, истиқлолчилар бошига қанча кулфатлар тушди. Мунавварқори неча-неча бор тегирмонга тушиб чиқди... Совет ҳукуматининг бебурд қарорларига ишонди-алданди.

Ўша йилларда Мунавварқори Коммунистик партия сафига кирди. Чунки, у коммунизм миллат ва халқ манфаатига тўла хизмат қилажасига ишонч ҳосил қилган эди. Бу тўғрида у: «Эндиликда мен миллат ва халқнинг кўпчили-

гини ташкил этган камбағаллар ва меҳнаткашлар манфаати учун хизмат қилишни истайман. Шу сабабдан ҳам коммунистик партияга аъзо бўлдим. Бошқа бирон ташкилотнинг энди кераги йўқ, деб ҳисоблайман» — деб ёзади. Мунавварқори ҳатто митингларда ҳам шу руҳда нутқ сўзларди. Адашмаган ёлғиз парвардигордир.

Аммо унинг коммунизмга бўлган ишончининг умри қисқа экан. Халқ маорифи Комиссарлигида хизмат қилиб юрган Мунавварқори ерли коммунистларга раҳбарлик қилган П. Кобозевнинг гапларига ишонарди. «Марказ Туркистонда махсус шарқ сиёсатини олиб бормоқчи, ҳатто таъсис мажлисини чақиришга ҳам қаршилиқ кўрсатмайди», — деган фикрларни олға сурарди П. Кобозев. У ҳатто саккизинчи съездда ҳам шу гапни такрорлади, ерли делегатлардан иборат миллий гуруҳ тузиб ўзи бошчилик ҳам қилди. Ерли зиёлилар бундан Туркистонда бошқа шарқ мамлакатларига намуна бўладиган автоном давлат ташкил этиш мумкин деган ишончга келдилар. Бу фикрга қарши бўлган Казаков ва Успенскийга ўхшаш кишиларни мустамлакачилар деб қораладилар.

Қурултойдан кейин Рисқулов билан Саъдуллахўжа Турсунхўжаев ҳокимият тепасига чиқдилар, марказдан ўртоқ Шалва Зурабович Элиава раҳбарлигида Туркистон ишлари бўйича махсус комиссия келди. Ўзбек зиёлилари ўша чоқларда Туркистон автономиясини кенгайтириб бориб Туркистон жумҳуриятини ташкил этишни кўзда тутгандилар. Давлат идораларига ерли халқ вакилларини жойлаш билан П. Кобозев тутган сиёсатни амалга оширмоқни кўзладилар. Аммо Рисқуловчиларга қарши бошланган ҳужум туфайли орзулар орзулигича қолиб кетди. Бу ишларни Казаков ва Успенс-

кий сингари мустамлакачилик кайфиятидаги кишиларнинг иши деб тушуниб, Марказга мурожаат этишга қарор қилдилар. Рисқулов ва Низомитдин Хўжаев Москвага бордилар, аммо мағлуб бўлиб қайтдилар. Бу ўртада Турккомиссиянинг Сафаров деган янги вакили Тошкентга келди. У ҳам Рисқулов ва унинг тарафдорларига қарши турди. Мана шу бўлиб ўтган воқеалар ерли зиёлилар ва ерли коммунистларнинг коммунизмдан ихлосини қолдирди. Буни англаб етиш учун Кобозевнинг мақоласидаги айрим сатрларга мурожаат этамиз. 1920 йилда П. Кобозев «Иштирокиюн» газетасида: «Тўғриси айтганда, ҳозиргача Туркистонда шўролар ҳокимияти тузилмаган. Ҳукумат тепасига рус итилочилари билан эски ҳукумат тўралари, бойлар ўтириб олиб ўз манфаатларига ишлаганлар...» — деб ёзади. Адолат юзасидан айтилган бу сўзлар ўша даврдаги ҳақиқий манзарани кўрсатиб, норозиликларнинг келиб чиқиш манбаини намоён этиб турибди.

1929 йил декабрида терговчи Мунавварқоридан олти йил бурун бўлиб ўтган бир воқеани суруштирди ва ёзиб топширишни ундан талаб қилди. Мунавварқори ёзган хотира қуйидагича:

«...1923 йилнинг майимиди, июнимиди Тошкентга Оржоникидзе ва Элиаванинг келишганини ва мен билан кўришиш истагини билдиришганини айтишди. Белгиланган кун айтилган жойга бордим. Оржоникидзе, Элиава, Обиджон Маҳмудов, Саидносир Миржалолов суҳбатлашиб ўтиришарди. Мен ҳам суҳбатга қўшилдим. Обиджон Маҳмудов ажойиб қизиқчи эди, ҳазил-мутойибалар билан Оржоникидзе ва Элиавани кулдиради.

Оржоникидзе:

— Тошкентда миллий ташкилот бор дейишади, ростми шу? — деб сўради.

— ГПУ таъқиб қилавериб йўқ нарсани бор деб бўйнимизга олишга мажбур қилди. Айни дақиқада миллий ташкилот йўқ, фақат миллий гуруҳ бор, — деб жавоб берди Обиджон Маҳмудов.

— Аъзолари нечта?

— Бутун ерли халқ ва яна бутун ҳукумат аъзолари, — деди Маҳмудов.

Бу жавобдан ҳамма, албатта, қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

Суҳбат давомида саволларга Обиджон Маҳмудов жавоб қайтарарди, шу сабабли суҳбат ҳазил-мутойиба руҳида борарди. Жиддий гаплар бўлмади. Уйга қайтатуриб бизлар москвалик ўртоқларни (Элиава билан Оржоникидзени) Тошкент чеккасидаги боғлардан бирига меҳмонга таклиф этдик. Улар миллий гуруҳ аъзолари билан таништириш шарти билан боришга рози бўлишди. Учрашув куни ва соати белгиланди. Уша пайтларда мен хордиққа чиққандим ва Қибрайда Куриловнинг боғида оилам билан дам олаётгандим. Бу боғни «Туркистон» ширкати ижарага олганди. Ўртоқларни шу боққа таклиф этдик. Юқорида санаб ўтилганлардан ташқари Тўрақулов ва Раҳимбоев таклиф этилди.

Энг аввал Маҳмудов билан Саидносир Миржалилов келишди. Меҳмонларга хизмат қилиб туриш учун Асадуллаҳўжа Хоний, Нажмитдин Шераҳмадбоев, Убайдуллақори Эрғозиев ва Салимхон Тиллахонов таклиф этилди. Толибжон Мусабоев бормиди, йўқмиди — эсимда йўқ. Умуман, «Туркистон» ширкати аъзоларининг кўпчилиги бор эди, зиёфат ҳам шу ширкатнинг маблағига ташкил этилганди.

Оржоникидзе Тўрақулов ва яна бир таниш одам билан бирга келди. Оржоникидзе автомобилдан тушатуриб Маҳмудовдан: Миллий гуруҳ аъзоларини тўпладингизми? — деб сўради.



— Ҳа, тўпланишаяпти, — деб жавоб берди Маҳмудов. — Раисни ўзингиз бошлаб келдингиз, — деди ва Тўрақуловни кўрсатди.

Бироздан кейин Раҳимбоев етиб келди ва Маҳмудов уни миллий гуруҳ саркотиби деб таништирди. Шундай қилиб, бу гал ҳам суҳбат ҳазил-мутойиба билан ўтди.

Ўртоқ Оржоникидзенинг: «Гуруҳнинг ҳамма аъзолари ҳозирми, бу ерда?» деган саволига Маҳмудов: «Мана булар энг фаол аъзолар», — деди-да, ўзига ва менга ишора қилди.

Савол ҳам, жавоб ҳам ҳазил тариқасида бўлгани учун, юқорида зикр этилганларнинг ҳеч бири бу жавобга эътироз билдирмади. Маҳмудовнинг ҳазилларини илгаридан билганлари учун меҳмонлар кулиб қўяқолишди.

Хуллас, ҳазил-мутойиба билан бошланган суҳбат беш соатлар чамаси давом этди.

Маҳмудов билан Оржоникидзе ўртасида куйидагича суҳбат давом этди:

— Фарғонада босмачилик қачон барҳам топади, деб ўйлайсиз? — сўради Оржоникидзе.

— Мени министр қилиб тайинлаган кунингиз, акс ҳолда у барҳам топмайди.

— Агар барҳам топмаса бир дивизия жўнатамиз, Фарғонани теп-текис қилиб юборади, — деди Оржоникидзе.

— Сиз бир дивизия юборсангиз, мен ҳам босмачилар сонини икки дивизияга етказаман, — жавоб қилди Маҳмудов...

Ҳазил-мутойиба билан айтилган бу сўзлар замирида ҳақиқат ётарди. Марказ вакили Оржоникидзе учун бутун бир шаҳарни кунпаякун қилиш ҳеч нима бўлмаганидек, ерли халқ она тупроғини сўнгги томчи қони қолгунча мудофаа этажаги аниқ эди. Менимча, бунини Оржоникидзе ҳам англаган, мезбонлар ҳам...

Давлат Сиёсий Бошқармасининг пихини

ёрган терговчилари арқонни узун ташлаб, гоҳ тоғдаги, гоҳ боғдаги воқеаларни суриштириб, ўзига мос фактларни териб бир ипга тизишнинг устаси бўлганлар. Юқоридаги хотираларни Мунавварқори ҳибсга олинганидан бир ой кейин ёзиб берган бўлса, орадан бир йил чамаси ўтгач ёзган аризаси ҳам бор.

## БИРЛАШГАН БОШ СИЁСИЙ БОШҚАРМАГА

*Маҳбус Мунавварқори  
Абдурашидовдан*

### А Р И З А

Ушбу аризамга, ёзган кўрсатмам ва оиламга ёзган хатни илова қилиб Сизга йўлларканман, қуйидаги илтимосимни қондиришингизни сўрайман:

1. Оиламдагилар мендан мактуб олмаётганликлари туфайли менга ҳеч нима юбормаяптилар, шу сабабдан ушбу хатимни маркасиз бўлсада жўнатишингизни сўрайман.

2. Ушбу ва олдинги кўрсатмаларимнинг таржимасини ўзимга кўрсатишингизни ёки таржимон билан бирга ўқиб чиқишга имкон беришингизни илтимос қиламан.

3. Ҳозир қаттиқ бетобман, оёғим шишиб кетганидан юролмайман, бошқаларнинг ёрдамига муҳтожман. Шу сабабли мени умумий камерага кўчиришингизни ёки шифохонага ётқизишингизни сўрайман.

Менга берган қоғозларингизнинг камлиги ва бетоблигим сабабли кўрсатмаларимни имкони борича қисқа қилиб, олдинги берган маълум

мотларимни такрорламай, аввалги кўрсатмани эслатиб ёзишга мажбур бўлдим.

Шу билан бирга бўлиб ўтган ва ҳозир эслай олганим энг майда ҳодисаларгача ёзишга ҳаракат қилдим. Сизнинг марҳаматингиз ва шафқатингизни кутиб

*Мунавварқори Абдурашидов.*

30.X.30 й.

Аризани ўқирканман кўз ўнгим қоронғилашиб, шахсан ўзи учун ҳеч нимани тиламаган, халққа маданият ва маърифат бериш учун курашган, истиқлол учун жонини фидо қилган инсоннинг чеккан азоблари борлиғимни ларзага солди. Кимлардан шафқат ва марҳамат кутяпти у? Қалбимни қиймалаган саволларга жавоб тополмайман. Қайси жинояти учун ўтирибди қамоқда Мунавварқори? Кимнинг молига ёки жонига қасд қилди? Аризадан кўринадики у энг ашаддий жиноятчилар каби яккахонага қамаб қўйилган, умумий камерага ўтказилишини эса бир марҳаматдай сўраётибди. Аризадаги «хатимни жўнатинглар» деган илтижодан англайманки, ўша чоқлар у Москвадаги Бутирка турмасида бўлса керак. Ҳали олдинда олти ойлик азоблар кутади уни — терговлар, юзлаштиришлар, яна терговлар... Мунавварқорининг терговда алам билан айтган сўзлари ҳамма вақт қулоғим тагида янграб туради:

— 1920 йилнинг сентябри эди. Ўртаҳол деҳқондан шундай норозилик сўзларини эшитганман: «1912—1913 йилларда бир пуд пахта учун 5 қадоқ чой, 30 қадоқ қанд, 45 газ газмол, 5—6 пуд буғдой, 30 қадоқ гўшт, 30 қадоқ ёғ олардик, энди бўлса: 1 қадоқ чой, 15 қадоқ қант, 15 газ газмол, 2 пуд буғдой, ярим пуд гуруч, 10 қадоқ гўшт, 7 қадоқ ёғ олаяпмиз. Урта ҳисоб билан

1913 йилдаги нархнинг учдан бирини беришмаяпти. Агар Совет ҳукумати Николай пошшо давридаги баҳонинг ярмини ёки учдан икки ҳиссасини берганда ҳам ҳукуматдан хурсанд бўлардик ва томимизгача пахта экардик...» Кўри-ниб турибдики, Совет ҳокимияти илк кунлариданоқ халқни алдаган, ўзбек деҳқонининг нонини туя қилган. Оқпошшо даврида деҳқон бир пуд пахтани 4 сўмга сотган, бир газ читни 15 тийиндан сотиб олган. Советлар эса пахтанинг пудига 5 сўм тўлаган-у читнинг ҳар газини 50 тийиндан сотган. Буёғини ўзингиз ҳисоблаб олаверинг. Ўша даврнинг ақли расо кишилари кўра била туриб қандоқ қилиб бефарқ қолиши мумкин?! Мунавварқори ҳам бефарқ қололмаган — буларнинг барини юрагига яқин олган. Халқ дардига малҳам бўламан, деб ўз жонига жабр қилган. Эндигина ҳибсга олинган кунларидан бирида 1929 йилнинг 7 ноябрида бўлган терговда Мунавварқори шундай дейди: «Совет ҳокимиятини мустамлакачилик сиёсатини олиб боришда айблашга асос бор: мустамлакачиларнинг (ўрисларнинг) кўчириб келтирилиши, давлат идораларида ерли миллат вакиллари-ни жалб этмаслик. Ваҳоланки, ҳеч бўлмаса эллик фоиз ерлилар ишлашини истаймиз...»

Яна шундай дейди:

«Ёзган хатида Лазиз Турксибга қарши чиқаяпти: бу темир йўл Туркистонни мустамлака қилишга қатта имконият туғдиради. Туркистон — Сибирь темир йўли Туркистон учун бахтиқоралик, мусибат, офат келтиради...»

Бу жинойи ишни кўраётган терговчилар бу сўзлардан ўзларига хос хулоса чиқарганлар албатта.

Олтинчи жилднинг 258-саҳифасидаги Мунавварқорининг ёзган аризаси бор. Мунавварқори бу аризининг иккинчи нусхасини Москва-

дан келган ўртоққа етказишни сўрайди. Аризада у шундай ёзади: «Ҳозир мен ҳамма ҳуқуқлардан маҳрум этилиб, бир кишилик камерага ташланганман. Менга ҳатто, ашаддий жиноятчилар фойдаланиши мумкин бўлган нарсага — ҳожатхонага чиқишга ҳам ижозат бермайдилар...

...Кўлингизда асирман, сизнинг олдингизда чивинчалик ҳам ҳолим йўқ. Битта бармоғингиз билан эзсангиз йўқман...»

Якка-ёлғиз заҳ камерага ташланган, ёши элликдан ошган Мунавварқорининг аламли нигоҳларини кўраётгандай бўламан. Жисмоний азоб ўз йўлига, бутун умр қилган ҳаракатингни зое кетганлигининг алами юракларини ёндириб, ҳўл жисми қуруқ ўтиндай чарс-чарс ёнаётгандай бўлади наздимда. Кимларни ва нима-ларни ўйлади экан у шундай онларда?

Балким Абдурауф Фитратнинг унинг елкасига бошини қўйганча: «Биз бундай инқилобни хоҳламаган эдик», — деб афсус-надомат чекканини эслагандир... Балким... Қай бирини айттай...

Мунавварқори Абдурашидов қарийб бир ярим йил қамоқда азоб чекди ва 1931 йилнинг 25 апрели куни РСФСР Жиноят мажмуасининг 58-моддасига кўра отувга ҳукм этилди. ОГПУ Суд коллегиси ўша куни Миллий истиқлолнинг ўн беш аъзосини отишга ҳукм этган, кейинроқ ҳукм ижро этилган — у 1931 йилнинг 23 майи куни Москвада отилган.

Истиқлол учун курашган ва бу йўлда шаҳид кетган элимизнинг сара фарзандлари номини ёдда тутинг.

Отилиб кетганларни Аллоҳ жаннати қилсин. Қолган беш, ўн, ўн беш йиллаб қамоқ ва лагерларга ҳукм этилганларнинг тақдири нима бўлди? Ким қайтди-ю, кимлар қайтма-

ди? Уларнинг кейинги тақдирлари нима бўлди? Буни билмаймиз. Ваҳоланки, билишимиз керак. Ахир улар бизларнинг тақдиримиз учун курашдилар-ку! Улардан бирқанчаларининг номини санаб ўтаман. Балким кимдир билар, уларнинг кейинги қисмати ҳақида хабар қилар.

Фарғонадан — Турғун Парпиев, Лутфулла Алимов, Ёқуб Омон, Андижондан — Иматмаҳсум Обиддинов, Асрор Зайнутдинов, Мўминжон Ҳакимов, Сайфи Камолов, Абдуллахўжа Фафуров, Тошкентдан — Убайдулла Хўжаев, Абдуқаюм Мадалиев, Ғофиржон Мусахонов, Қўқондан — Ашур Али Зоҳирий, Муҳитдин Хусайнов, Мирзаабдулла Солиев, Нуритдин Эрматов, Намангандан — Файзулла Усмонов, Фатҳитдин Исматуллаев, Мулла Файбулла Дадамуҳамедов.

Азиз юртдошлар! Ватанимизни мустамлакачилик зулмидан озод этиш учун курашган бу ватандошларимиз номини абадийлаштириш Сиз билан бизнинг виждонимизга ҳавола...

Яқингинада биз катта шодиёнани нишонладик. Жумҳуриятимиз мустақилликка эришганига олти йил тўлди.

Мана шундай шодиёна кунларда ўтганлар руҳини шод қилишни ўйлайлик. Улар-ку мустақиллик учун курашиб қизил террор қурбони бўлиб шаҳид кетдилар. Биз-чи, биз улар ёдини абадийлаштириш учун нималар қилаймиз? Мустақил жумҳуриятимиз Тошкентда қизил террор қурбонлари сиймосини абадий қўяйлик. Шундай қилайликки, улар номини ёш авлод билсин, келажак авлодлар ҳам ёд этсин...

Лекин асосий вазифамиз олдинда. Чок-чокидан сўкилиб кетган мустабид давлатнинг тўкилиб тушиши туфайли қўлга киритганмиз

мустақилликни мустаҳкамлашга бор кучимизни қаратмоғимиз, шунга хизмат қилган кучларни бирлаштирмоғимиз, чекка-чеккадан, айниқса собиқ марказдан бўлаётган ҳийла-найранглари вақтида илғаб олиш учун зийрак турмоғимиз зарур. Асрлар давомида тортган азоб-уқубатларга сабрли, бардошли бўлганимиз учун Аллоҳнинг мукофоти тариқасида қўлга киритганимиз ҳурликни қўлдан чиқармаслигимиз керак. Худо кўрсатмасин-у, агар тараф-тараф бўлиш билан, лоқайдлигимиз билан уни қўлдан бериб қўйсак, бизни Аллоҳ ҳам, бандаси ҳам кечирмас...

Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар руҳини шод этайлик — мустақиллик байроғини маҳкам тутайлик.

## САЛИМХОН ТИЛЛАХОНОВ — КИМСИЗ?

Тақдир тақозосига сўз йўқ. Ҳеч қачон кўрмаган-билмаган, номини эшитмаган кишилар билан рўпара қилади. Худди шундай бўлди: Ҳеч кутмаганда мен, умримда сира кўрмаган-билмаган, эшитмаган кимса қисматига дахлдор бўлиб қолдим. Бу ўринда эшитмаган деган сўз жудаям тўғри бўлмас... Зеро 1950 йилларда мен орқаваротдан Ҳосият Тиллахонова деган аёл ҳақида эшитганман. Худди шу йилнинг октябр ойида республикамизда «Ўзбекистон хотин-қизлари» журнали ташкил топиб, мен ҳам шу журнал редакциясига ишга таклиф этилганман. Журналнинг ташкилий ишлари жараёни давом этаётган кезлар республикамизда илгари ҳам «Янги йўл» номида аёллар журнали бўлганлиги, бунда 1929—1934 йилларда Ҳосиятхон Тиллахо-



**Салимхон Тиллахонов.**

нова деган аёл муҳаррирлик қилганини эшитганман.

— Бирга ишлаганмиз — яхши аёл эди. Замоначининг олдинги одамларидан эди. Жуда гўзал аёл эди — ёш кетди раҳматлик, — деган эди ўшанда редакциямизда техник муҳаррир бўлиб ишлаётган Зокиржон ота Раҳимов. — Алғовдалғов вақтлар эди. Ўз ажали билан кетмади чоғи. Унга дори беришган, деган гаплар тарқаганди. Аниқ бир нарса билмадик. Хуллас, ёш кетди раҳматлик...

Ҳосиятхон Тиллахонованинг номини эшитганим билан унинг қиёфасини тасаввур этмадим. Лекин орадан йигирма беш йил ўтиб, эндиликда «Саодат» номи билан чиқаётган журнализмизнинг эллик ёшлик тўйига ҳозирлик кўрарканмиз, ярим аср фаолият кўрсатган журнал тарихи билан муштарийларни таништириш зарурати туфайли ўтган муҳаррирлар ҳақида маълумот ва уларнинг суратларини излай бошла-



дик. Ҳосиятхон Тиллахонованинг сурати кўлимга текканида эса маҳлиё бўлиб тикилиб қолдим. Яратган ҳусн бобида бу аёлни кам қилмаган. Кейинроқ билсам, ақл-заковатда ҳам кам бўлмаган экан бу зирофа аёл. Яна сўнгроқ: «Қазисан, қартасан — асли зотингга тортасан» дейишгани тўғри экан. Яхши одамларнинг фарзанди-да... Салимхон Тиллахоновнинг синглиси-да. Акаси ҳам кўп фозил одам эди. Ўзим бўлай дейдиганлардан эмас, ўзимдагини бўлишай дейдиганлардан эди...» деган узук-юлуқ сўзлар қулоғимга чалинди.

«Хом сут эмган банда» дея койийман энди ўзимни, «Сен қандай журналистсанки, улар ҳақида сўраб-суриштириб қолмабсан-а...»

Аммо дунёга келган жонзотки бор насиб этган ризқини бир-бир териб яшагани мисол журналист керакли маълумотни йиллар давомида зарра-зарралаб тўплаб, қалби тубига жойларкан ва ахийри, вақти-соати етиб бу маълумотлардан бошқаларни ҳам баҳраманд этиш зарурати пайдо бўлганда, билганини ичига сиғдиrolмай қоғозга тўкиб соларкан... Қисматинг осонмас, журналист!.. Илож қанча — тақдирни ўзгартириб бўлмайди... Журналист тақдири қанча оғир бўлмасин, қайта касб танлашга тўғри келганда яна журналистикани танлаган бўлардим...

Шундай. Вақти-соати етиб менинг журналистик тақдиримда педагог, журналист ва дипломат бўлиб хизмат қилиб, 1930 йилда бедарак йўқолган отам Саид Аҳрорийдан дарак топиш ва уларнинг фожиали қисматларини ўрганиш насиб этди... Шунда ҳужжатгоҳда миллий истиқлолчилар устидан олиб борилган жиноий ишни ўрганиш жараёнида яна Салимхон Тиллахонов номига дуч келдим. Аслида жиноий ишнинг номи «Мунавварқори Абдурашидов,

Салимхон Тиллахонов ва бошқалар» деб номланган эди. Шунинг ўзиёқ бу кимсанинг фаолияти алоҳида ўрганилганини кўрсатарди.

Ким у Салимхон Тиллахонов?

Неча-неча бор хаёлан унга рўпара келаман ва: «Кимсиз, Салимхон Тиллахонов?» дея савол бераман. Лекин жавоб йўқ...

Бу саволга жавоб топиш ниҳоятда қийин. Зеро Мунавварқори Абдурашидов ҳам, Салимхон Тиллахонов ҳам аллақачонлар (олтмиш етти йил муқаддам дунёдан кўз юмишган — тўғриси айтилса, собиқ Совет Ҳукуматининг — РСФСР жиноят мажмуасининг 58-моддаси турли бандлари билан отувга ҳукм этилишган ва сўнгги топган маълумотимга кўра 1931 йилнинг 23 июни куни ҳукм Москва шаҳрида ижро этилган ва худди шу куни Салимхон Тиллахонов Москвадаги Ваганков қабристонига яшириқча кўмилган.

Аммо инсон чивин эмаски, беиз йўқолса... Юқорида зикр этилган жиний иш саҳифаларини варақласак Салимхон Тиллахонов ҳаёти ва фаолиятига доир баъзи маълумотлар билан танишамиз. Шу маълумотларни ўрганарканман яккаш Сиз ҳақингизда ўйлайман, Сизнинг қандай инсон бўлганингизни тасаввур қилишга урунаман, Салимхон Тиллахонов. Сиз ҳақингизда ўйларканман — у офтоб чарақлаб турган ёруғ кун бўладими ёинки бомдоддан сўнг тонг ёришаётган маҳал — бетўхтов саволга тутаман Сизни: «Айтингчи, рўзгорингиз ва оилангизни тебратишга бир қора чақа кўшмайдиган, аксинча имконингиз қадар сиз мадад бериб турган бу сермашаққат ва таҳликали ҳаракатга нега кўшилдингиз? Эл қайғуси сиз учун ўзингиз дунёга келтирган зурриётларингиз — қизларингиз Гўзалданда гўзал, Ширинойданда ширин кўриндимми? Ёинки, эл қайғусининг қанча-

лар аччиқлигини юракдан ҳис этиб эл-юртни бало-офатлардан ҳалос этмоққа бел боғладин-гизми? — дея хаёлан неча-неча марталаб мурожаат этаман сизга ва саволларим жавобсиз қолади. Сўнгра мен саволларимга жавобни яна ҳужжатлардан излай бошлайман. Ҳа, шундай: Мунавварқори Абдурашидов, Салимхон Тиллахонов ва отам Саид Аҳрорий ҳамда қатор ватандошларимизни айбловга доир неча-неча жилд жиноий иш саҳифаларидан жавоб излайман. Бу ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, элимизда мамлакатимизни мустабидлик зулмидан қутқориш — қуллик занжирларини чил-чил қилиб юртимизда мустақил давлат барпо этиш учун курашган «Миллий истиқлол» уюшмаси бўлган (мустақилликка эришгунимизга қадар биз бу яқин тарихимиздан тамомила беҳабар бўлганмиз) ва бу уюшма аъзолари собиқ СССР Давлат Сиёсий Бошқармаси тарафидан қон қора қақшатишган. Аслида бу уюшма аъзолари қанча бўлганлигини билмасакда, улардан 87 нафари ҳибсга олинганини ҳужжатлардан билемиз. Мана улардан айримлари: Усмонхўжа Тўхтаҳўжаев, Асадулла Хўжахонов, Толибжон Мусабеков, Нажмитдин Шераҳмедов, Исроилжон Иброҳимов, Ҳасанқори Хоний, Фулом Икромов, Мирҳалил Каримов, Тангриқулхожа Мақсудов ва бошқалар 1931 йилнинг 25 апрелида Москва шаҳрида отувга ҳукм этилиб отиб юборилганлар. Лутфулла Алимов, Ёқуб Омон, Ашурали Зоҳирий, Усмон Акрамий, Носир Эркин, Фатхиддин Исматуллаев, Мўминжон Ҳақимов, Ғофуржон Мусахонов ва бошқалар ўн йил муддатга концлагерга ҳукм этилиб, совуқ ўлкаларга бадарға қилинганлар ва ҳоказо... Булар бари — юртимизнинг то шу кунгача биз билмаган кечаги кун тарихи.

Истибоднинг минглаб қурбонларидан би-

ри бўлмиш Салимхон Тиллахонов босиб ўтган қисқа ҳаёт йўлини тиклаб кўриш ана шундай қийин кечди. Зеро, унинг бу оламдан кўз юмганига олтмиш етти йил бўлган. Сўраб-суриштирадиган катта ёшдаги қариндош-уруғлар, амаки-холалар ҳам дунёдан ўтиб кетишган. У ҳибсга олинган чоғида икки қизалоғи: етти ёшли Гўзал ва тўрт ёшли Ширинни бағрига босганича фарёд чекиб қолган 28 ёшли рафиқаси Кароматой Шодмон қизи ҳам ҳаётдан кўз юмган...

Лекин ҳаётда ҳар қандай тўфон ва бўронлардан сўнг ҳам табиат қайта тирилгани мисол ўттизинчи, ўттиз етти-ўттиз саккизинчи, элтигинчи йиллардаги қама-қамалардан кейин ҳам ҳаёт давом этди...

Менга Салимхон Тиллахоновнинг набираси Зилола Сулаймоновани топиш насиб этиб, мен унинг манзилгоҳини бобосига доир иш саҳифалари орасидан топган эдим. Зилола Сулаймонова бобоси тақдири билан қизиқиб, тегишли идораларга ёзган аризасини ўқигандим. Мана нима учун инсон фарзанд кўришни орзу қиларкан?! — деб ўйлагандим ўшанда. «Ўғилдир-қиздир фарзанд бўлгани яхши экан. Бобосини ҳеч қачон кўрмаган, у ҳақда фақат яқин-йироқ қариндошларнинг сўзларидангина билган набира — Зилола Сулаймонова бобосининг изини излабди-да охири. Ўзбек мана нима учун болажон халқ. Фарзандлар — юртимиз келажаги...». Шу йўсин суриштириб билдимки, Салимхон Тиллахоновнинг саккиз набираси бор экан — уларнинг бари турли соҳаларда мустақиллигимизни мустақкамлашга хизмат қилаётибди...

Салимхон Тиллахоновнинг набираси Зилола суриштириб билишича бобоси жуда ўктам, сахий, жудаям ҳушрўй ва иқтидорли одам бўлган. «Араб, форс, озарбайжон ва рус тилларини яхши билган эканлар. Аввал бошда биринчи

босқич мактабни тугаллагач, «рус-тузем» мактабида ўқиган эканлар». Зилоладан мен Салимхон Тиллахоновнинг Бухоро мадрасасида таҳсил кўрганини, 1917—1918 йилларда Боку шахрида ўқиганини, у ердан иқтисод бўйича мутахассис бўлиб қайтганини, шу ихтисос бўйича турли курсларда дарс берганини, Озарбайжондан олиб келган билими билан кифояланмай Ўрта Осиё Давлат университетида ҳам таҳсил кўрганини, иқтисод соҳасида билимини мустаҳкамлаганини билдим. Зилоланинг ҳам сўраб-суриштириб билишича Салимхон Тиллахонов 1921 йилда икки йиллик педагогика билим юртида директор бўлган. Айнан ўша чоқларда «Садойи Туркистон» газетаси ва журналларда мақолалар чоп эттирган. Унинг элим, юртим деганини мақолаларида баён этган фикрларидан билса бўлади.

Салимхон Тиллахоновнинг 1928 йил 11 мартада «Четга кўпроқ ўқувчилар юбориш керак» мақоласидаги фикрлар унинг қанчалар элсевар инсон бўлганлигидан далолат беради.

Салимхон Тиллахонов шундай ёзади:

«1922 йил ўқиш мавсумида Тошкентда ташкил этилган «Кўмак» уюшмасининг ташаббуси, Туркистон ҳукуматининг кўмаги, Бухоро жумҳуриятининг ғайрати ва Шўролар Россияси соясида Туркистон ва Бухородан 70 га яқин ўқувчи Олмонияга келган эди. Мана шу ҳисобга қараганда 12 миллион нуфузга молик Туркистонимиздан 70 тагина талаба бўлиши ҳеч бир вақтда бизни қаноатлантирмайди. Ҳаракат қилиб келгуси йилларда Оврупонинг ҳар бир бурчагига минглаб талабалар юборишимиз керакдир. Бизнинг дўхтиримиз, адибимиз, муҳарриримиз, техникимиз, файласуфларимиз ва ҳоказо улуғ кишиларимиз, йўлбошчиларимизни ўз ичимиздан чиқаришимиз лозимдир...»

Қанчалар ажойиб фикрлар, Салимхон Тиллахоновнинг қандай одам бўлганлигини шу фикрларнинг ўзиёқ кўрсатиб турибди. «Юртим деб, элим деб дили куйган, ёниб яшаган одам бўлган экан-да, Салимхон Тиллахонов...» — деган фикр кечди дилимдан. Аммо ўша ўттизинчи йиллардаги Давлат Сиёсий Бошқармаси бундай фикрламаган. Улар ўлчовида Салимхон Тиллахонов ҳам, у билан олдинма кейин ҳибсга олинган Туркистон фарзандларининг бари — халқ душмани бўлган. Шу сабаб ҳам улар қаттиқ сиқиққа олинган.

1930 йил апрел ойи бошида Салимхон Тиллахонов устидан тергов бошлайдилар.

Салимхон Тиллахонов миллий ташкилотларга аъзо бўлиши 1917 йилнинг охири ва 1918 йилларга тўғри келгани ҳақида сўзлаб, эндигина Бокудан қайтиб келганлиги, Абдуваҳоб Муродий ва Қажум Рамазон билан Бокуда ўқиганини айтади. Ундан яширин ташкилотлар ҳақида сўзлаб бериш талаб этилган бўлса керакки терговдаги жавоблари биз билмаган кечаги тарихимизга дарча очади. Терговни «Муссават», «Миллий иттиҳод», «Иттиҳоди тараққий», «Миллий истиқлол» уюшмаларининг нима сабабли пайдо бўлганлиги қизиқтиради ва Салимхон Тиллахонов ўз жавобида шу уюшмаларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида тўхталади. «Миллий иттиҳод» ҳақида сўзлар экан у, бунинг яширин уюшма экани, олдига қўйган мақсади, миллий мустақилликка эришиш йўлида курашмоқ, ва ахир оқибатда турк халқларининг бошини бириктириш эканини сўзлайди.

Худди шу кунни такрор ўтказилган терговда Салимхон Тиллахоновдан «Миллий истиқлол»нинг Тошкент бўлими ҳақида суриштирадилар. Унинг жавобидан биламизки, Салимхон Тиллахонов, Лазиз Азиззода ва Ғофуржон Му-

сахоновдан иборат учлик ташкил этилиб, Тошкент гуруҳи раҳбари деб белгиланган ва Мунавварқори таклифи билан бу гуруҳга эски аъзолар эмас, ёшлар қабул қилинган — Давлат Сиёсий Бошқармаси тазйиқидан кўрқиб шу йўлни тутганлар. Негаки Сиёсий Бошқарма эски аъзоларни таниган, номма-ном билган. Маълум бўлишича Миллий истиқлолчиларнинг мустақил давлат тузаолишларига ишончлари катта бўлган. Истиқлол кишанини парчалаб мустақилликка эришган давлатлар: Сербия, Болгария ва Финляндиядан андоза олмоқни кўзлагандилар.

Терговни учлик фаолияти қизиқтирган чоғи Салимхон Тиллахонов жавобида, ўзи, Гофуржон Мусахонов ва Лазиз Азиззодадан иборат учлик раҳбариятининг вазифаси маълум гоёларни олға суришдан иборат бўлганлигини айтади...

Шу савол-жавоблардан маълум бўладики, истиқлолчилар мустақилликка эришиш учун яширин кураш олиб борганлар. Халқни истибдодга қарши курашга чорламоқ вақти етганини, бунинг учун аввал кенг меҳнаткаш оммани уйқудан уйғотмоқ зарур деб билганлар. Буни истиқлолчилар йўлбошчиси Мунавварқори Абдурашидов яхши англаган ва шунинг учун ҳам «Миллий иттиҳод» — яъни миллий бирлашишни олдиларига қўйган асосий вазифани амалга оширгачгина, яъни мустақилликка эришгачгина амалга оширилажагини айтиб 1927 йилларга яқин уюшма номини «Миллий истиқлол» деб ўзгартиришни таклиф этган. Демак олдидаги вазифа, аввало, миллий истиқлолга эришмоқ йўлидаги кураш, деб англамоқ зарур эди. Бундан буён ҳам асосий вазифаларнинг бири миллатни уйқудан уйғотмоқ бўлиб, истиқлолчилар буни мамлакатнинг — яъни миллатнинг келажаги бўлган ёшлар орасида бошламоқ лозимли-

гини англаган ва мактабларда иш бошлаганлар. Шу сабабдан ҳам ўттизинчи ва ўттиз етти-ўттиз саккизинчи йиллар қатағонида минглаб муаллимлар ҳибсга олинди, узоқ ўлкаларга беш-ўн йиллаб муддатга бадарға қилинди.

Салимхон Тиллахоновнинг терговдаги жавобидан бу уюшмаларнинг Октябр тўнтарувига қадар пайдо бўлишига чор ҳокимиятининг мустабидлик сиёсати ва Совет даврида эса халқ ҳаёти борган сайин ёмонлашиб боргани, Туркистоннинг ҳомашё базасига айланиб бораётгани келтириб чиқарган норозиликлар сабаб бўлганини — бу уюшмалар миллатни ҳимоя қилиш усули тарзида бунёд бўлганини ва шу йўлда ўзидан неча-неча баробар кучли тузумга қарши бош кўтарганини биламиз. Ҳужжатлар бунга гувоҳ.

Ҳужжатлар яна шундан гувоҳлик берадики, у ҳам бўлса, элига, юртига катта муҳаббат жўш урган экан Салимхон Тиллахоновнинг қалбида. Ўзи ҳам, қалби ҳам чиройли бу кимса юртини, юртдошларини эркин кўришни орзулаган, орзулаш билангина кифояланмаган, бунга эришишга йўл излаган. Қандай қилиб бўлса ҳам, аввал рус чоризми, сўнг Совет истибдоди остида эзилган элини мустақил давлат сифатида кўриш йўллари излаганлардан бўлган экан.

Шунга ўхшаш бир қатор гувоҳликлардан мана энди мен тасаввур қиламан Салимхон Тиллахоновнинг кимлигини. Салимхон Тиллахонов элим деб, юртим деб ёниб яшаган, ҳуррият йўлида жонини фидо қилган миллатпарвар инсон. Биз мустақилликда яшаётган ҳозирги кунимизни яқинлаштириш учун ширин жонидан кечган покдомон инсон. Ўйлайманки, эндиликда биз юртимизнинг мустақиллиги учун курашган миллатпарвар оталаримиз руҳини шод этмоқ йўлида фидойилик намунасини кўрсатмоғимиз керак.



Яқинда мен жаҳонгашта севимли адибимиз Чингиз Айтматовнинг юртимизда олиб борилаётган улкан қурилишлар ҳақида қувониб, ифтихор билан сўзлаганини ўқидим. У ўз сўзида Ўзбекистонда қилинаётган ишлар бугун ёки эртани ўйлаб эмас, балки келажакни ўйлаб қилинаётганини, Ўзбекистондаги каби беқиёс қурилишни ҳеч ерда кўрмаганини эътироф қилади.

Дунёнинг ишлари ғаройиб экан, одамнинг ёмон отлиқ бўлиши қанчалар осону, лекин унинг пок номини тиклаш — оқлаш учун эса йиллар керак бўларкан. Салимхон Тиллахоновнинг пок номини тиклаш учун орадан олтмиш йил вақт ўтиши керак бўлди.

Аллоҳга беадад шукр: ҳақиқат букилади, лекин синмайди. Салимхон Тиллахонов ва уларнинг маслакдошлари кутган кунларга етдик — истиқлолга эришдик. Мустақиллигимиз етти ёшга тўлаётир. Ўзбек диёри, унинг фарзандлари мўъжизалар кўрсатаётир, ёшларнинг баркамол бўлиб етишишлари учун шароитлар яратилаётир. Иншооллоҳ юртимиз биз орзу қилган буюк мамлакатга айланади. Энди олдимизда турган асосий вазифа — мустақиллигимизни мустаҳкамлаш. Демак, ота-боболаримизнинг орзу-умиди бўлган хуррият байроғини баланд кўтармоқдир.

## ҲАЁТДАН УМИДИ КАТТА ЭДИ

Қизгинанинг исми Сурайё эди. Хонадонларида машъум воқеа юз беришидан бир ҳафтагина аввал дадаси Омонулла қизининг тўрт ойлик бўлгани шарафига зиёфат берган эди. Август ойининг охирлари — фарқ пишиқчилик. Дастурхон тўкин. Хонадонда куй ва қўшиқлар тонготар бир-бирига уланди. Ёр-биродарлар, амма-холалар қизалоқ шаънига энг яхши тилакларни билдирадилар.



**Омонулла Нусратуллаев.**

— Омонулла, қизинг дарров бир яшар бўл-  
дими? — ҳайрон бўлиб сўради меҳмонлардан  
бири. — Куни кечагина эмасмиди Тамматхон-  
нинг кўзи ёриди деганинг?

— Менинг қизим, Сурайё юлдузим энди  
тўрт ойлик бўлди. Нега сўраяпсан?

— Зиёфат берганингга ёшига тўлибдими  
дебман. Ахир, одатда, ёшига тўлганда нишон-  
ланади-ку, туғилган кун...

— Менга қолса, қизимнинг туғилган куни-  
ни ҳар ой нишонлайман. Унинг дунёга келиши  
менинг учун катта байрам. Ахир синглим билан  
Тамматхондан бўлак кимим ҳам бор... — ўксик  
товушда деди ва кейин ўзини қўлга олиб танта-  
навор кўшиб қўйди. — Ҳар ойнинг шу куни  
менинг учун байрам. Дўст бўлсанг шу куни тўғ-  
ри кириб келавер...

Омонулла синглиси кўтариб ўтирган йўр-  
гакдаги гўдакни олиб бағрига босди.

— Катта бўлса, мен қизимни Оврупонинг марказига — Парижга юбориб ўқитаман! — деди баландпарвозлик билан.

— Дадасига ўхшаб олам таниб келарканда... Илоҳим ниятингга етгин, — гапга аралашди чақалоқни унинг қўлидан олар экан Муаттар синглиси.

Аммо Омонулланинг орзу-умидлари пучга чиқиб кетди. Орадан ўн кун ҳам ўтмай бўлиб ўтган бир воқеа, ҳамма орзу-ҳаваслар устидан қора чизик тортди. Тўрт ярим ойлик чақалоқ Сурайё бир кечада отасидан айрилиб етим бўлиб қолди.

Йўқ, йўқ, унинг отаси автомобил ҳалокати-га йўлиқмади, ёки бирон безори пичоқлаб кетмади. Сурайёнинг отаи бузруквори Омонулла Нусратуллаев машъум 1937 йилда Сталин даври қатлиомига гирифтор бўлганларнинг бири бўлди.

Ярим кечада, кутилмаганда, тапир-тупур қилиб кириб келган нотаниш кишилар уй эгаларининг эсхонасини чиқариб юборган эди. Яқингинада кўзи ёриб, ҳали ўзига келиб улгурмаган жувон-актриса Тамматхон Зиёхонова кўрқиб кетди. Юраги қинидан чиқиб кетгудек гуп-гуп уриб, кураги тагида қаттиқ оғриқ бошланди. Бу оғриқ бутун умр унга ҳамроҳ бўлишини, шу куни бошланган дард сабаб бўлиб, оламдан ёш кетажagini ҳали ўзи ҳам билмасди. Осуда хонадонда тинчликка ўрганган гўдак тарақ-туруқ, гупур-гупурдан чўчиб уйғонганича чирқираб йиғлай бошлади. Балки, кейинчаликка бориб, юрагининг операция қилинишига олиб борган дард ўшанда бошлангандир...

Хонадон алғов-далғов. Кириб келган одамлардан бири — Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги капитанимиди, бу машмашадан фойдаланиб — чақалоқни парваришлашда кўмаклашиш учун

ёлланган Ксения деган мордва қизини бир чеккага чорлаб: «Хўжайининг энди келмайди. Мен билан кет, менинг ҳам шундоқ қизим бор...» — деб шивирлаб улгурган эди.

Чақирилмаган «меҳмон»ларнинг бу хонадонга кириб келишига 1937 йилнинг 4 сентябр куни Ички ишлар Халқ Комиссарлиги тарафидан тайёрланган қарор ва худди шу куни Омонулла Нусратуллаевни ҳибсга олиш учун ёзиб берилган ордер сабаб бўлган эди.

Орадан қарийб олтмиш йил ўтиб ҳужжатларни ўрганарканман қалбимда жунбуш урган ҳислар, фикрлар туғғени — тўфонда ўзимни кўярга жой тополмайман.

Минг тўққиз юз ўттиз саккизинчи йилнинг октябри. Бу кун ҳаво қанақа бўлган? Билмадим. Аммо ўша кунларга доир ўрганган ҳужжатларим менинг дард-дунёимни қоронғи қилиб юбордики, анчагача ўзимга келолмай юрдим. Бу ҳужжатлар инсон ҳуқуқи поймол этилиб, халқимизнинг илмдон, оқил, қалб кўзи ёруғ фарзандлари тоталитар тузум қурбони бўлганлигидан гувоҳлик беради. Ҳужжатларнинг бари ўрис тилида бўлганлиги учун уларни ўзбекчага ўгириб, бироз қисқартириш билан диққатингизга ҳавола қиламан. Ўқувчидан эса, бу ҳужжатларни диққат билан ўқиб, мағзини чақишни сўрайман.

**СССР ОЛИЙ СУДИ ҲАРБИЙ КОЛЛЕГИЯСИ  
САЙЁР СЕССИЯСИНING ЁПИҚ СУД МАЖЛИСИ  
ҚАРОРИ**

*1938 йил 9 октябр*

*Тошкент шаҳри*

Раислик қилувчи Бриг ҳарбий юрист **Зайцев** ва  
биринчи ранг юрист **Болдирев**

Саркотиб 1-ранг ҳарбий юрист **Батнер**

Мажлис соат тўққизу йигирма дақиқада очилди.

Раислик қилувчи Омонулла Нусратуллаевнинг Ўзбекистон ССР Жиноят Мажмуасига кўра айбланишига доир иши кўрилажагини эълон қилди. Саркотиб судланувчининг суд залида эканлигидан, гувоҳлар судга чақирилмаганлигидан огоҳ қилди.

Судланувчи ҳеч қандай талаб қўймади, суд таркибига норозилик билдирмади.

Раислик қилувчи судланувчини унинг бўйнига қўйилган айблардан огоҳ қилди ва ўзини айбдор деб ҳисоблаш, ҳисобламаслигини сўради, судланувчи ўзини гуноҳкор деб билишини, олдинги терговлардаги кўрсатмасини тан олишини айтади.

Жосуслик қилганини бўйнига олади.

Охирги сўзида судланувчи ҳаётини сақлаб қолишларини сўрайди.

Суд маслаҳатлашиш учун кириб кетади.

Соат тўққизу ўттиз дақиқада ҳукм эълон қилинади ва суд мажлиси ёпилади.

Раислик қилувчи **Алексеев**

Саркотиб **Батнер**

Бор-йўғи ўн дақиқада бир инсоннинг ёруғ дунёда яшаш яшамаслиги ҳал этилди. Ҳаётини сақлаб қолиш ҳақидаги Омонулланинг илтимоси ҳавога учди-кетди...

Ҳукмдан қуйидаги сатрларни ўрисчадан ўзбекчага таржима қилиб келтираман:

«Нусратуллаев ЎзССР Жиноят Мажмуасининг 58, 64 ва 67-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этганликда айбдор топилиб, СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегияси ЎзССР Жиноят Процессуал Кодекснинг 128 а, 131-моддаларига биноан

## ҲУКМ ҚИЛАДИ

Омонулла Нусратуллаев олий жазога — отувга ҳукм этилиб, унга тегишли мол-мулки мусодара қилинсин.

Ҳукм Марказий Ижроия Комитетининг 1934 йил 1 декабри қарорига биноан зудлик билан ижро этилсин.

Раислик қилувчи...

Аъзолар...

Худди шундай бўлди. Ҳукм зудлик билан 1938 йилнинг 10 октябри куни ижро этилди. Шу ўринда СССР Марказий Ижроия Комитетининг 1934 йил 1 декабри қарори ҳақида тўхталиб ўтишга зарурат туғилади.

Мана ўша қарор (Бу қарор С. М. Кировнинг отиб ўлдирилиши туфайли қабул қилинган эди).

### **ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ ҲАРАКАТДАГИ ЖИНОЙИ ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИГА ЎЗГАРИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА СССР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ**

#### **Қ А Р О Р И**

СССР Ижроия Комитети қарор қилади:

Террорчилик ташкилотлари ва Совет Ҳукумати ходимларига қарши олиб борилган террорчилик ҳаракатларини кўриб чиқиш ишига қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1. Бу йўсиндаги ишлар тергови ўн кун ичида поёнига етказилсин.

2. Айблов хулосаси судда кўрилишига бир кун қолганда айбдорга берилсин.

3. Иш тарафлар иштирокисиз кўрилсин.

4. Ҳукм устидан шикоят аризаси ва афв

ҳақида илтимоснома беришга йўл қўйилмасин.

5. Олий жазо ҳақидаги ҳукм чиқарилган заҳоти, зудлик билан ижро этилсин.

СССР Марказий Ижроия Комитети  
Раиси (М. Калинин)  
СССР Марказий Ижроия Комитети  
Котиби (А. Енукидзе)

Москва. Кремл.  
1.ХII. 1934 йил.

Қанчалик даҳшатли қарор эди бу...

Бу қарор билан илк бор танишганимда руҳим тўнгиб қолди — ақлим бовар қилмади. Ишчи-деҳқон ҳукумати саналган совет мамлакати раҳбарлари бундай қарорга имзо чекиши мумкинлигига ҳали-ҳануз ишонгим келмайди...

Хўш, Омонулла Нусратуллаев ким эди?

Бу саволга жавоб топиш учун уни айбдор санаб ҳибсга олганларидан сўнг тўлдирилган маҳбус анкетасини жиноий ишнинг олтинчи саҳифасидан ўзбекчага ўгириб, диққатингизга ҳавола қиламан:

### МАҲБУС АНКЕТАСИ

Ф а м и л и я с и: Нусратуллаев

И с м и: Омонулла

Т уғ и л г а н й и л и: 1906

Т уғ и л г а н ж о й и: Бухоро шаҳри

Т у р а р ж о й и: 2-Дегрез маҳалласи, 20-уй

К а с б и: механик муҳандис

И ш ж о й и: Тошкент Темир йўл транспорти институти. Ишчи факультети, ўқитувчи

И ж т и м о и й к е л и б ч и қ и ш и : б е к

И ж т и м о и й а ҳ в о л и : х и з м а т ч и

Р е в о л ю ц и я г а ч а : ў қ у в ч и

М а ъ л у м о т и : о л и й

П а р т и я с и з ў з б е к , С С С Р ф у қ а р о с и .

О и л а с и : р а ф и қ а с и Т а м м а т З и ё х о н о в а — 1914 й и л д а т у г и л г а н в а т ў р т я р и м о й л и к қ и з и б о р . . .

Терговчи сўроқларидан биламизки, Омонулла Нусратуллаев ўн олти ёшида Олмонияга ўқишга юборилган — 1922 йил сентябридан 1929 йил июнигача, деярли етти йил Олмонияда — Лейпциг шаҳрида машина қурилиши мактабида ўқиган. Олмониядан қайтиб келгач, Тошкент Темир йўл институтининг ишчи факультетида дарс берган, уйланган, фарзанд кўрган. Лекин 1937 йилдаги Сталин даври қатлиоми уни четлаб ўтмаган. Ёш мутахассисни ҳибсга олиб, уни Олмонияда Советларга қарши миллий ташкилотга аъзо бўлганликда айблаганлар. Омонулла Нусратуллаев терговларда: (20.IX.37) «Менга қўйилган айбларни тан олмайман (14.XII.37). Ҳеч қандай Советларга қарши жосуслик ташкилотига аъзо бўлмаганман, СССРга қайтаётганимда ҳеч қандай жосуслик топшириғи олмаганман» деса, 1937 йилнинг 18 декабрида терговчининг: «Сизнинг Советларга қарши Олмонияни ёқлаб ташвиқот қилишингиз терговга маълум. Шу ҳақда кўрсатма беринг...» — каби дағдағасига жавобан дона-дона қилиб: «Мен буни инкор этаман, Советларга қарши ҳеч қандай ташвиқот олиб бормаганман», — дейди.

Ва ахийри 1937 йил 22 декабрида, ҳибсга олинганидан кейин уч ой ўтиб тергов тугаганлиги ҳақида протокол тузилади ва Омонулла Нусратуллаевга эълон қилинади. Лекин маҳ-



кумнинг азоб-уқубатлари бу билан барҳам топмайди. Орадан тўққиз ойга яқин вақт ўтиб, 1938 йил 13 сентябрида Омонулла Нусратуллаев қўшимча терговга чақирилади ва бу терговда Олмонияда туркистонлик ўқувчилар орасида Советларга қарши «Озод Туркистон» деган ташкилот бўлганини тасдиқлайди. Бундан ташқари 1929 йилда Олмониядан ватанига қайтиш арафасида советларга қарши миллий ташкилотга аъзо бўлганини, бу ташкилотнинг мақсади Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини афдариб, Ўзбекистонни СССРдан ажратиб, буржуа миллий давлатини барпо этишдан иборат бўлганини, ҳар бир юртига қайтиб келган талабага СССРга қарши Олмония фойдасига жосуслик иши олиб бориш топширилганини тан олади. Бундан сўнг 23 сентябрда Фузаил Шераҳмедов, 1938 йил 3 октябрида Темурбек Казбеков (Олмонияда бирга ўқиган ўртоқлари) билан юзлаштирилганда ҳам жосуслик материаллари тўплаб Олмонияга жўнатганини тан олади.

Нега бирдан бундай ўзгариш? Дастлабки терговда айбни бўйнига олмаган Омонулла Нусратуллаевдаги бу ўзгариш сабаби нима? Балки тўққиз ой давомида терговсиз маҳкумлиқда ҳибсда ётиш ўз ишини қилгандир?! «Бўларди бўлди, бўёғи синди» қабалида иш тутгандир Омонулла Нусратуллаев?! Ахир у дастлабки терговда айтганидек бегуноҳ эди-ку!..

Тергов ишининг 106-саҳифасини ўрганиш жараёнида дуч келганим ёзувлар бу саволларга жавоб беради. Азиз ўқувчи, сиз ҳам бу ҳужжатларга эътибор қилинг. Ўша йилларда маҳбуслардан керакли маълумотларни олиш ниятида қаттиқ тазйиқлар қўлланганлигини билиб olasиз. Мана ўша маълумотлардан айрим қисмини ўрис тилидан ўзбекчага ўтириб, эътиборингизга ҳавола қиламан:

## МАЪЛУМОТНОМА

Ўзбекистон ССР Ички Ишлар Халқ Комиссарлигининг Леонид Исаакович Леоновнинг (архив) тергов иши бўйича...

Бу маълумотномада Л. И. Леонов-Немировский 1941 йилнинг 7 июлида Ўзбекистон ССР Олий Суди Ҳарбий Коллегиyasi тарафидан содир этган жиноятлари учун отувга ҳукм этилганлиги ва ҳукм 1941 йилнинг 21 июлида ижро қилинганлиги кўрсатилади.

Леонов-Немировский Ўзбекистон ССР Ички Ишлар Халқ Комиссари муовини бўлиб хизмат қилган кезларда аксилинқилобий шахслар ва ташкилотларга қарши кураш баҳонасида оператив ходимларга Ўзбекистонда истиқомат қилган аҳолини оммавий ҳибсга олиш топшириғини берганликда айбланган. Ҳибсга олинганлар сохталаштирилган маълумотлар асосида оғир аксилинқилобий жиноятларда айбланганлар.

Леонов-Немировский оператив ходимларга тергов жараёнида қонундан ташқари усулларни қўллаш ҳақида буйруқ берганликда айбдор деб топилган. Бунинг натижасида жуда кўп маҳбуслар қамоқда ўлиб кетганлиги суд ҳукмида қайд этилади...

Омонуллага ҳам, балки, шу усул қўлланилгандир? Балки у азоб-уқубатларга дош беролмай, дастлабки терговдаги сўзларидан қайтиб, аввал инкор этган айбларни бўйнига олгандир? Ким билади, балки... Лекин ундан бошқа ҳам сабаблар бўлгандир...

Ҳар қанақа жамиятда, у буржуа бўладими, демократик бўладими, хиёнатчи, тухматчилар бўлади. Бизнинг, ўша чоқларда социалистик деб номланган жамиятда ҳам тухматчи, хиёнатчилар бўлган. Ўша йилларда юз бераётган бу қонли қатлиом даврида бўлаётган тўс-тўпалоннинг ҳайбарақаллачилари бўлган. Шунинг учун бўлса

керакки, оталаримиз, момоларимиз дуога қўл очганда қуруқ тухматдан асрашни Яратгандан тилайдилар.

Омонуллага ҳам тухмат қилувчилар топилди. У билан бирга ишлаганлардан бир нечаси, уни Олмонияни мақтаганликда, Совет тузумини ёмонлаганликда айбладилар. Ҳибсдаги маҳкумнинг қўлидан нима ҳам келарди?! Ўша йилларда қатлиомнинг қўлами қай даражага етганини менга маълум бўлган икки мисол билан тахминан белгилаш мумкин. Масалан, Омонулла Нусратуллаев куёв бўлган Зиёхон эшон ва Нисабувиларнинг Омонулладан ташқари яна икки куёви халқ душмани деб ҳибсга олинган эди. Ўша чоқларда Себзор даҳасида истиқомат қилган бу хонадон эгасининг бир йўла уч қизи. Шоҳидахон, Хабибахон ва Тамматхон қўлларида биттадан бола билан бева қолдилар. Бу хонадонда бирданига уч етим қиз: Эркили, Раъно, Сурайё — бири ўн, яна бири беш ва тўрт ярим ойлик Сурайё тирик етим бўлиб қолишди. Беваларнинг бошидан нима кечди-ю, етимлар отасиз не-не хўрликларни бошларидан кечирдилар фақат ўзларигаю ва яна Аллоҳга аён.

Ўша 1937—1938 йилларда, ҳозирги «Саодат» журнали «Ёрқин ҳаёт» номида чоп этилган кезларда, бу редакциянинг уч ходими, муҳаррир бўлиб хизмат қилган, кейин район партия комитети котиби бўлиб хизмат қилган Тожихон Шодиева, яна бир муҳаррир, Тошкент шаҳар, Киров район партия Комитети котиби бўлиб ишлаган Собира Холдорова ва редакция адабий ходими Мариям Султонмуродова (қўлида олти ойлик гўдаги билан) ҳибсга олиниб, турли муддатларга совуқ ўлкаларга бадарға қилиндилар. Мана шу икки мисолнинг ўзи мутеълигимиз қай даражага етганлигидан далолат беради.

Булар бари тоталитар тузумнинг халқ усти-

дан юргизган ғарови эди — ҳуқуқсизлигимиз мезони эди. Бу ҳуқуқсизлик жуда узоқ давом этди — унинг оқибатида неча-неча минг туркистонликнинг ёстиғи қуриди...

Улар қанча эди? Лекин, афсус, билмаймиз. Лекин билишимиз керак... Омонулла Нусратуллаев ҳибсга олингач, тинтув чоғида унинг хонадонидан нимаики олиб кетилган бўлса, ҳеч бири қайтарилмаган. Шунинг натижасида у қамалган чоғида тўрт ярим ойлик қолган қизи Сурайёнинг хонадонидан отасининг бирон бир сурати йўқ. Қанчалар бахтиқаролик бу ахир!.. Сурайёнинг кўлида отасидан ёдгорлик бўлиб, икки ҳужжатгина қолди. Бири — Омонулланинг вафот этганлиги ҳақида 1958 йил 28 октябрда берилган гувоҳнома. Ундаги ўлим сабаби кўрсатилиши керак бўлган ўрин бўш — ҳеч нима ёзилмаган. Иккинчи ҳужжат — Омонулланинг гуноҳсиз эканлигини тасдиқлаб, оқланганлигига гувоҳлик берувчи ҳужжат.

Инсон ҳуқуқи ўша йилларда қанчалар поймол этилганлигини яна бир ёзувдан англаб олсак бўлади. Шу «иш»нинг 86-саҳифасида Омонулла Нусратуллаевнинг рафиқаси Таммат Зиёхонованинг СССР Ҳарбий трибуналига йўллаган аризаси бор. Аризада у эрининг нима сабабдан қамалганини ҳануз билмаслигини айтиб, унинг ўлик-тириклиги, қаердалигини билиш истагини ёзади. Ариза тагида 1958 йил 18 август санаси. Орадан йигирма бир йил ўтиб — тўрт ярим ойлик қолган қизи йигирма бир ёшга кирганда ҳам эри тақдирини билмаган у бахтиқаро аёл...

Бундай бахтиқаролар қанча бўлган экан?!

...Қизгинанинг исми Сурайё эди. Отаси уни Парижга юбориб ўқитишни, олий маълумотли бўлишини орзу қиларди. Лекин унинг орзулари кўксига кетди — ўн гулидан бир гули очилмай ҳазон бўлди. Сурайё эса йигирма ёшида отаси-

нинг фожеали қисматидан огоҳ бўлди. Отасидан қизига ҳатто битта сурати ёдгор бўлиб қолмади. Аммасиникида қолиб кетган бир суратга ялина-ялина эга бўлди. Унга отасидан яна унинг ўлими ҳақидаги гувоҳнома қолди. Энди у, набираларининг бобоси ҳақидаги саволларига жавоб бераолади. Ким билади, балки, мавҳумликдан кўра, қанча аччиқ бўлмасин, ҳақиқатни билган яхшироқдир! Муҳими шуки, ҳақиқат эгилиши мумкину, лекин синмаслигини, қирқ йилда бўлса ҳам ҳақиқат юзага чиқишига Сурайё ўз ҳаёти мисолида — отаси қисмати мисолида ишонч ҳосил қилди.

Ҳаёт давом этади. Агар Омонулла Нусратуллаев ҳаёт бўлганида неvara ва чеварали бўлган бўларди. У кутган кунлар келди — юртимиз мустақил, ватанимиз узра мустақил Ўзбекистон байроғи ҳилпирамоқда.

Бу демак, бизнинг — мустақил юрт фуқароларининг зиммасига катта масъулият юклайди. Бу мустақилликка кўз тегдирмаслигимиз, юртимизни ёмон кўзлардан, қора нийятлардан омон сақламоғимиз керак. Бу масъулият фарзандларимиз, юртимиз келажаги бўлмиш ёшларни зийрак ва тийрак бўлишга, мустақиллик берган имкониятларни баракали истифода этиб, ҳаётдан муносиб ўрин эгаллашга чорлайди.

## КЎКЛАМ ХАЗОНИ

Минг тўққиз юз ўттиз еттинчи йилнинг саккизинчи январ куни Ўзбекистон Ички ишлар халқ комиссарлиги Давлат хавфсизлиги бошқармаси ходими қўлига 24 рақамли ордер топширилди.

Ордерда: «Сизга Карл Маркс кўчасидаги Тошкент Табобат институтига қарашли уйда истиқомат қилувчи Саттор Жабборовнинг хонадонидан тинтув ўтказиб, ўзини ҳибсга олиш

топширилади, дейилганди. Бу ордерни олган ходим ўша кунидеъ топшириқни бажаришга киришади — уй коменданти гувоҳлигида уйда тинтув ўтказилади, Саттор Жабборовнинг паспорти, Олмониядаги СССР талабалари уюшмаси аъзосилиги тўғрисидаги гувоҳномаси, учта ён дафтар, олмон тилида чоп этилган «Шарққа йўл» деган китоб ва 1936 йилда олмон тилида чоп этилган турли илмий-техник газетлар, доктор Р. Энглянд номига ёзилган гувоҳнома, катта-кичик ўн беш дона сурат, юз сўмлик кредит билети, уч боғлам турли-туман мактублар ва ҳоказоларни мусодара қилди. Саттор Жабборовнинг онаси, хотини ва болалари чирқиллаганча қолади, унинг ўзини олдиларига солиб олиб чиқиб кетадилар — Ўзбекистон ССР Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги комендатурасига топширадилар. Бу ерда навбатчилар бошлиғи ва кичик назоратчи иштирокида Саттор Жабборовнинг чўнтақларини қоқиштирадилар ва бор-йўғини хатлайдилар.



**Саттор Жабборов.**

Саттор Жаббор устидан жиноят иши кўз-  
гашга асос бўлган ҳужжатни «Жиноятнома»ни-  
нг биринчи саҳифасидан топдим. 1937 йилнинг  
7 январида ёзилган қарорда Саттор Жабборга  
доир материалларни кўриб чиқиб, у Олмонияда  
ўқиб юрган кезлари Берлиндаги «Туркистон»  
деган аксил инқилобий уюшманинг фаол аъзо-  
си бўлган деган қарорга келган терговчининг  
наздида бу уюшма Ўзбекистонда миллий бур-  
жуа давлати барпо этишни ўз олдига мақсад  
қилиб қўйган. Тошкент табобат институтида  
дарс бериб юрган Саттор Жаббор талабалар ўр-  
тасида миллатчилик ғояларини олдинга сурган.  
Олмонияга мойиллик кайфиятларини ташвиқ  
қилган, — каби тахминлар билан Саттор Жаб-  
бор гуноҳкор топилган. Терговчи бирор далил  
келтирмаёқ Саттор Жабборовни ЎзССР Жи-  
ноят Мажмуасининг 67 ва 66—1 қисми билан  
жазога лойиқ топади.

Бу — Саттор Жабборнинг тергов мобайнида  
йигирма икки ой давомида чеккан азоб-укубат-  
ларининг муқаддимаси эди...

Саттор Жаббор асли ким эди?

Тергов давомида тўлдирилган анкетадан  
унинг 1905 йилда Тошкентда туғилган, 1930  
йилда Берлин дорилфунунининг кимё фа-  
культетини битириб, Тошкент табобат институ-  
тида ишлагани маълум. Айтишларича, у билан  
бир марта сўзлашган одам яна суҳбатлашсам  
дер экан. Билими чуқур педагог, талабаларнинг  
севимли устози бўлган экан. Унинг дид билан  
кийинишидан тортиб, сўзлаган ҳар бир сўзи та-  
лабаларни ўзига ром қилар, аксарият ёшлар ма-  
на шу ўқтам ўқитувчиларига ўхшашни орзу қи-  
лар эканлар.

Шогирдларининг айтишича, Саттор Жаб-  
бор билимдон педагог бўлиш билан бирга шоир  
табиат инсон ҳам экан. Ўзи ҳам шеър машқ

қилар, ҳатто поэма ҳам ёзган экан. Саттор Жабборнинг машқлари ўша даврнинг атоқли ва севимли шоири Фитратга манзур бўлган. Фитрат унинг ижодий келажагига умид билан қараган бўлса керакки ёш ижодкорнинг поэмасини таҳрир қилиб берган экан. Саттор Жаббор яна талабалари орасидан педагогикага лаёқатликларини ажратиб, ўқувчиларга дарс бериш сирларини уларга ўргатган ҳам, табобатга доир терминлар таржимаси билан шуғулланган. Саттор Жаббор йигирма бешга яқин илмий иш чоп этдирган. Шу билан бирга у химия дарсликларини олмон тилидан ўзбек тилига ўттирган, русча-ўзбекча, ўзбекча-русча кимёвий атамалар луғатини тузишда иштирок этган. Бу ишлари билан у, ўзбек олимларини оламшумул илмий янгиликлар билан таништириб борган. Олмониядан қайтиб келгач у то 1934 йилгача биохимия кафедрасини бошқарган. 1935 йилдан то даҳшатли 1937 йилгача ноорганик химия кафедрасига раҳбарлик қилган. Саттор Жаббор 1936 йилда жумҳуриятда биринчилар қаторида химия фанлари номзоди унвонини ёқлаган. Ана шундай кўп қиррали олим, меҳрибон устоз, ажойиб инсон эди Саттор Жаббор. Табиат ундан ажойиб инсоний фазилатларни ҳам аямаган эди. Қадамидан ўт чақнар, лочиндай елиб юрарди. Талабалар орасида ҳам, ҳамкасабалари ўртасида ҳам ҳурмати катта эди унинг. Талабалар унга ўз оғаси ёки отасига таянгандек ишонишарди, шодликлари, ташвишларини ундан яширишмас ва ўз навбатида устозлари улардан ҳам маънавий, ҳам моддий ёрдамини аямасди. Саттор Жаббор Тошкент Табобат институти ҳаётида ҳам, жумҳурият тиббиётини янги поғонага кўтариш ишларида ҳам фаоллик кўрсатган. Саттор Жаббор СССР соғлиқни сақлаш Халқ комиссарлиги коллегияси аъзоси бўлган.



Аmmo афсус, минг афсус унинг қанчадан қанча ниятлари гул очмай кетди, режалари поймол бўлди, орзулардан дилида яратган боғи олим ҳаётининг кўкламидаёқ ҳазон бўлди...

Даҳшатли 1937 йил! Мана шу даҳшатли йиллар тегирмонида тортилиб кетган эл фарзандларининг саноғига етаолармиканмиз?! Сизлар дош берган кулфатларга тоғлар ҳам дош беролмас, юртимнинг мушфиқ аёллари. Сизларнинг мунг тўла боқишларингиз орадан олтмиш йил ўтганидан кейин ҳам кўз ўнгимда гавдаланганида ўзимни кўярга жой тополмай қоламан. Сизларнинг ҳолингиз нима кечган экан-а?! .

Афсус, афсус! Очилмайин сўлган у гуллар — Саттор Жабборлар! Эссиз уларнинг ҳайф кетган умрлари!

...Саттор Жабборнинг жиноий ишига алоқадор тергов протоколларини ўрганар эканман қирқ беш йил давомида бутун эл-юртдан, маҳбусларнинг ота-оналари ва фарзандларидан пинхон тутилиб келган воқеалардан воқиф бўлдим: Ўшанда — 1922 йилда Бухоро Халқ Шўролар Жумҳурияти нафақаси билан ўқиб келиш учун Олмонияга жўнатилаётган олтмиш нафар ёш толиблар қаторида шоир Фитратнинг тавсиясига кўра Саттор Жаббор ҳам жўнаб кетган экан.

Улар она юртларига 1930 йилларда не-не орзулар билан қайтиб келдилар. Олмонияга жўнатилаётганларида улар шаънига айтилган гаплар шундоққина дилларида муҳрланиб қолганди. Зеро у серфараҳ лаҳзаларда: «Сизлар жумҳуриятнинг ақли-идроки, суянган тоғи, ишонган боғи бўласизлар. Халқимизнинг онгини кўтаришда, маданиятини оширишда катта хизматлар кутади сизларни!» — дейилганди-да.

Саттор Жаббор 1922 йилдан 1925 йилгача

Берлиндаги ўрта маълумот берадиган ўқув юртида билим олди, 1925 йилдан 1927 йилгача Гейделберг дорилфунунида ўқиди, 1928 йилдан 1931 йилгача Берлин дорилфунунининг кимё факултетига таҳсил кўрди.

Мусофирчилик, талабаликнинг мушкул йиллари... Тўққиз йил мобайнида ҳорижда таҳсил олишнинг ўзи бўладими. Бир оғиз олмон тилини билмай Олмонияга ўқишга бориш учун ҳам юрак керак-ку... Ўша талабалик йилларидаги қийинчиликлар тергов протоколларидан ҳам шундоққина уфуриб турибди. Аввалига, 1924 йилгача Бухоро халқ Шўролар жумҳурияти томонидан. 1925 йилдан 1929 йилгача ҳам Ўзбекистон ССР тарафидан нафақа билан таъминланди. 1930 йилда стипендия тўлаш тўхтатилгандан кейин унга Берлин дорилфунунининг Гумбольд фондидан ажратилган маблағ ҳисобидан ёрдам кўрсатиб турилди. Бу кўмак ҳам осмондан тушгани йўқ: дорилфунун профессори Шлейтит ва Буденштейнлар узоқ Туркистондан келган қорақош қора кўз йигитнинг мусофирчиликнинг ҳамма қийинчиликларига бардош бераётганига тан бериб ёрдам қўлини чўзгандилар. Саттор Жабборнинг ўзи ҳам «олма пиш, оғзимга туш» деб ўтирмай Браур пиво заводи-нинг лабораториясида ишлаб, ойига 200—250 марка ҳақ олиб турди.

Тергов профессорларнинг бу қўллаб-қувватлашини ҳам, лабораториядаги хизматини ҳам Саттор Жабборнинг гуноҳлари қаторига тиркади. Терговчилар уни Олмонияда ўқиб юрган вақтида «Туркистон» деган аксилинқилобий миллатчилик уюшмаси аъзоси бўлганликда айбладилар ва Саттор Жаббордан бу уюшмада Мустафо Чўқаев билан Заки Валидов бошчилигида талабалар ўртасида аксилинқилобий миллатчилик ишлари олиб борганлигини тасдиқ-

лайсизми, деб суриштирдилар. «Туркистон» уюшмаси таъсис этган «Кўмак» номли аксилинқилобий журналда иштирокини тан олишини талаб қилдилар. Бунга жавобан Саттор Жаббор «Кўмак» журналида атиги бир бор асари чоп этилганини, бу журналда унинг, 1930 йилда Тошкентда ёзилиб, шоир Фитрат таҳрир қилиб берган «Тилак» поэмаси ўзи беҳабар ҳолда чоп этилганлигини билдиради. «Бу журнал «Туркистон» уюшмаси томонидан чоп этилишини билмасдим. Бу журналнинг Ўзбекистонда тарқатилиши ҳисобидан Боту менга Саид Али Жўраев орқали олтин пул билан 20—25 сўм бериб юборган», — дейди Саттор Жаббор 1937 йил 9 январдаги терговда. (Бу чоққа келиб Боту ҳам каторгага ҳукм этилган эди).

Эртаси куни — ўнинчи январда яна бир тергов. Бу гал терговчи, Саттор Жабборнинг уйини тинтув қилганларида чиққан мактублар ва дафтарлардаги 24 манзилгоҳ бўйича тушунтириш талаб қилади.

Орадан бир ҳафта ўтиб, 17 январда терговчи шу чоққача гумон қилинувчи деб саналиб келган Саттор Жабборни яна сўроққа тутиб ён дафтардаги яна 14 манзилгоҳни суриштиради, профессор Энглянд ҳақида саволлар беради. Бу ҳол 19 январда ҳам шу янглиғ такрорланади.

1937 йилнинг 23 январидagi қарорда Саттор Жаббор Олмонияда ўқиб юрган йилларида (1922—1931) «Муқаддас Туркистон» аксилинқилобий ташкилотга аъзо бўлишликда, СССРга қайтиб келгач Советларга қарши бўлган шахслар — профессор Энглянд, архитектор Г. П. Бауэр билан (улар Олмония фуқаролари эди) алоқада бўлганликда, муаллимлар ва талабалар орасида аксилинқилобий фикрларни олға суришда айбланиши кўрсатилади.

1937 йилнинг 23 январидан Саттор Жаббор

айбланувчи сифатида сўроқ қилинабошланган. Ундан 1937 йил 23 январида: «Сизни Ўзбекистон ССР Жиноят Мажмуасининг 67 ва 66—1 моддалари билан айбланиш ҳақидаги қарори бўйича ўзингизни айбдор деб ҳисоблайсизми?» — деб сўрайдилар.

Бунга жавобан Саттор Жаббор: «ЎзССР Жиноят Кодексининг 66—1 қисми ва 67-моддалари бўйича менга тақалган айбларда ўзимни гуноҳкор санамайман. Олмонияда ҳам, СССРда ҳам аксилинқилобий фикр юргизмаганман», — дея қатъий жавоб қилади. Терговчилар таҳминда у, Заки Валидий, Мустафо Чўқаев, Аҳмад Наим билан аксилинқилобий алоқада бўлганликда гумон қилинади. 1937 йилнинг 31 январидаги, 9—17 февралдаги терговларда ҳам, ундан кейинги яна саккиз терговда Саттор Жаббор ўзини айбдор деб санамаслигини айтади. Шундан сўнг 1937 йил 2 февралдан бошлаб гувоҳлар сўроқ қилинади. Ун кишининг гувоҳлиги етмагандай, 1930 йилда ҳибсга олиниб, 1931 йилда отиб юборилган Абду Ваҳоб Муродийнинг ўша йилларнинг 30 декабридаги кўрсатмаларидан Саттор Жабборга тегишли сатрлар ҳам олиниб «иш»га тиркалади.

...Неча-неча терговлар, гувоҳларни сўроқ қилишлари, юзлаштиришлар оқибатида ахирини Саттор Жаббор аввалги терговларда таъкидланган, лекин биронтасини ҳам тан олмаган жиноятларда айбланади ва буларга қўшимча равишда аксилинқилобий «Ёш Туркистон» журналинини чоп этишда ва тарқатишда, Олмониядаги буржуа матбуотларида Советларга қарши туҳматдан иборат мақолалари билан қатнашишда, «Озод Туркистон» деган жосуслик ташкилоти билан Ўзбекистондаги яширин аксилинқилобий уюшма ўртасида алоқа олиб боришда айбланади. 1938 йилнинг

сентябридаги айблов хулосасида Саттор Жаббор яна Берлинда Олмония яширин полицияси жосуси профессор Ванг-Кауп томонидан Олмон разведкаси фойдасига иш олиб боришга жалб этилгани, Олмон ҳукуматидан мунтазам равишда моддий ёрдам олиб турганлиги кўрсатилади. «Олмония яширин полицияси Саттор Жаббор ҳали Олмониядалик чоғидаёқ ундан ўзбек талабалари ўртасида яширин жосус сифатида фойдаланган» — деб кўрсатилади.

Саттор Жаббор Олмонийдан Ўзбекистонга қайтганидан буён Шўрсув атрофидаги конларда олтингугурт заҳиралари миқдори, Олмалиқ қурилишидаги тоғ жинсининг табиати, бу жинсдан мис олиш муаммоси, унинг заҳираси миқдори ҳақида маълумот тўплаб (1932 йилгача) Энгляндга етказган. Ундан ташқари, 1934 йилда Ленинградда Олмон разведкачиси профессор Шток билан алоқа боғлаган ва унга Чирчиқ қурилишининг бир қатор саноат объектлари ҳақидаги маълумотларни топширган. 1936 йилнинг июлида Марғилон, Наманган пиллакашлик фабрикаси, Тошкент кислород заводига тегишли маълумотларни Султон Матқул орқали Олмон разведкасига етказган... «Шундай даҳшатли гуноҳлар унга тақалади-да, сўнгида Саттор Жаббор ўзини гуноҳкор деб тан олгани кўрсатилади. (Нима бўлди ўзи? То шу чоққача Саттор Жаббор ўзини айбдор санамай келаётгани-ку...)

Шундай қилиб унга тақалган гуноҳларга яна янгилари қўшилаборди ва унинг жинояти Ўзбекистон Жиноят Мажмуасининг 57—1, 67, 64, 58-моддалари билан айбдор кўрсатилишига сабаб бўлади. Саттор Жабборни СССР Олий Суди ҳарбий ҳайъати судига топшириш кўрсатилади.

1938 йилнинг 8 октябридаги СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг тайёрлов мажлиси 6 протокоliga раис Бриг ҳарбий юрист Алексеев, аъзолар: ҳарбий юрист Зайцев, 1 ранг ҳарбий юрист Батнерлар имзо чекишган. Прокурор ёрдамчиси Шульц Анн қатнашган бу тайёрлов мажлиси Саттор Жабборни Ўз ССР Жиноят Мажмуасининг юқорида қайд этилган моддалари билан айблаб ишни судга оширишни, қораловчи ва оқловчисиз, гувоҳларни суд мажлисига чақирмасдан кўриб чиқишга қарор қилади.

Шунинг ўзи маҳбуснинг ҳаёт-мамоти олдиндан ҳал қилиб қўйилганининг далили эмасми?! Ҳатто хўжакўрсинга бўлса ҳам оқловчи ва гувоҳлар чақирилмади. Чақиришни лозим кўришмади — зарурат йўқ, деб ҳисоблашди. Инсон ҳуқуқининг бунчалар поймол этилишига нима дейсиз!

Охирги сўзида судланувчи ўзининг ҳали ёшлигини, ҳибсда ётган муддат ичида руҳиятида катта ўзгариш бўлганлигини назарда тутиб, унга мурувват қилишларини сўрайди.

Аммо Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номидан СССР Олий Суди Ҳарбий Ҳайъати чиқарган ҳукм даҳшатли эди. Ҳукмда олдинги терговлар давомида тузилган протоколлардаги айбномалар санаб ўтилади-да, Саттор Жаббор олий жазога — отувга ҳукм этилади, унга тегишли мол-мулк мусодара этилиши таъкидланади. Ҳукм сўнгида СССР Марказий Ижроия Қўмитасининг 1934 йил 1 декабридаги қарорига биноан ҳукмни зудлик билан ижро этиш таъкидланади.

Ҳукмга, яна бизга таниш бўлиб қолган Алексеев, Зайцев, Болдирев ва саркотиб Батнерлар имзо чекишган. Мен улар имзосини отишга маҳкум этилган неча-неча зиёлилар ус-

тидан чиқарилган ҳукмларда кўрдим. Саттор Жаббор билан бирга Олмонияга бориб ўқиб қайтганларнинг кўпларининг тақдирини мана шу шахслар худди шундай яқунлаганлар. Ўзбекистон Жумҳуриятининг ўша чоқдаги раҳбарияти яхши ниятлар билан қилган амалига тамомила ўзгача тус беришганди. Олмониядан олий маълумот олиб қайтган бирқанча ёшларнинг тақдирини мана шундай фожиали яқунлашганди.

Қарорлар, ҳукмлар ва ажримларга имзо чеккан бу шахслар неча кишининг ёстиғини қуритди экан? Бева-бечоралар, етим-есирлар армиясига яна қанча бахтиқаро қўшилди экан?..

«Жинойтнома»ни ўрганишда давом этаман.

«Ие, бу қандоқ бўлди!» — деб юбораман ногоҳон. Кўрган кўзларимга ишонмайман. Во ажабо! Бу кўғирчоқ ўйини кимга ва нега керак? Ахир ҳукмга кўра Саттор Жаббор 1938 йилнинг 9 октябрида зудлик билан отилиши керак эди-ку! Орадан икки йил ўтгач бўлган бу ҳангома-ларга нима деса бўлади?!

«Ё парвардигори олам, ўзинг қўлла, юрагим қинидан чиқиб кетмасин» — деб илтижо қиламан яратганга. Юрагим гупури, томирларимнинг уриши шу хонада ишлаётган — мен сингари кимларнингдир қисматини ўрганаётган ҳамкасбларим ва олимларга ҳам эшитилаётгандай аланглайман.

Юракни чангаллаб, Парвардигорга илтижо қиладиган ҳолатлар шу билан адоғига етмайди. «Жинойтнома»ни варақлашга тушаман ва яна бир даҳшатга рўпара келаман. Ҳозир таърифлаганим саҳифадан кейинги 244-саҳифада СССР Олий Суди ҳарбий ҳайъатининг муҳри босилган 1956 йилнинг 4 февралда 38 рақамли форма бўйича ёзилган йўлланма бу.

## СССР ИЧКИ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ БОШЛИФИГА

Бош ҳарбий прокурор номига юборилган ушбу йўлланмадаги сатрларни сизларга тўлиқроқ маълумот бериш учун батафсил келтираман.

«Фуқаро М. К. Хўжаеванинг ўғли Саттор Жабборнинг вафоти ҳақида гувоҳнома бериш учун ЗАГСнинг тегишли бўлимига кўрсатма беришингизни сўрайман.

1905 йилда туғилган Саттор Жаббор СССР Олий Суди ҳарбий ҳайъати томонидан **1938 йилнинг 15 октябрида** суд қилинган ва жазони ўтаб юриб, **1940 йилнинг 26 декабрида** вафот этган.

Фуқаро М. К. Хўжаева Тошкент шаҳри, Москва райони, Жаркўчанинг 9 берк кўчасида истиқомат қилади.

СССР Олий Суди Ҳарбий ҳайъати  
Раиси ўринбосари, юстиция  
полковниги

(В. Борисглебский)

Ана холос!!! Буниси қандоқ бўлди?!!

«Жиноятнома»нинг 1 жилди, 243 саҳифасидаги маълумотномада кўрсатилишича, Саттор Жаббор 1938 йилнинг 9 октябрида Тошкент шаҳрида отиб юборилган эмасмиди?

Агар у жазони ўтаб юриб **1940 йилнинг 26 декабрида вафот этган** бўлса, икки йилу, икки ой қаерда бўлди — «Жиноятнома»да бу борада ҳеч қандай маълумот йўқ...

Нима бу? Ёлғончиликми? Кўзбўямачиликми? Адолат қайда қолди? Ҳақиқат ердаю, калити осмондами?

Онаизорнинг казо-казо адлия ходимларига нома йўллашидан умиди уларнинг адолат қили-



шига ишончданмасмиди? Онаизорнинг умид билан битган илтимосномасига собиқ Иттифоқ пойтахти Москвадан, СССР Олий Суди раёсатидан ёлгон жавоб олса — қайси қолипга сиғадди бу майнавозчилик?!

Умуман бундай чалкашликлар ёлғиз Саттор Жабборнинг ишидагина эмас, бошқа «иш»ларда ҳам бор. Ахир ёлгонни ёзавериб, ҳали «немисларнинг, ҳали инглизларнинг жосусларини» тергов қилавериб чалкашсалар ажаб эмас. Сўзимнинг тасдиқи учун халқимизнинг сеvimли шоири Фитратнинг «иши»даги чалкашликлардан мисол келтирмоқчиман.

Архивдаги «Иш»нинг 133 саҳифасидаги айбланувчи Фитратнинг 1938 йилнинг 20—23 майидаги тергов протоколида терговчиларнинг «Жиноятнома»нинг 149 саҳифасида мана бундай саволи бор:

**САВОЛ:** — 1937 йили сиз Советларга қарши амалий ва жосуслик иши учун **инглиз разведкасидан** пул олгансиз...

Сўнг яна: «— Сиз ўзингизни **Англия фойдасига қилган жосуслик фаолиятингиз тўғрисида** тўлиқ, батафсил жавоб бермадингиз», — дейилади. Демак Фитрат, инглиз разведкаси жосуси деб саналиб унга қатор саволлар берилади-да, кейин бирдан осмондан тушгандай бошқа хулоса чиқарилади. «Иш»нинг 175—177-саҳифаларидаги олти пунктдан иборат «Айблов хулосаси»нинг тўртинчи «г» пунктида **«Фитрат фашист Германияси разведкаси** ташкилотлари билан алоқа боғлади, Совет ҳокимиятини ағдариш мақсадида қуроли ҳаракатга эришишга уринди» каби бирон **факт** билан тасдиқланмаган хулосага келинади.

Даҳшат шундаки, 1938 йилнинг 20—23 май кунларидаги савол-жавобда инглиз жосуси саналган Фитрат худди шу йилнинг 5 октябрида

(олти ой қамоқда ётгандан кейин) немис фашизми жосуи деб қораланапти. Собиқ Совет Иттифоқи адлиясининг казо-казолари чала муллалармиди? Ёки бу ёпиқли қозон абадий ёпиқ бўлади деган ишончда атай қилинган ноҳақликлармиди?

Бир соф виждонли одамни гуноҳкор қилиш учун хоҳлаган айбларини тақаш мумкин эканда! Буниси қандоқ бўлди? Ким жавоб беради бу саволларга? Сталин даврининг қатли оми туфайли ўттизинчи ва элтигинчи йилларда зиёлилар, халқ орасидан етишиб чиққан бўлакча фикрловчилар биттадан териб олинди, уларга «халқ душмани» деган тавқи лаънат тамғаси босилди, қамалди, бадарға қилинди, отиб юборилди. Ҳамма бирдай фикр юритиши керак бўлди у чоқларда. Ўз мустақил фикрига эга бўлганларга қарши курашилди. Бу тенгсиз кураш эди...

Турли оммавий ахборот воситаларида Сталин даврининг қатағонига гирифтор бўлганлар сони турлича келтирилади. Баъзилар бу рақамни йигирма миллион деса, бошқа бирлари 60—70 миллионга етганини ёзадилар. Лекин аслида бу рақам қанчага етган?

Собиқ СССР Давлат хавфсизлик қўмитасининг раиси В. А. Крючковскийнинг ёзишича: «30—40 ва 50-йиллар бошида 3 миллион 778 минг 234 нафар одам суд қилиниб, улардан 786 минг тўқсон саккиз нафари отиб юборилган. Бинобарин, шуниси ҳам борки, уларнинг аксарияти бегуноҳ кишилар эди...» Яна унинг сўзига қараганда: «Ички ишлар халқ комиссарлиги — Давлат Хавфсизлик министрлигининг бир ярим минг ходими қонунчиликни бузганлиги учун суд қилинган...»

Бу чекинишлардан сўнг Саттор Жаббор ҳақидаги ҳужжатномага қайтаман. Зеро, у ҳали

адоғига етгани йўқ. Орадан неча-неча йиллар ўтди. 1958 йилнинг 21 майи куни СССР Олий судининг 08/288 С-58 рақамли қарори чиқди. Бу қарорда Саттор Жабборнинг аксилинқилобий уюшмага аъзо бўлганлиги ҳам, фашистлар Германияси фойдасига жосуслик қилганлиги ҳам тасдиқланмаганлиги кўрсатилиб, унинг ЎзЖМнинг 57—1, 58, 64 ва 67-моддалари билан айбланиши нотўғри бўлганлиги тасдиқланади.

Шундай қилиб СССР Олий Суди Пленумининг 1959 йил 26 мартдаги қарори билан Саттор Жаббор устидан 1937 йилда кўзғатилган жиноий иш бекор қилинади ва Саттор Жаббор оқланади...

Ҳаётда ҳеч нарса беиз кетмайди. Орадан ўтган неча-неча йиллар давомида онаизори фарзанди доғида куя-куя адо бўлди. Саттор Жабборнинг рафиқаси Маҳбуба фарзандларини оёққа қўйиш учун ҳам ота, ҳам она бўлиб, толиқиб ҳаётдан кўз юмди.

Лекин ҳаёт ҳаёт-да. Ёшлар ўсиб улғайди, от босмаган жойларни той босадиган пайтлар етиб, Саттор Жаббор фарзандлари ҳаётдан ўз ўринларини эгалладилар, улар ҳам ўз фарзандларини катта қилаяптилар. Демак, ҳаёт давом этади...

Саттор Жабборнинг ҳаёт боғи хувиллаб қолмаслигига ишонч билан ёдномага нуқта қўярканман, чех халқининг суюкли фарзанди Юлиус Фучикнинг сўзларини такрорлагим келади: «Одамлар, Ҳушёр бўлинглар!» Зеро бошимиздан кечган бу даҳшатлар бизни огоҳ бўлишга ундаши керак. Собиқ СССР ҳудудида диктатурани байроқ қилишга, қора булутдек бошимиз узра соя ташлашга ҳаракат қилганларга, собиқ СССРни тиклашга уринаётганларга ўз вақтида жавоб бермоғимиз лозим...

Ҳушёр бўлинг, ҳушёр бўлинг, азиз Одамлар!

## МАҲКУМА

Неча-неча тунларни бедор ўтказдим. Кўзим энди уйқуға илинганда рўпарамда Мариям пайдо бўлади. Узун қора сочларини силлиқ тараган. Иккита қилиб ўриб орқасига ташланган сочи пўстини ёқасига қисилиб қолган. Бу Мариям устидан қўзғотилган «Жиноятнома»га тиркалган сурати.

То 1990 йилнинг декабригача мен уни танимасдим ҳам, у тўғрида эшитмаган ҳам эдим. Хужжатгоҳда Мариям Султонмуродовани ЎзССР Жиноят Мажмуасининг 57—1 ва 67-моддалари билан уни айбловчи «Жиноятнома»ни қўлимга олгачгина танишдим.



**Мариям Султонмуродова.**

Бу танишув менинг учун жуда оғир кечди. Мариям эртаю кеч кўз олдимда қолди. Мен у

тўғрида одамларга сўзлаб бермасдан бу азобдан қутилолмаслигимга ишонч ҳосил қилдим. За-монанинг зайли билан бахтиқаро бўлган — Сталин даврининг қатли омига гирифтор бў-либ, умрининг ўн беш йилини турмада ва узоқ ўлкаларда бадарғада саргардон ўтказган аёл қисматидан бир заррани ҳикоя қиламан... Бу зарранинг ўзини кўтариш оғир. Бу зил юк тўла-лигича зиммасига тушган аёлга қанчалар қийин бўлган экан-а! Ёраб, ўзинг қўлла бу бахтиқаро-ни!

Мана, уни ҳибсга олиш учун 1937 йилнинг 15 сентябрь куни ёзилган фармон — ордер. «Жиноятнома»нинг иккинчи саҳифасига тир-калган бу ордерда Ўзбекистон ССР Ички Иш-лар Халқ Комиссарлиги хизматчисига Тошкент шаҳридаги Уездная кўчаси 13 уйда истиқомат қилувчи Мариям Султонмуродовани ҳибсга олиш топширилганлиги қайд этилган.

Бир сўмлик пулдек келадиган бир парча қо-ғоз қанчалар қудратли: шу қоғозни кўрсатиш билан куни кечагина кўзи ёриган аёлни қўли-даги норасида гўдаги билан ҳибсга тиқиш мум-кин бўлса-я?!

Бу «Жиноятнома»нинг учинчи саҳифасида ҳибсга олинувчининг анкетаси бор. Унда кўр-сатилишича Мариям Султонмуродова 1905 йилнинг 13 февралда туғилган. Ихтисоси жур-налист, ижтимоий келиб чиқиши хизматчилар-дан, 52 ёшли онаси Дуржон Султонмуродова Хоразм округининг Хива шаҳрида истиқомат қилади. Мариямнинг ўзи даҳшатли 1937 йил-нинг 15 сентябрида ҳибсга олинган. Тошкент турмасига қамалган.

Мариям Султонмуродованинг қисмати ме-ни жуда қизиқтириб қолди. Негаки у — менинг ҳамкасабам — журналист. Боз устига, биз у би-лан бир таҳририятда хизмат қилган бўлиб чи-

қаяпмиз. Мариям мендан атиги ўн уч йилгина муқаддам «Ёрқин турмуш» журнали редакциясида хизмат қилган экан. Мен хизмат қилган «Саодат» журнали 1937 йилларгача «Ёрқин турмуш» номида чоп этилган ва Мариям бу редакцияда адабий ходим бўлиб хизмат қилган. Мариям ҳибсга олинган чоғида 32 ёшда бўлган, икки фарзанди — етти ёшли ўғли Пўлат ва Анор исмли эмизикли қизи бўлган.

«Жинойтнома»нинг еттинчи саҳифасидаги тергов протоколи билан танишаман. Бунда кўрсатилишича, ҳозирча Мариямни Ўзбекистон ССР Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги ДХБси гувоҳ тариқасида сўраяпти. Гувоҳ тариқасида сўралар экан, элдан бурун ҳибсга тиқишга бунча шошилмасалар-а?!» — деган саволлар ғужгон ўйнайди дилимда.

Юзаки қаралганда терговчининг саволлари жўнгина кўринади. Лекин бу саволлар диққат билан ўрганилса терговчининг ўз олдига олдиндан қўйган мақсади шу саволданоқ намоён бўлади-қолади.

«Савол: — Айтинг-чи, Олмонияда неча йил ва қачон ўқидингиз?»

«Жавоб: — Мен Олмонияда 1922 йилдан 1928 йилгача ўқидим. 1923 йилдан 1924 йилгача Берлинда, 1924 йилдан 1926 йилгача Дармштадт шаҳрида педагогика мактабда таҳсил олдим, 1926 йилдан 1928 йилнинг май ойигача, яъни СССРга қайтиб келгунимгача Берлинда хизмат қилдим».

Бундан кейинги саволларга Туркистондан ўқиш учун Олмонияга борган талабалардан кимларни яхши таниши сўралади ва табиий Мариям кимларни танишини очиқ кўнгиллик билан санаб беради. Улар Саттор Жаббор, Абдуваҳоб Муродий, Олимжон Қодирий, Аҳмад Наим, Аҳмаджон Иброҳимов, Абдуваҳоб Исҳо-

қов, Афзал, Саида Шермухамедова, Темурбек Казбеков, Тўлаган Мўмин, Султон Матқул, Саид Али Хўжаев...

Соддадил жувон — кимни таниса санаб ўтади, номини атаганларнинг бирқанчаси ҳибсдалигини, шу ондан бошлабоқ терговчи унинг устидан ҳам «Жиноятнома» очиш ҳаракатига тушганини билмайди...

...Орадан бир ҳафта ўтади. Мариям энди шу кундан бошлаб айбланувчи сифатида сўроқ қилинабошлайди. Бунда терговчи Мариямнинг Олмонияда Дармштадт шаҳрида 1928 йилда олий мактаблар учун педагогика семинариясини тамомлаганлигини, Олмонияга Хоразм Халқ Шўролар Жумҳурияти Марказий кўмитаси йўлланмаси билан кетганлигини қайд қилади. Ўқишга кетганлардан кимлар қайтиб келганлигини суриштиради.

Уч кундан кейин яна тергов. Буниси — даҳшатли. Бу терговда Мариямга тақалган гуноҳ ниҳоятда даҳшатли. Ўзимни Мариямни ўрнига қўйиб кўриб, бирдан гунг ва кардек карахт бўлиб қолдим. Ахир уни Олмониядан СССРга жосуслик иши олиб бориш учун келганликда айблашаяпти-я...

Терговчи савол бераяпти: «Сизга ЎзССР Жиноят Мажмуасининг 62 ва 67-моддаларига асосан қўйилган Берлиндаги «Озод Туркистон» деган жосуслик ташкилоти ишида иштирокингиз ҳақидаги айбларни тан оласизми?»

Бунга жавобан Мариям: «Менга Ўзбекистон ССР Жиноят Мажмуасининг 62 ва 67-моддалари бўйича тақаётган айбларни тан олмайман — ўзимни айбдор ҳисобламайман», — дейди.

Аммо терговчи ҳам анойи эмас. У: «Тергов сизнинг «Озод Туркистон» деган советларга қарши жосуслик уюшмаси аъзоси эканлигингизни, СССРга жосуслик топшириғи билан

келганлигингизни жуда яхши билади», — каби сўзлар билан Мариямни карахт қилади...

Кўз олдимда қуролланган ҳарбийнинг терговдан ҳолсизланиб чиққан аёлни олдига солиб камерага бошлаб кетаётгани гавдаланади. Яна у — эмизикли аёл... Даҳшат!!! Даҳшат!!! Даҳшат!!!

Шундай пайтларда нималар ҳақида ўйладинг, Мариям? Балким сен қишлоқда яшаб, ерсизликдан қийналиб, тирикчилик дардида шаҳарга кетиб, Урганчда Черников деган заводчи бойнинг пахта тозалаш заводида қора ишчи бўлиб хизмат қилган отангни эслагандирсан! Меҳнат билан суяги қотган отанг Мулла Жуманиёз заводда торозибонлик қилибди, пахта қабул қилувчи бўлибди, ахийри бошқарувчилик ҳам қилибди. 1916 йилдан бошлаб унинг сиёсий фаолияти бошланган — Хоразм хонига қарши кўтарилган кўзғолонларнинг фаол иштирокчиси бўлган. Мариям, эҳтимол отангни эслаганигда хон тарафидан қатл этилган тўрт амакинг ёдингга тушгандир...

Ҳечкимнинг бошига солмасин қамоқ азоби — солганга эса Аллоҳнинг ўзи тўзим берсин. Аёл киши учун қанчалар оғир бу азоб. Мариям-жон, ўй-хаёллардан бошинг говлаб кетгандир роса... Шу ёшгача кечирганларингни қайта бошдан ўтказгансан, ёру дўст, ота-онанг, жигарларинг кўз олдингдан ўтган албатта... Отанг кейинроқ Хоразм Халқ Шўролар Жумҳурияти Ижроия Қўмитасида раислик қилди. Сен эса унинг таъсирида 1919 йилда комсомол сафига ўтдинг. 1921—22 йилларда Хоразм Округ коммунистик партияси марказий қўмитасида маданият ишларини бошқардинг, кейинчалик хотин-қизлар бўлими мудири вазифасида ишладдинг. Кейин... Кейин Олмония...

Урганчнинг Чандир Қиёт қишлоғидан чиққан қизнинг — на рус тилини, на олмон тили-



ни билмагани ҳолда Олмонияга ўқишга боришга розилик беришнинг ўзи қаҳрамонлик эмасмиди?!

Ўшанда Хоразм музофотидан ёлғиз уни йўлладилар Олмонияга. Қамоқда ўтираркан шуларни ўйларди Мариям. Ўшанда Олмониянинг Штерн шаҳригача пароходда боришганди. Кейин уч йил давомида — 1924 йилдан 1926 йилгача Дармштадт шаҳрида ўқитувчилар тайёрлаш семинариясида ўқиганини эслайди. 1926 йилдан 1927 йилга ўтар қишда Потсдам шаҳрида «Фрауншулла» мактабига қатнади. Ёш эди. Мусофирчиликнинг барча машаққатларига бардош берди. Муаллимлар тайёрлаш семинариясини тугаллагач, шафқат ҳамшираси тайёрлаш курсида ўқиди. Муаллим ҳам, шафқат ҳамшираси ҳам Хоразм музофотига зарур. Аммо афсус... минг афсус... Орзу-умидлари пучга чиқди... Ҳаммаси кунпаякун бўлди... Ўшанда унинг ҳар бир қўйган қадами ўзига қарши айбнома бўлиб тақалиши етти ухлаб тушига кирмаган эди. Мана, Мустафо Чўқаев билан Парижда тасодифан учрашув... (Кўқон мухториятининг президенти бўлмиш Мустафо Чўқайни мафкурамиз яқин-яқингача «Ватан хоини» деган тамға билан таҳқирлаб келган).

Ўшанда таътил чоғи дугонаси Ҳайринисо Мажидхонова билан Парижга сафар қилдилар. Бу сафардан мурод — Парижни кўриш, музейларда бўлиб, жаҳон маданияти дурдоналари билан танишиш эди.

Мусофир бўлганликларидан икки дугона энг арзон пансион топиб жойлашдилар. Кунларнинг бирида улар операга борадиган бўлдилар. Ўша чоқларда Парижда таҳсил олаётган Аҳмад Наим билан Мустафо Чўқаевга дуч келдилар. Ҳозир ўша тасодифий учрашув Мариямга яна бир айбнома бўлиб тақалаяпти...

Терговчиларнинг ҳаммаси бир: айбланувчининг илтимоси, талаби улар учун бир пул. «Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги ходими савол беради, айбланувчи ё «ҳа» ёки «йўқ» дейди» — деб Мариямни сўзлагани қўймайди... Қилмаган ишини қилдим деб тан олишини талаб қилади.

Хўпам шўри қайнаган аёл экансан-да, бахтиқарогинам!

Мариямнинг шўри қайнамаган бўлса, бари умидлари рўё бўлиб чиқармиди?! Ахир у не-не орзулар билан кетмаганмиди Олмонияга. Унинг: «Илм оламан, олам танийман, халқимнинг корига ярайман, билимимни она юртим хизматига бахшида этаман» — деган орзулари поймол бўлди. Мариямни ва унга ўхшаш олтмиш йигит-қизни Олмонияга ўқишга жўнатган Жумҳурият раҳбарларининг ҳам нияти катта эди. Ақлли, идрокли, билимдон, йирик вазифаларни бажаришга қодир ёшларни тарбиялашни мақсад қилган эдилар улар.

Орадан олтмиш йилдан ортиқ вақт ўтиб, айни чоқда жумҳуриятимизнинг ҳозирги раҳбарияти ҳам худди шу масалаларни режалаштираётибди-ку! Яхши ниятлар билан қилинаётган ишлар бу.

Лекин... Минг афсус... Ўттизинчи йилларга келиб собиқ Иттифоқ ғарбий сарҳадларидан шарқий сарҳадларигача, шимолдан жанубгача бўлган диёрнинг энг билимдон, сара фарзандлари таъқибга гирифтор бўлди, хаёлларига келмаган айблар тақалиб ҳибсга олинганди, кўпларига «халқ душмани», «миллатчи» деган тавқи лаънат осилиб отиб юборилди, ўн йиллаб каторгага маҳкум этилдилар.

Мариям Султонмуродованинг ҳам қисмати шунга яқин.

1937 йил сентябрь охири ва октябрь ойи

давомида Олмонияда ўқиб қайтган талабалардан Султон Матқул, Саттор Жаббор, Фузаил Шераҳмедов, Олимжон Қодирий ва Аъзам Аюблардан Мариям ҳақида кўрсатма талаб қилинади. Буларнинг бари олдинма кейин ҳибсга олинган бўлиб, уларнинг асосий айблари Олмонияда ўқиб қайтганлари эди.

1937 йилнинг 21 декабрь куни бўлиб ўтган терговда Мариямга: «Туркистон талабаларининг Олмонияда бўлиб ўтган Советларга қарши йиғилишларида шахсан иштирок этганмисиз?» — қабилда савол берадилар. Мариям бу йиғинларнинг бир нечасида иштирок этганини айтади. Лекин у шу ўринда рост гапирмаган эди. Мариям Султонмуродованинг бўлмаган ишни бўлди деб кўрсатишининг сабаби сўнгроқ очилади. Орадан ўн тўққиз йил ўтгач, 1956 йилнинг 13 сентябридаги терговда Мариям: «1937 йилнинг 21 сентябрида бўлган терговдаги кўрсатмаларимни тасдиқламайман. Шахсан ўзим бундай кўрсатма бермаганман. Мени тергов қилган чоқларида протоколга имзо чекишга мажбур қилдилар. Лекин унда нима ёзилганлигини ўқимаганман, ўқишга беришмаган ҳам. Бу ҳужжатларнинг мазмуни билан танишишга ихтиёр билдирганимда, боламли олиб қўямиз деб кўрқитишди, (эсингизда бўлса, у эмизикли боласи билан ҳибсга олинганди), шу сабабли мазмунидан беҳабар бўлсам ҳам тергов протокоliga имзо чекканман», — дейди.

Шу кунги тергов сўнгида у яна: «Шахсан мен, ҳеч қачон Совет давлати зиёнига хизмат қилган эмасман, ҳеч қандай уюшмага аъзо бўлмаганман. Шу сабабдан ҳам ўзимни 1938 йилда ҳам, 1949 йилда ҳам ноҳақ маҳкум этилганман, деб ҳисоблайман», — деган.

«Сизнинг туркистонлик бошқа талабалар каби СССРга жосуслик иши олиб бориш учун

қайтганлигингиз терговга маълум. Шунан тан оласизми?» — деб уни қистокқа оладилар. Мариям Султонмуродова аксил инқилобий жосуслик топшириғи билан СССРга қайтганини инкор этади. Бу галги терговда Мариям Султонмуродовага яна икки айб тақайдилар.

Терговчи: «Сизнинг «Ёрқин турмуш» ва «Гулистон» журналларида аксил инқилобий миллатчилик ишларини олиб борганлигингиз терговга маълум. Шу ҳақда кўрсатма беринг». (Ажабо, «Терговга маълум» дейдилару, у маълум гуноҳлар нималардан иборатлигини айтмайдилар).

Мариямнинг жавоби қатъий. У ҳеч қандай аксил инқилобий иш олиб бормаганлигини айтади.

Терговчи бўш келмайди: «Ўрта Осиё Табобат институтининг профессори, химик Энглянд билан Тошкентда тез-тез учрашиб турганмисиз?» — деб суриштираверади. Мариямни Олмония фуқароси Энглянд билан жосуслик алоқасида, Олмон разведкаси тарафидан тузилган жосуслик уюшмасига аъзоликда ва Ўзбекистон ССР ҳудудида жосуслик иши олиб борадиган «Озод Туркистон» деган ташкилотга дахлдорликда айблайдилар.

Шундай қилиб 1937 йил декабрининг 20 кунини айблов ҳақида қарор чиқарилади. ЎзССР Жиноий Процессуал Мажмуасининг 62 ва 67 моддаларига кўра жавобгарликка тортилган Мариям Султонмуродова энди шу мажмуанинг 57—1 ва 67 моддалари билан айбланади.

Орадан икки кун ўтгач Мариямга тергов тугаганини хабар қиладилар. Мариям профессор Энглянд билан танишлиги масаласига аниқлик киритиш учун, худонинг зорини қилиб, терговчилардан гувоҳлар билан юзлаштиришни талаб этади. Лекин унинг талаби қондирилмайди.

Мариямга доир «Жиноятнома»нинг 28-саҳифасида 1938 йилнинг 4 сентябридаги яна бир терговга доир сатрлар бор. Бу терговда икки саволга икки жавоб бор холос. Жавобда Мариям Олмонияда «Озод Туркистон» деган Советларга қарши яширин миллий ташкилот борлигидан беҳабарлигини ва унинг ишида иштирок этмаганини таъкидлайди. Профессор Энглянд билан алоқада бўлганини бўйнига олмайди. Энглянд деган кимсани умуман танимаслигини айтади.

Лекин Мариямнинг тақдири аллақачон ҳал қилиб қўйилган эди. Негаки, Олмонияда ўқиб қайтган ёшларнинг ҳаммаси жосусликда айбланиб қамалаётган чоқлар эди. Уларнинг кўплари отиб ҳам юборилди. Мариямнинг дугонаси, Олмонияда ўқиб врач бўлиб қайтган Ҳайринисо Мажидхонова, Тошкент Табобат институти доценти, химик олим Саттор Жаббор, муҳандис Омонулла Нусратуллаевлар отиб юборилди, бошқалари узоқ муддатларга қамоқ жазосига маҳкум этилди, бадарға қилинди. Олмонияда ўқиган ёшларнинг бир гуруҳи, қайтиб келгач қисматлари нима бўлажagini олдиндан ҳис этган бўлсалар керакки, Ватанга қайтиб келишмаган — Олмонияда қолиб кетишган эди. Буни эшитганда ўша чоқдаги Ўзбекистон Коммунистик Партияси Марказий Кўмитаси котиби Акмал Икромов: «Биз мутахассисларни марказдан чақириб юрсак-ку, ўз кишиларимиз ўзга юртларда қолиб кетишса», деб хафа бўлган дейишди.

Хулласи калом, орадан беш кун ўтиб, 1938 йилнинг 9 октябри куни Тошкент шаҳрида СССР Олий судининг ҳарбий ҳайъати сайёр сессияси ёпиқ суд мажлисида Мариям Султонмуродованинг Ўз ССР Жиноят процессуал мажмуасининг 14—54 ва 67-моддаси билан айб-

лаш бўйича иши кўрилиб, мазкур мажмуанинг 128 ва 131-моддаларига биноан ўн йил муддатга қамоқ жазосига, беш йил муддатга сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этишга маҳкум этилди ва унга тегишли мол-мулки мусодара этиш кўрсатилди. Мариямнинг мол-мулки бўлса экан — тўққиз йил мусофирчиликда ўқиб қайтган, совет идораларида хизмат қилган аёлда мол-мулк нима қилсин.

«Ҳукм қатъий, норозилик билдириш ижозат этилмайди», — дейилади ҳукм сўнгида.

Осмон узоқ, ер қаттиқ. Қайга борсин, кимга дод десин маҳкума — ҳамма йўллар унинг учун берк.

Бояқиш аёл! Қўлидаги гўдагини кекса қайнонаси Ҳосият Иброҳимовага қолдириб, 1939 йилнинг ўнинчи марти куни Қозон турмасига жўнатилади.

Шу ўринда бир нарсани эсламай ўтолмайман, Мариям Олмония фуқароси профессор Энглянд билан то у СССРдан чиқариб юборилгунга қадар, яъни 1932 йилгача жосуслик алоқасида бўлишда айбланади. Аммо бу жосуслик алоқаси нимадан иборат бўлганлиги фактлар билан исботланмайди. Мариям яна «Озод Туркистон» уюшмаси раҳбарияти топшириғига кўра СССРда аксилинқилобий миллатчи шахслар билан алоқа боғлаб, «Гулистон» ва «Ёрқин турмуш» журналларида Советларга қарши иш олиб боришда айбланади. Аммо бу ишлар қандай кўринишда бўлган, қай мақола ёки лавҳада Советларга қарши ташвиқот олиб борганлиги кўрсатилмайди, исботланмайди.

Исботлашнинг имкони йўқ эди. Зеро, бундай факт ҳеч қачон бўлмаган-да. Мариям Султонмуродованинг журналистик фаолияти эндигина бошланган бўлиб, олмон тилидан қилган таржималари ва бир қатор лавҳалари билан эн-

дигина кўзга кўриниб, умид уйғотган чоқлар эди. Шунинг учун бўлса керак СССР Олий суди ҳарбий суди ҳарбий ҳайъатининг 1938 йил декабрида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ёпиқ суд мажлиси қарорида кўрсатилишича: «Саркотиб, маҳбус суд залига келтирилганлигини, гувоҳлар судга чақирилмаганини хабар қилди», — дейилади. Бир одамнинг ҳаёт-мамоти ҳал этилсаю, судга гувоҳлар чақирилмаса... Инсон ҳуқуқининг бунчалар поймол этилишига нима деса бўлади... Яна бу «адолат посбони» деб жар солганимиз Совет Социалистик Жумҳуриятлар Иттифоқида бўлиб турса...

Бояқиш Мариям ёлғиз ўзи қора курсида. Унинг на оқловчиси бор ва на залда бирор қариндоши ёки ёри-дўсти... Уни айбловчилар, судловчилар кўпчилик: Судга раислик қилувчи Бриг Ҳарбий юрист Алексеев, суд аъзолари, ҳарбий юрист Зайцев ва I ранг ҳарбий юрист Болдирев. Суд саркотиби I ранг ҳарбий юрист Батнер. Шунча олий насаб юристлар бир тараф — Мариям ёлғиз ўзи бир тараф, унинг фойдасига бир оғиз айтгучи кимса йўқ. Яна ҳарбий коллегиянинг судида-я... Адолатли Совет судининг ишими шу!

Протоколда кўрсатилишича, суд мажлиси соат 11.35 да бошланади ва 11.55 дақиқада, яъни йигирма дақиқа ичида тугаб, ҳукм чиқарилади-да, суд мажлиси ёпиқ деб эълон қилинади. Суд мажлисига гувоҳлар чақирилмагандан кейин, ашёвий далиллар бўлмагандан кейин, СССР Олий Судига доир протоколларнинг босмаҳонада чоп этилган тайёр бланкаларини тўлдиришнинг қийинчилиги йўқ-да...

Мен юрист эмасман. Лекин бу жиноий иш билан танишиб чиққач, унда социалистик қонунчилик кўпол равишда бузилганлигини англаб етдим. Онгим, қалбим, шуурим билан ан-

лаб етдим. Аввало, Мариям Султонмуродованинг жосуслигини тасдиқловчи бирон бир ашёвий далил ёки гувоҳларнинг аниқ кўрсатмалари йўқ. Олмония разведкасига Мариям қандай маълумотларни, қай йўл билан етказиб турди? «Гулистон» ва «Ёрқин турмуш» журналларининг қайси сониди, қай мақола ёки лавҳада аксилинқилобий ғояларни олға сурган? Боз устига на тергов жараёнида, ва на суд давомида Мариямнинг неча-неча талабларига қарамай уни гувоҳлар билан юзлаштирадилар. Нега?

Менимча, Мариям Султонмуродованинг тақдири ҳали жиний иш очилмасиданоқ ҳал қилинган. Унинг айби — Олмонияда ўқиб келиши эди. Терговчилар ҳам, Москвадан махсус келган Олий суд ҳайъати ҳам, менимча, ана шу топшириқни адо этаётган эдилар. Мариям Султонмуродовага ўхшаш ноҳақлик қурбонлари сонсиз-саноксиз эди у йилларда. Бу маҳкумларни тергаганлар ҳам, улар устидан ҳукм чиқарганлар ҳам ўша давр талабларини ижро этишга маҳкум кимсалар эди.

Мариям Султонмуродованинг ҳаётига шу йўсин чизиқ тортилганди — уни тириклайин кўмган эдилар. Ахир аёл киши учун фарзандидан жудо бўлишлик ўлим билан тенг эмасми? Табиат инъом этган оналик бахтидан мосуво бўлишдек бахтиқаролик борми?..

«Жиноятнома» 45-саҳифасининг «Айблов хулосаси» сўнгидаги маълумотноманинг иккинчи бетида: «Ашёвий далиллар йўқ» деб ёзилганлиги ҳам Мариямнинг бегуноҳлигини кўрсатувчи далил эмасмиди?! 1939 йилда УСВИГЛ Дальстрой лагерига жўнатилган Мариям ўн йил жазо муддатини ўтаб, 1947 йилда Урганчга қайтди. Лекин қисмат унга бу кўргиликларни ҳам кам кўрди чоғи, Мариям озодлик нашъасини суриб улгармасидан...



1949 йилнинг 29 март куни Мариям Султонмуродова устидан, ўша аввалги иши юзасидан, яна жинойий иш қўзғотилди. Лекин асл моҳият битта. Мариям Султонмуродова ўша аввалги иш бўйича иккинчи бор тергов қилина бошлади. Аввал қораланиб ўн йил давомида жазосини ўтаб келган иш юзасидан қайтадан жинойий иш қўзғашнинг ўзи жиноят эмасми? — деган хаёллар ўртайди мени.

Жинойий иш қўзғалса бас, уни озодликда қолдирмайдилар. Мариямни дарҳол Урганчдаги Ўзбекистон ССР Ички Ишлар вазирлигига қарашли 6-турмага қамадилар.

Ўн йил ҳибсда бўлиш беиз кетмаганди. Бу йиллар ичида Мариям сарсон-саргардон юривериб, фарзандлари доғида куя-куя дардманд бўлиб қолган эди.

Бу янги «Жиноятнома»нинг 37-саҳифасида медицина хулосаси чиқарилган. 1949 йилнинг 12 апрелида берилган маълумотномада маҳкуманинг юрак ҳасталигига, пневмосклерозга гирифтор бўлганлиги қайд этилиб, жисмоний меҳнатга яроқсизлиги тасдиқланади. Лекин ўша пайтларда ўз меҳнати билан давлат қудратига қудрат қўшаётган ишчи, колхозчи ва зиёлиларга шафқат бўлмаган бир мамлакатда маҳкумага шафқат ҳақида гап бўлиши мумкинми?!

Не кунларни кўрмади Мариямнинг азиз боши, не жафолар чекмади унинг ширин жони. Ўн йил маҳкумлиқ камлик қилгандай яна беш йил Красноярск ўлкасига бадарға қилинишдек жаҳаннам азоби. Аёл киши учун фарзандидан бир кун, бир ой жудо бўлиш азобини онаизорлар яхши биладилар. Унинг бетоблиги билан ҳам, фарзандлари она дийдорига тўймаганлиги билан ҳам ҳеч кимнинг иши йўқ. У — маҳкума.

«Жиноятнома»нинг сўнгги саҳифасидаги

конвертда унинг СССР Давлат Хавфсизлиги вазирига 1949 йилнинг 30 августида ёзган ари-заси. Аризанинг ярмидан кўпи дўконда буюм ўраладиган дағал қоғозга, қолган қисми хитой қоғозга қора қалам билан ёзилган. Вақт ўтгани-дан ёзуви хиралашган. Адолат қилишларига умид билан ёзилган бу аризада у ўзининг бегу-ноҳлигини, дардман бўлиб қолганини баён эта-ди. Ҳеч қачон ҳеч қандай аксилинқилобий уюшмага аъзо бўлмаганлигини, «Озод Туркист-он» деган уюшманинг мавжудлигидан тамоми-ла беҳабарлигини айтади. Энглянд деган ким-сани танимаслигини, эндиликда Ватан уруши тугаб, Олмония разведкаси ҳужжатгоҳларидан текшириб кўриш имкони борлигини назарда тутиб, бу тахминни текшириб кўришни талаб қилади. Олмон разведкасига алоқаси йўқлиги-ни, жосуслик билан ҳеч қачон шуғулланмаган-ини айтади. «Шуниси қизиқки, мени жосус-ликда айблайдилару, на тергов чоғида ва на тергов давомида менинг жосуслик фаолиятим нимадан иборат бўлганини, менга қандай топ-шириқлар берилганини тилга олмадилар. Жо-сусни тутсаларда, унинг фаолиятини тафсилоти билан қизиқмасалар...» деб нола чекади. Ма-риям Султонмуродова ҳеч қачон Совет ҳоки-миятига қарши ҳаракат қилмаганлигини ва қилмаслигини таъкидлаб ўзининг вазият қурбо-ни бўлганлигини ёзади. 1949 йилнинг 30 авгус-тида ёзилган ушбу аризадан кўчирма (асли «Жиноятнома»га илова қилинган). Хоразм ви-лоят Ички ишлар бошқармаси тарафидан 2373 рақамли қўшимча мактуб тиркаб 1949 йилнинг 7 сентябрида Москвага жўнатилган.

Бу мактубга маҳкума жавоб олган-олмаган-лиги бизга қоронғу... Ўзинг учун ўл, етим, де-ганларидай Мариям яна ўзи ёнди, ўзи куйди, ўз ёғига ўзи қоврилди...

Ҳақиқат ўтда ёнмайди, сувда чўкмайди, дейди доно халқимиз. Яна, қирқ йилдан кейин бўлса ҳам ҳақиқат юзага чиқади — деганларини эшитганман. Сўнгги йиллардаги ошкоралик сиёсати шарофати билан шахсга сиғинишнинг оғир оқибатларини бартараф этиш борасида катта ишларга қўл урилди. Сталин даврининг қатли омига дучор бўлган миллионлаб кишиларнинг «Жиноятнома»си қайта кўрилабошланди. Мариям Султонмуродова СССР Бош Прокурори номига 1957 йилнинг 10 майда йўллаган аризасида тергов ташкилотлари ўзига нисбатан катта адолатсизлик қилганликларини, Совет Қонунларига хилоф иш тутганликларини, Олмонияга бориб ўқишга розилик берганидан ўзга гуноҳи йўқлигини баён этади: «Уйдирмадангина иборат мана шу «Жиноятнома» туфайли йигирма йил давомида азоб чекдим, ёлғиз менгина эмас, менинг фарзандларимдан тортиб иниларим, сингилларим, онамгача азобуқубатларга гирифтор бўлишди. Шунинг учун ҳам ишимни қайта кўриб чиқишингизни, ҳақиқат тантана қилишини истайман. «Жиноятнома»даги менинг шаънимга айтилган гаплар, кўрсатмалар ҳеч қандай фактга асосланмаган уйдурма ва тухматлардир. Шу сабабли менинг ишимни қайта кўриб, бу шармандаликдан халос қилишингизни сўрайман».

...Ойнинг ёруғ кунларидан унга ҳам насиб этди чоғи. Москвага йўллаган аризасидан бир наф чиқишидан умиди узилиб юрган кунларнинг бирида уни Хоразм область Давлат Хавфсизлиги қўмитасига чақирдилар. 1956 йилнинг 13 сентябри куни Мариям гувоҳ тариқасида сўроқ қилинди.

Яна ўша аввалги таниш саволлар. Лекин шу

савол-жавоб чоғидаёқ Мариям даврнинг ўзгарганини ҳис қилди. Энди илгаригидек фақат пўписа қилиб гапириш йўқ. Олмонияга қачон кетди, нега кетди, ким билан кетди, қаерда ва қанча ўқиди, кимлар билан ўқиди, кимлар билан танишди, қандай йиғинларда қатнашди, қандай уюшмага аъзо бўлди, «Туркистон талабалари» уюшмасини ким бошқаради?.. ва ҳоказо...

Мариям тергов давом этган кунлар мобайнида Олмонияда ўқиб юрган ёшлик вақтини қайта бошидан кечирди ва тергов сўнгида ҳеч қачон Советларга қарши ҳеч қандай ҳаракатда бўлмаганлигини, 1938 йилда ҳам, 1949 йилда ҳам ноҳақ қамалганлигини айтади.

Орадан бир ой ўтади. Мариямни бир ҳужжат билан таништирадilar. Ҳужжатни ўқиб охирига етганда Мариямнинг кўз ўнги қоронғилашади, юраги қинидан чиққудай бўлиб гупиллаб уриб кетди. «Жиноятнома»нинг 91-саҳифасидаги бу ҳужжат СССР Олий Суди ҳарбий ҳайъатининг ажрими эди. Саҳифа тепасида «махфий» деган ёзув. Юстиция полковниги Лихачев раислигида 1957 йилнинг 2 августида олиб борилган суд мажлисида шундай дейилди:

«Янги маълум бўлган ҳолатларга биноан СССР Олий Суди ҳарбий ҳайъатининг 1933 йилнинг 9 октябридаги ҳукми ва СССР Давлат Хавфсизлиги вазирлиги ҳузуридаги Алоҳида Мажлиснинг 1943 йилнинг 3 августидаги Мариям Султонмуродовага доир қарори бекор қилинсин ва унинг ҳаракатида жиноят йўқлиги учун тўхтатилсин».

Мариям бу ажрим билан икки ойдан кейингина, 1957 йилнинг 14 октябрида таништирилади. Озод этилганидан кейин яна икки ой тутқунликда юради шўрлик.

Ҳақиқат қарор топади. Лекин бунинг учун ўн тўққиз йил муддат ўтиши керак бўлади. Эссиз ёшлик... Эссиз хайф кетган умр...

Ажрим сўнгида Мариямнинг уйини тинтув қилиш чоғида олиб кетилган Дармштадт шаҳрида муаллимлар тайёрлаш семинариясини тамомлаганлиги ҳақидаги дипломи ва 1928 йилда Берлинда профессор Финкельштейннинг болалар шифохонасида олти ойлик ҳамширалик курсини тугаллагани ҳақидаги маълумотномани қайтариб сўраганлиги қайд этилади... ва шу кундан бошлаб Мариям Султонмуродова ўзини эмин-эркин ҳис қилади...

Лекин Мариямнинг сарсон-саргардонлиги бу билан поёнига етмади. Ишга жойлашиш учун ҳужжат керак. Ҳужжатлар эса тинтув пайтида олиб кетилган. Мариям ариза кўтариб Хоразм вилоят Давлат хавфсизлиги кўмитаси раҳбарига мурожаат этади. Бу аризасида у ажрим чоғида таъкидлаган ҳужжатларини ва меҳнат дафтарчасини қайтариб беришларини сўрайди. Аммо ҳужжатлар унга қайтарилмайди. Ҳужжатлар қайтарилмайдю, лекин ундан тилхат олинади. Бу тилхатда у 1956 йилнинг 3 декабри куни менга 1937 йилнинг 13 сентябри куни ҳибсга олинган чоғимда олиб кетилган ҳужжатларни орадан узоқ муддат ўтганлиги учун сақланиб қолмаганини эълон қилишди, дея имзо чекади.

Шу билан Мариямнинг Давлат хавфсизлик кўмитаси билан борди-келдиси ниҳоясига етган бўлса керак, деб ўйласангиз адашасиз. Мариям кейинчалик бу маҳкамага яна ариза йўллашга мажбур бўлади. Юқорида айтиб ўтилганлардан биласиз, уни журнал редакциясида ишлаб юрган чоғида — 1937 йилда ҳибсга олишган. Ўн йил қамоқ муддатини ўтаб қайтгач у, Янгибозор медицина пунктида ҳамшира бўлиб ишла-

ган. Эндиликда иш стажини тиклаш учун унинг 1949 йилда иккинчи бор ҳибсга олингунга қадар ҳамшира бўлиб хизмат қилганлиги тасдиқланиши керак эди.

Ахийри, 1958 йилнинг 21 марти куни Давлат хавфсизлик қўмитаси тарафидан маълумотнома юборилиб, унда 1949 йилнинг 30 мартада ҳибсга олингунга қадар Мариям Султонмуродова Урганч районидаги Янги бозор медицина участкасида ҳамшира бўлиб ишлаганлиги тасдиқланади. Мариям бу маълумотномани ҳам 1958 йилнинг 3 апрели куни тилхат бериб қўлга олди.

Бир инсонни ёмон отлиқ қилиш бунчалар осону, унинг номини поклаш, ҳаётга қайтариш қанчалар қийин...

Шунча машаққатлардан кейин ҳам Мариямнинг иши тўғри бўлмади — яна бир иш-калик чиқди. 1958 йилнинг 31 августида Давлат хавфсизлик қўмитасига яна мурожаат қилишга зарурат туғилди. Бу гал у, 1928 йилдан 1937 йилгача ҳамма ҳужжатларда фамилияси Султонова деб ёзилиб келганлигини, ҳибсга олиниб озод этилгунгача Султонмуродова деб ёзганларини, эндиликда шу икки фамилия бир одамга тегишли эканлигини тасдиқлашларини илтимос қилади. Маълумотнома Хоразм вилоят Давлат хавфсизлиги қўмитаси раҳбарига ёзилган мактубга илова қилиниб, Султонмуродовага тилхат билан топшириш кўрсатилган.

\* \* \*

Оналаримизнинг ҳикоясига қулоқ тутсам, қадимда Туркистон тупроғида турма бўлмаган экан. Чор Россияси Тошкентни истило этгач, биринчи турма Олой Бозори яқинида, ҳозирги тикувчилик фабрикаси ўрнида қурилган экан ва халқ уни Москва турмаси деб атар экан...

Менинг билишимча, тарихимизда то 1916 йилга қадар аёл киши ҳибсга олинмаган. Биринчи бор аёлларни Чор ҳокимияти ҳибсга олиб, Сибирга бадарға қилган. Уларнинг гуноҳи: фарзандларини, эрлари ва ака-укаларини мардикорликка беришни исташмаганлиги бўлган. Бадарға қилинган аёллар сувратини Ўзбекистон халқлари тарихи музейида кўрганман. Ўшанда 184 ўзбек ўлимга, 130 киши каторгага ҳукм қилинган. Улар орасида бадарға қилинган 18 ёшдаги Ойпарча Темирбоева билан Савринисо Аширбоева суврати кўз ўнгимда муҳрланиб қолган. Аммо, минг афсуски, Совет ҳокимияти ҳам ўзи ағдарган Чор ҳукумати изидан бориб, аёлларни қамоққа ташлаб, азоблади.

Мен ўзим кўрган «Жиноятнома» асосида Мариям Султонмуродованинг кечмишларини сизларга баён қилдим. Минг афсуски, бу ёлғиз Мариям Султонмуродова бошига тушган кўргиликлар эмас. Даҳшатли 1937 йилда «Халқ душмани» деган тавқи лаънатга тақалган онахонларимиз, опаларимиз қанчалигини аниқ билмасам-да, бир рақам келтираман, Ҳозирги «Саодат» ойномаси 1925 йилда «Янги йўл» номи билан чиқабошлаган ва 1937 йилларга келиб «Ёрқин турмуш» номида чоп этилган. Шу ойноманинг биринчи муҳаррири Тожихон Шодиева ва ундан кейинги муҳаррирларидан Собира Холдорова ҳамда адабий ходим Мариям Султонмуродовалар халқ душмани деган даҳшатли ном тақалиб турли муддатларга қамоқ жазосига маҳкум этилиб, Сибирнинг турли лагерларида қамоқ муддатларини ўтаб қайтдилар. Мариям билан Олмонияда бирга ўқиб, врач бўлиб қайтган дугонаси тошкентлик Ҳайринисо Мажидхоннова СССР Олий Суди ҳарбий ҳайъати тарафидан отишга ҳукм этилиб, отиб юборилган...

Бу сўнги сатрларни ёзаяпману, бу маҳкум-

ларнинг хайф кетган ёшлигига, хазон бўлган умрига аза тугган қалбимнинг дуди кўкка ўрлайди, ўзимни кўярга жой тополмайман. Алам-ли дилимда пайдо бўлган саволларга жавоб излайман: «Бундай кемтик тақдирли аёллар қанча бўлди экан?» Балким биладиганлар бордир? Улар ҳақида ёзмоқ керак... Ҳақиқатни ҳамма билмоғи керак...

Мариям Султонмуродованинг аччиқ тақдир, алданган умидлари ҳақидаги лавҳага ҳали нуқта қўйилгани йўқ. Унинг Урганчга қайтиб борганидан кейинги кечинмаларидан биз беҳабармиз. Бу бўшлиқни унинг қариндош-уруғлари, фарзандлари, ёр-дўстлари, қўни-қўшнилари, ёнма-ён ишлаган ҳамкасблари тўлдиришига умидвормиз.

Ёзинглар, азизлар, тортинмай, билганингизча ёзинг. Бу билан бир аламдийда юртдошимиз хотирасини тиклашда катта хизмат қилган бўласиз....

\* \* \*

Орадан кўп ўтмади. Урганчдан Мариямнинг ўғли Омон Султонмуродовдан мактуб олдим. Омон ўз хатида онаси, у оғир даврлар ҳақида ҳеч нима гапирмаганлигини, шу сабабли ўзи шоҳиди бўлган нарсалар ҳақидагина ҳикоя қилажagini ёзади. Омоннинг мактубидан билишимча, Мариям 1954 йилда оқланиб қайтгач Тошкентда ишга таклиф этганлар, аммо у ўзи туғилиб ўсган Чандир Қиёт қишлоғида онаси Дуржон Кўчиева бағрида яшай бошлаган. У даврларда ҳаёти жуда оғир бўлган: ҳеч ерда иш беришмаган. Неча-неча ташкилотлар остонасидаги сарсон-саргардонликдан кейин Урганч туманидаги Қораман қишлоғидаги табобат бўлимига ишга жойлашишга муваффақ бўлган. Ўша чоқлар Мариям дала шийпонидаги совуқ хона-



да ўғилчаси билан икки йил яшаган. Қатағон йиллари одамлар шу қадар юрак олдириб қўйганларки, унга ёрдам кўрсатишга ҳам айғоқ кўзлардан чўчиганлар.

Юқорида айтганимдек, унинг Олмонияда ўқиб олган ҳужжати ҳам, сургундалик чоғида ўқиб келтирилган дипломи ҳам тергов ташкилотларида қолиб кетган. Бу ерда эса дипломинг йўқ деб ишдан бўшатишга ҳам уринганлар. Шунинг олдини олиш учун Мариям кундузи ишлаб, кечаси ўғилчасини опичиб пиёда кечки ҳамширалик курсини битирган. Саккиз соатлик иш вақти тугагач ҳам, унинг ёрдамига муҳтож бўлиб ёлвориб келганларни ноумид қайтармаган, гўдак болам бор, ёлғиз қолиб кетади, деб важ-корсон кўрсатмаган. Айтадилар-ку ахир, қайси бандасини Аллоҳ суйса, унга одамларнинг ишини тушуриб қўяди, — деб. Шундай экан, Аллоҳ таоло ўзи суйган бандасини нега бунчалар қийнайди-я, деган ўйлардан қалбим ёнади.

Ҳа, Мариям кечани кеча демай, кундузни кундуз демай қўлидан келган хизматини ҳеч кимдан аямаган: «Кечалари ёрдам сўраб келишса, ухлаб ётган бўлсам, бир ўзимни ташлаб, уйғоқ бўлсам бирга илтижо қилиб келган кимса уйига пиёда кетаверардилар. Зим-зиё қоронғида пойу пиёда қайтаётганимизда қўрқиб йиғлаганларим ҳамон ёдимда. Аммо онам ботир эдилар, ҳеч нимадан қўрқмас эдилар, қийналганларини ҳам ҳеч кимга билдирмасдилар...»

Икки йилдан сўнг Мариям ўзи туғилиб ўсган Чандир Қиёт қишлоғида очилган табобат бўлимига ишга ўтди. Аввалига бу ерда мудира бўлди, кейинчалик то нафақага чиққунига қадар фельдшер бўлиб ишлади. Омонжон онаси ҳақида эслаб яна шундай дейди: «Ҳеч қачон ўзларини ўйламасдилар, бундай фидойиликни мен баъзан тушунмасдим. Онажон, зўрға юриб-

сиз, сал ўзингизни аянг, тинчгина ўтиринг, ахир ёшингиз ўтиб қолди, соғлигингиз ҳам яхши эмас, десам кулардилар. Рўзғор ишларини ўринлатиб қўйсам, дарҳол меҳрларини изҳор қилардилар. «Жонгинам болам! Сен адолатлисан, ҳамма ишни ақл кўзи билан қилишингга, қўлингдан келгунча инсонларга яхшилик қилажагингга ишонаман. Чунки сен менинг юрак меҳрим билан суғорилган гулсан. Гуллаб яшнайвер. Одамлар сени ўстирган онангга раҳмат десинлар!» — деб насиҳат қилардилар. Онам шундай бағри кенг инсон эдилар».

Мариям дардини тишида тишлади, ҳарқандай шароитда одамлардан яхшилигини аямади. Буни биров билди, биров билмади. Баъзи ўзини билмаган кимсалар унга надомат тошларини отди ҳам. Мана шундай юраги қўйган чоқларда Мариям дардини қоғозга тўкди. Унинг ўғли Омон онасининг ёзганларини менга йўллаган эди. Мариямнинг ёлғизликда битган дил изҳорини қисқартириб ҳавола қиламан. Бу Мариям Султонмуродованинг сўнгги дил изҳори:

«Жоним азобда қолди. Юрагимни очиб сўзлайдиган кимсам йўқ. Қалбимни қоғозга тўкиб солмоқчиман. Шу ниятда қўлимга қалам олдим.

Илгарилари мен давлат хавфсизлиги идораларида ҳаётни яхши билган, совет ҳокимиятига садоқатли одамлар ишлайди, деб ўйлар эдим. Шунинг учун бўлса керак, назорат қилиб туриш ҳолларига рўпара келганимда, бунда ҳеч қандай ёмонлик кўрмасдим. Ҳаётда шундай бўлиши керак, деб ўйлардим, буни тўғри деб тушунардим.

Менинг эса эҳтиёт бўлишга заруратим йўқ эди. Менинг виждоним пок эди. Мен берилиб, виждон билан меҳнат қилардим. Аммо, ҳеч қачон жиноят қилмаган эсамда, мени яна қамоқ-

қа ташладилар. О, қанчалар азобда қолганимни билсалар эди...

1954 йилда яна юртимга қайтиб келдим ва Қорамонда ишлай бошладим. Бу ерда ҳам атрофимни ўшандай одамлар қуршади ва менга аввалгидай азоб бериб, мазах қилабошлашди. Уларнинг баъзилари менинг тақдирим уларнинг қўлида эканини англадиб қўйишга уринса, бошқалари мен билан яқинлашишга, дўстлашишга ҳаракат қилишарди. Ўзларини яқин кўрсатиш учун ҳар хил гаплар қилишарди.

Масалан, бир киши 1958 йили, яқинда Ички ишлар министрлигида бўлганини, у ерда мен тўғримда суриштирганларини, ким билан яқинлигимни, нима дейишимни, сиёсат билан қизиқиш, қизиқмаслигим, газета ўқиш-ўқимаслигимни суриштирганларини сўзлади.

Суриштирса суриштираверишсин, менинг ҳеч қандай ёмон одамлар билан ошначилигим йўқ... Совет ҳокимиятига қарши бирор ёмонлик қилиш ҳаёлимга ҳам келмайди. Мен билан қизиқишса — қизиқаверишсин. Бу уларнинг иши.

Аммо, барибир, алам қиларкан кишига. Одамлардан уяларкансан. Бу алпозда яшамоқ қанчалар оғир!

Менга болалиқдан, виждонли инсон халқи ва давлати дардига малҳам бўлмоғи керак, деб ўргатишарди. У ўз ватанининг ижтимоий ҳаёти билан қизиқмоғи, партия ва ҳукуматнинг мақсади ва вазифалари нимадан иборатлигини билмоғи керак, дейишарди. Акс ҳолда, у юртининг ҳақиқий граждани бўлолмайди.

Матбуот — ижтимоий ҳаёт мактабидир!

Матбуот — совет кишиси учун энг яхши мактаб.

Матбуот — кишиларни олға ундовчи байроқ!

Шундай экан, менинг нега газета ўқишим мумкин эмаслигини тушунолмаيمان. Она юртида нима бўлаётганидан беҳабар киши унга қандай хизмат қила олади, ўз халқига қандай фойда келтира олади?!

Лекин шундай деб суриштираётган бўлишса, демак, ҳақиқатдан ҳам газета ўқимаслигим керакдур, дедим-да, уч йил мобайнида кўлимга газета ва журнал ушламадим. Лекин бундан сўнг ҳам менга ўша-ўша муносабатда бўлишгач, хато қилаётганимни, мени барибир ўз ҳолимга қўймасликларини англадим, бўлганча бўлар, деб қўл силтадим. Келаси 1960 йил учун кўпгина газета ва журналларга обуна бўлдим.

1957 йили мени оқлашган. Мендан бахтли одам йўқ эди. Ахийри орзуим ушалди! О, менинг хурсанд бўлганларим...

Ҳаётимда катта бир ўзгариш кутабошладим ва ахийри тўла ҳуқуқли совет граждани бўлман, деб ўйладим! Лекин афсус, кўп ўтмай ихлосим қайтди. Мен ҳамон назорат остида эканлигимни, шармисорлик тамғасининг юки ҳамон босиб ётганини англадим.

Мени Давлат хавфсизлик министрлигига чақирдилар. Ижтимоий чиқишимни, қариндошларимнинг, бирга хизмат қилганларнинг исмини ва манзилгоҳини ёзиб беришни буюрдилар. Мен итоат қилдим ва бунинг натижаси тезда ўзини намоён этди. Менинг шахсимга қизиқиш янада ортгани сезилиб турарди. Ўша кунларда мен ўзимни яна терговда ҳис этдим. Яна тинчлигимни йўқотдим, ўзимга ишончим қолмади.

Мен билан бирга хизмат қиладиганлардан бирини чақиртиришди. Шундан кейин у менга менсимай қарайдиган бўлди...

Ўзлигингни пастга уришларини ҳис этиш-

дан ортиқ алам йўқ оламда. О, бу қанчалар оғир!

Агарда менга юқоридан, масхаромуз қараётган мана шу кимсалар мендан яхшироқ ва мендан покроқ бўлишганда-ку, балки бу ҳолга чидардим. Лекин асло ундай эмас эди. Аксинча, уларнинг бири чайқовчилик, ичкиликбозлик, бузуқлик қиларди. Иккинчиси, бировнинг эрини тортиб олган, фарзандини отасиз қолдирган эди. Ўз юрти қонунларини ҳурмат қилмаган кимсани виждонли киши деб бўладими, унга ишониб бўладими? Виждон қонунини писанд қилмаган, бошқаларнинг кўз ёшларини оқизган кимсани инсон деб бўладими?

Ҳақиқий инсон ҳамма ерда: ҳаётда ҳам, ишда ҳам соф виждонлик бўлмоғи даркор.

Ўзлари аслида чиркин табиатли, пасткаш одамлар мени кўрқитишар, осуда ҳаётимни захарлашга уринишарди. Бир куни ўша аёл гўё менга ачинган бўлиб, ўғлимни ишончлироқ жойга жойлаштиришни маслаҳат берди, «ким билади, ҳали бошингизга не савдолар тушади», — деди. Мен унга ўғлим ҳали ёш бола, менга бирор кори ҳол бўлишига ақлим бовар қилмайди, дедим-да, хотиржам ишлай бошладим. Шунда у менга: истехзоли тиржайиб: «Жуда иродангиз кучли экан» — деди.

Ҳеч бўлмаса мана шу кимсалар мени тинч кўйишса эди, кўнглимга ғулу солишмаса эди. Йўқ, улар менга сира тинчлик беришмас, оловга мой кўйишарди. Менга ўзларини яқин кўрсатиб, ҳар нималарни очиқ гапирган бўлиб қандай мақсадни кўзлашяпти экан?

Яна бири менга уни тергов қилиб мен тўғримда суриштирганларини, менинг француз тилини ҳам билишимни, лекин бунга яширишимни айтганларини сўзлади. Нима

учун менга ишонмайдилар? Унинг ёлгон гапирмаганини мен Хавфсизлик идораси офицери билан сўзлашганимда англадим. У менга, унда француз тилида ёзилган хат борлигини, ўқиб беришимни сўради. Майнавозчиликни қаранг! Тавба!

Мендан, бирга ишлаганлар ҳақида суриштиришганида бир аёлнинг номини тилга олгандим. Орадан бир мунча вақт ўтгач у менга:

— Афсус. Улар сизни тинч қўймайдиган кўринади, — деди.

Яқинда эса, орамиз бузилиб қолганда:

— Шунини билиб қўйингки, тақдирингиз менга жудаям боғлиқ! — деди у зарда билан.

Ҳар кимса кайфиятига қараб мен билан хоҳлаганича гаплашиши мумкин экану мен тилимни тийиб индамаслигим керак...

Ҳамма вақт шундай. Ҳатто ҳамширалик мактабида ҳам бир айғоқчи бўлгучи эди. Қаерга борсам рўпарамдан чиқаверарди. Наҳотки мен шунчалар хавфли жиноятчи бўлсам, наинки мени назорат қилиш учун бутун бошли штат белгиланса? Наҳотки шундай қилишга улар ҳақли бўлсалар?

Давлат манфаати мени назорат остида тутишни талаб қилди дейлик, нега улар буни намойиш қиладилар? Нега энди мен буни билиб туришим керак? Ёки мени кўрқитишмоқчимми? Нега? Агар менинг поклигимга заррача бўлсада ишончсизлик бўлса, мени оқламасликлари мумкин эди-ку?!

Мана шундай хаёллар мени қийнайди — жоним азобда қолди.

Мен бутун умр виждон билан яшадим ва меҳнат қилдим. Ҳаётимда бир бор беихтиёр қоқилган бўлсам, наҳотки қайта-қайта йиқи-тиш, қайтиб қад ростлайолмайдиган қилиб

ташлаш керак? Наҳотки менга қўл чўзиб тўғри йўлга бошлаш мумкин эмас? Наҳотки мени ҳам халқимизга хизмат қилиш учун барча қатори тўғри йўлга бошлаш мумкин эмас? Нега энди менинг дилдираган қалбимни илиқ сўз билан, дўстона эътибор билан иситиш мумкин эмас?..»

\* \* \*

Бу сатрларни ўқиганимда Мариямнинг аччиқ қисмати қиймалаган дилимга таскин берман, унинг сабри, бардоши, қаноатига таҳсин ўқийман. Яхшиямки Мариямлар бор дунёда, бундан кейин ҳам бўлади. Ҳаёт давом этади. От босмаган жойларни той босади деганларидай, Мариямга насиб этмаган яхши кунларни унинг қизи Анор, ўғли Омон ва уларнинг фарзандлари кўради...

## **КЎЗЛАРИДА КЎРДИМ СЎНГСИЗ МУНГ**

Унинг кўзларига сира қарай олмайман. Кўзларига кўзим тушса, юрагим увишиб кетади — қандайдир бир оғриқ юриб кетади томиримда. Негаки, унинг боқишларида сўнгсиз мунг кўраман. Назаримда у, кўзларини кўзимга тикканча: «Қай гуноҳим учун мени бу азобларга солдилар?» — дея сўроққа тутаётгандек кўринади. Ҳар гал суратига кўзим тушганда юрагим бир орзиқиб кетадиган бу аёл Собира Холдорова — менинг ҳамкасабам, мен хизмат қилган «Саодат» журналнинг собиқ муҳаррирларидан бири («Саодат» журнали 1925 йилда «Янги йўл» номида ҳафталик газета тарзида чоп этилган). Собира Холдорова



**Собира Холдорова.**

1928—1930 йилларда ана шу «Янги йўл» журналида муҳаррирлик қилган.

Собира Холдорова ҳақида мен илк бор 1975 йилда «Саодат» журналининг 50 йиллик юбилейига ҳозирлик кўраётган чоғимизда, тарихимизга доир материалларни ўрганиш жараёнида эшитганман. Айни ўша чоқлар мен бу аёлнинг бошига тушган савдолардан хабар топдим.

Ҳали ўзим ҳеч қачон кўрмаган ва танимганим бу аёл қисмати юрагимни ўртади, қалбимни сирқиратди. Журналимиз тарихига доир тайёрлаётган рисоламиз учун барча собиқ муҳаррирларимиз суратини қатор териб қўйган чоғимизда Собира Холдорованинг суратдан туриб мунгли боқиши мени ҳайратга солди. Наздимда бу мунг абадул-абад чўккан эди унинг кўзларига... Кўзларигагина эмас, унинг қалби тубига ҳам чўккан эди бу мунг...



Аввал қалбига чўккану, сўнг кўзларида намоён бўлган...

Мана бугун мен яна унинг кўзларига тикиляпману, у билан унсиз суҳбатлашаман. Тўғрироғи, саволга тутувчи ҳам, жавоб қайтарувчи ҳам менинг ўзим (жавобларимнинг ҳақиқатлиги ҳужжатлар билан тасдиқланади).

Қўлимда Собира Холдоровани Ўзбекистон ССР Жиноят Мажмуасининг 63 ва 67-моддалари билан айблаш бўйича тўпланган ҳужжатлар. Бу иш 1937 йилнинг 22 сентябридан бошланиб, 1939 йилнинг 29 мартда тугатилган. «Бир ярим йил тергов берипти-я», — деган нидо янграйди дилимда. Юқорида айтганларимни ҳужжатлар тилига кўчирадиган бўлсак, «Жиноятнома»нинг 41-саҳифасидаги айблов хулосасида қуйидагиларни ўқиш мумкин: «1907 йилда Чуст районининг Чуст қишлоғида туғилган, СССР граждани, партиясиз, 1927 йилдан 1937 йилгача ВКП(б) аъзоси бўлган ва синфий хушёрлигини йўқотгани ҳамда аксилинқилобий унсур билан алоқа боғлагани учун (бу ерда гап унинг эри Мўмин Усмонов ҳақида кетаяпти), партиядан ўчирилган, қамалгунга қадар Тошкент шаҳар, Киров район партия кўмитаси котиби бўлган Собира Холдорова Ўзбекистон ССР Жиноят мажмуасининг 63 ва 67-моддалари бўйича айбдор саналади.

Ушбу иш кўриш учун СССР ИИХК ҳузуридаги Алоҳида Мажлисга йўллансин». Мазкур ҳужжатга шу соҳанинг казо-казолари имзо чекишган. Саҳифанинг сўнгида яна шундай ёзув бор:

## МАЪЛУМОТНОМА

*Айбланувчи Холдорова (1937 йилнинг 22 сентябридан бошлаб қамоқда. Ички ишлар халқ*

*комиссарлигининг ЎЗСАЗ ЛАГи ЦИЗОсида сақланмоқда. Иш бўйича ашёвий далиллар йўқ.*

ИИХК ДХБ

оператив вакили

Кўриб турибмизки, ҳеч қандай ашёвий далилларсиз ҳам, гуноҳини исбот қилиб ҳам улгурмасданоқ бир инсонни қамаб юборилса бўлаверар экан. Собира Холдоровага доир иш билан танишган чоғимда аллақанча саволлар қалбимни ўртади. Тергов материаллари қалбимни қанчалар алғов-далғов қилган бўлса, дилимда жўш урган ҳис-туйғулар, бошимни ғовлатган фикр-ўйлар шунчалар айқаш-уйқаш...

Жумҳуриятимизнинг, наинки жумҳуриятимиз, балки собиқ СССР халқининг ёшию қариси учун бирдай даҳшатли 1937 йил! Неча-неча зиёлиларимиз, маданият арбобларимизнинг ёстиғи қуриган бу йилларда. Уларнинг кўплари Чита, Омск, Соловки, Қозон, Туман, Красноярск ва Ёқутистон турмалари, лагерларида азоб чекканлар.

Азиз ўқувчи, сиз ҳозир айблов хулосаси билан танишдингиз. Энди Сизга «Жиноятнома»нинг биринчи саҳифасини очаман. Унда 1937 йилнинг 20 сентябри куни шўроларга қарши ташкилот аъзоси бўлган Собира Холдоровани эри Мўмин Усмонов билан бирга аксил шўровий иш олиб боргани учун ҳибсга олиш ва Тошкент турмасига қамаш ҳақида қарор бор.

Жумҳуриятимизда хотин-қизлар матбуотининг вужудга келишида ўз ҳиссасини қўшган биринчи журналист аёл Собира Холдорова босиб ўтган ҳаёт йўли, унинг аччиқ қисмати ҳар саҳифани варақлаганим сайин бутун чалкашликлари билан кўз ўнгимдан бир-бир ўта бошлайди...

Мана унинг тергов анкетаси. Мен ундан Собира Холдорованинг 1907 йилда Чустда камбағал деҳқон оиласида дунёга келганини, 1921 йилгача яъни ўн тўрт ёшга тўлгунча интернатда тарбияланганини, ўқигани, ўрта маълумот олгани, коммунистик партия сафига кирганини билман. Оиласида 12 ёшли ўғли Пўлат ва беш яшар қизи Манзура, қари онаси Комила бор. Эри Мўмин Усмонов аксил инқилобчи саналиб ундан хиёл олдинроқ қамоққа олинган...

Бир хонадондан ҳам ота, ҳам она ҳибсга олинса, болаларнинг ҳоли нима кечади?!

1937 йил шундай даҳшатли йил эдики етим қолаётган болалар тақдири нима бўлиши ҳеч кимни қизиқтирмасди — етим учун етимхона бор, деб қаралган у пайтларда: икки болани етимхонага жўнатдилар, Эр-хотинга тегишли мулк, ҳар бириники алоҳида-алоҳида хатга олиниб, онаси билан болаларининг кийим-боши, кўрпа-ёстиғию, гўшт қиймалагичдан тортиб қошиққача мусодара қилинди ва ИИХ Комиссарлигининг тегишли омборхоналарига ташиб кетилди... Бўлаётган бу қонунсизликларнинг бари наинки жумҳурият, балки Совет Иттифоқи номидан, гўё халқ саодатини кўзлаб қилинган...

Азиз ўқувчи, бу ёзаётганларим балки, сизга икир-чикир бўлиб кўринар, лекин буни атай таъкидлаб ўтмоқчиман, зеро уйда кекса она, норасида икки гўдак қолаёпти-ю, лекин ИИХ Комиссарлигининг «Хушёр»ходимлари болалар дўпписидан тортиб велосипедгача, самовардан тортиб чит кўйлаққача хатлагандилар. Собира Холдорованинг хатланган рўзғор буюмлари рўйхатига қараганимда, ўша чоқларда Жумҳуриятимиз зиёлиларининг ўрта ҳолгина яшаганларига амин бўлдим, ҳеч қайси бирининг мол-мулкка ҳирс қўйганини сезмадим. Уларнинг деярли ҳаммалари мамлакатда рўй бераётган

Ўзгаришлар халққа фаровонлик олиб келишига катта ишонч билан яшар, яхши кунларга тезроқ етмоқ учун бор кучини сарф қилиб, кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлардилар.

Аммо давр тақозосига кўра ҳибсга олинган Собира Холдоровани советларга қарши ташкилотга аъзоликда, ғоявий фронтда зараркунандалик қилишда айбладилар.

Унинг айби нимадан иборат эди?!

ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Холдоровага эълон қилган 1939 йилнинг 26 мартадаги қарорида шундай дейилганди: «Тергов Собира Холдорованинг Ўзбекистонда барбод этилган аксил шўровий ўнг троцкистлик ташкилот аъзоси бўлганини аниқлади. У Ўзбекистон КП(б) Марказий Кўмитасининг собиқ саркотиби, ҳозирга келиб отиб юборилган халқ душмани Акмал Икромов раҳбарлигидаги аксил шўровий миллатчи, ўнг троцкист ташкилотга аъзо бўлган. Шу уюшма топшириғига кўра ғоявий фронтда зараркунандалик қилган. Марксизм-ленинизм классиклари асарларини ўзбек тилига нашр этиш ишига зарар етказиш ниятида Холдорова 1932—34 йилларда эри Усмонов билан биргаликда ўртоқ Сталиннинг «Ленинизм масалалари» асарини бузиб таржима қилган ва 30000 нусхада чоп этган. Ахир оқибатда сиёсий хатолари туфайли бу китоб савдо ташкилотларидан йиғиштириб олинган ва натижада давлатга 144,782 сўм 82 тийин зиён етказган»...

Худди шу куни, яъни 1939 йилнинг 16 мартада Собирани терговга чақирадилар.

Терговчи савол беради: «Сизга ЎзССР Жиноят Мажмуасининг 63 ва 67-моддаларига кўра: аксил шўровий миллатчилик ташкилоти аъзоси сифатида, шу ташкилот топшириғи билан ғоявий фронтда зараркунандалик иши олиб бо-

ришда айбланасиз. Ўзингизни айбдор ҳисоблайсизми?

Жавоб: Аксил шўровий миллатчилик ташкилотига алоқадорликда ўзимни айбдор ҳисобламайман. Аксил шўровий миллий ташкилотга алоқам йўқ...»

Холдоровага доир «Жиноятнома»ни ўрганганимда қонунларимизнинг шавфқатсизлиги ларзага солди мени. Гап шундаки, тергов давомида руҳий дардга чалинган Собировани шифохонага йўллайдилар. Бу табиий ҳол албатта. Лекин негадир унинг онаси билан учрашувга ижозат сўраб берган аризаси қондирилмайди. Нега? Ахир руҳий дардга чалинган кишини даволаш учун энг аввал унга руҳий хотиржамлик кўл келмайдими?

Жумҳурият руҳий шифохонаси директори Матюхиннинг 1939 йилнинг 4 июни куни 38 рақами билан ЎзССР ИИХКга йўллаган хатда, шифохонага текшириш учун йўлланган маҳкума С. Холдорова онаси ва болалари билан учрашиш истагини билдириб, бунини сизга етказишни талаб қилаяпти. У 12 июндан бошлаб, учрашувга ижозат берилганга қадар очлик эълон қилди, — деб ёзади.

Бояқиш аёл! Фарзандлари тақдири, кекса онаси тақдири бу дардман аёлни қанчалар ташвишлантирган... Ахийри, ўн еттинчи июнга келиб Холдоровага оиласи билан учрашувга ижозат берадилар.

Яна бир «Иш» бор. «Холдорованинг мулкига доир» деб юритилади. Шу «Иш»нинг 22—23-саҳифасида, (1939 июлида бўлса керак) Собира Холдорованинг ўғли Пўлат Усмоновнинг Сталинга ёзилган мактуби тиркалган. Халқлар отасига умид ва ишонч билан ёзилган бу аризани бирор кимса раҳми келиб айтиб туриб ёздирган бўлса керак) олти ёшли синглиси билан «Ўртоқ»

фабрикасида 120 сўм маош олиб ишлайдиган бувиси қарамоғида қолишганини, мол-мулклари мусодара қилиниб, қийналиб қолганликларини айтиб, онасининг қисматини енгиллаштиришни сўрайди. Бечора бола халқлар отасининг шафқат қилишига ишонган бўлса керак. Аммо унинг хати онасининг «Жиноятномаси»га тиркаб қўйилишини у қаёқдан билсин.

1938 йилнинг 26 декабрида маҳқумнинг онаси Комила Қўзибоева Ички ишлар халқ комиссарлигига ариза йўллаб, моддий аҳволи оғирлигини, 115 сўм ойлик билан икки норасидани боқиш мушкуллигини, қизи тарафидан содир қилинган гуноҳга болаларнинг алоқаси йўқлигини айтиб, ўзига ва болаларга тегишли буюмларни қайтариб беришни сўрайди.

Унинг аризаси оқибатсиз қолдирилмади. 1939 йилнинг 13 январ куни ИИХ Комиссарлиги қарор чиқаради. Бу қарорга кўра:

1) Комила Қўзибоева сўраган буюмлар қайтариб берилиши кўрсатилади.

2) Собира Холдорова ва эри Мўмин Усмоновга тегишли буюмлар (иккинчи рўйхат билан) давлат фондига топширилиши таъкидланган.

3) Собира Холдорованинг шахсий буюмлари ИИХК АХОсининг махсус омборида вақтинча сақлашга топширилсин, дейилади.

Маҳқуманинг онасига қайтариб бериладиган буюмлар рўйхатини ўқиб юрагим уюшиб кетди. Ахир ота-она ҳибсга олинган бўлса, норасида фарзандлари ва кекса онада нима гуноҳ? Оналари қамалгач, болаларининг ҳаёти тугаши керакми? Тирик жоннинг яшаши учун кундалик ҳаётда зарур бўлган оддий буюмларни ҳам тортиб олиш керакмиди? Куйида эътиборингизга Холдорованинг онасига қайтарилган

буюмлар рўйхатини келтираман — ўзингиз хулосага келақолинг.

1. Кулранг чит — 10 м.
2. Кўк сатин — 7 м.
3. Ўзбекча чит кўйлак — 2 дона.
4. Камзул — 1 дона.
5. Жигар ранг пальто — 1 дона.
6. Кўрпа — 4 дона.
7. Сўтилган кўрпа — 1 дона.
8. Калиш — 1 дона.
9. Велосипед — 1 дона.
10. Болалар каравоти — 2 дона.
11. Болалар кўрпаси — 2 дона.
12. Одеял — 1 дона.
13. Болалар ич кийими.
14. Дўппи — 1 дона.
15. Қизил Бахмал — 2,5 м.
16. Самовар — 1 дона.
17. Сандиқ — 1 дона.
18. Фотоаппарат — 2 дона.
19. Штатив — 1 дона.
20. Биллиард — 1 дона.

Кундалик ҳаётда ҳар бир тирик жон учун зарур бўлган шу буюмларни аввало, ўйламай-нетмай қандай қилиб хатладилар экан! Қайтариб бериш учун эса қанча асъаса-ю васваса керак... «Астағфирулло!» деб ёқа ушлайсан киши. Бу сатрларни ўқиб муаллиф намунча икир-чикирга ўралашиб қолмаса дегувчилар ҳам бўлиши мумкин. Бугун бизга икир-чикир бўлиб кўринган нарсалар ўша узоқ 1937 йилларда тиркликнинг мазмуни эди. 1933 йиллардаги бутун мамлакатда неча миллион аҳолини қирғин барот қилиб олиб кетган қаҳатчилик ва очарчилик йилларидан сўнг халқ эндигина қаддини тиклаб келаётган чоқлар. У қаҳатчилик ва очарчиликларни биз кўрганмиз, бошқа ҳеч кимга раво кўрмаймиз. Ана шундай оғир пайтларда,

«фарзандлар оталар учун жавоб бермайди» деб турилсада, кекса аёл ва икки норасиданинг бошига кийишга дўпписини, устига ёпишга кўрпасини қолдирмай шип-шийдам қилиб чиқиб кетишса... Шундай қилишларига сира ақлим бовар қилмайди-ю, лекин Ички ишлар халқ комиссарлиги маъмурий хўжалик бўлими катта инспектори имзо чеккан рўйхат қўлимда турибди.

Қизи билан куёви советларга қарши ҳаракатларда айбланиб қамалган Комила опанинг икки етимни едириб-ичириб, тарбиялашдан ташқари ҳам ташвишлари кўп. Бу югур-югурлар орасида тинтув пайтида олиб кетилган 1560 сўм пул ва беш минг сўмлик давлат заёмини қайтариб олиш йўлидаги саъи ҳаракатлари ҳам тинка мадорини қуритади. Бу орада 1939 йилнинг 9 октябрида Пўлат Ички ишлар халқ комиссари Саджайга ариза ёзиб, ўша хатланган пул ва заёмни қайтаришларини сўрайди. Ариза неча қўллардан ўтади, унинг орқасига кимдир қора қалам билан (қв. 574, 1937 йилнинг 10 октябри 5205 сўм, «Мозер» сериясидаги қўл соат N 702470 деб ёзиб қўйибди).

Бу аризага жавобан 1939 йилнинг ноябрида тайёрланган хулосада:

«Собира Холдоронинг ишонч хатига биноан унинг онаси Қўзибоевага болалари таъминоти учун бир минг юз сўм пул берилсин» деб «марҳамат» қилинади-да «5000 сўмлик облигациялар ва 702470 рақамли кумуш «Мозер» соат иш кўрилиш мобайнида сақлаш учун ЎзССР ИИХК Молия бўлими кассасида сақланишга қўйилади.

Ҳа, ҳаммаси рисоладагидай — рўйхатсиз игна ҳам эгасига қайтарилмайди.

Бу орада Собира Холдоровага алоқадор «жиной иш» кўрилмай у турмада азоб чекиб



ётади. Комила опанинг Ички ишлар халқ Комиссари Саджайга 1939 йилнинг 15 декабрида йўллаган аризасида, қизи Тошкент турмасида ётганини, икки йилдан ортиқ тергов кетаётгани — қачон тугаши ноаниқлигини, қизи айбдор бўлса, терговни тезлатиб суд қилишларини сўрайди ва ариза сўнгида тергов қизининг бегуноҳлигини аниқлашига ишонч билдиради.

Бечора маҳкуманинг зиммасига кўйилган гуноҳ нимадан иборат эди? Бу ҳақда ҳужжатларга муурожаат этамиз.

1937 йилнинг 20 сентябри куни Собира Холдорова ҳибсга олинишидан икки кун бурун, Ички ишлар халқ Комиссарлиги Давлат хавфсизлиги қарорида шундай дейилади: «Мен, Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Давлат хавфсизлиги бошқармаси 1907 йилда туғилган, партиясиз — ёт унсур билан алоқаси учун партия сафидан чиқарилган, Фрунзе кўчасидаги 35 уйда истиқомат қилган Собира Холдорова ҳақидаги материални ўрганиб чиқдим.

Аксил инқилобий миллатчилик ташкилоти аъзоси Мўмин Усмоновнинг рафиқаси бўлмиш Собира Холдорова у билан бирга аксил инқилобий ҳаракат олиб борган. Шунга кўра қарор қиламиз: Собира Холдорова ҳибсга олиниб, Тошкент турмасига қамалсин». Қамаш учун чиқарилган қарорда Собира Холдорованинг аксил инқилобий ҳаракатлари нималарда кўрилганлиги ҳақида эса лом-мим дейилмайди.

Шу билан бир инсоннинг ҳаётига чизик тортилди. Собира Холдорова 1940 йилда СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги алоҳида мажлиси қарори билан 5 йил муддатга Ёқутистонга бадарға қилинади. Бизда шундай бўлган: бир одамнинг номи ёмонга чиқдими — тамом, суроби тўғри бўлгунча кетига тушилади. Собирани 1942 йилда қайтиб келганидан кейин ҳам

тинч қўймаганлар. 1949 йилнинг майида уни яна Тошкентдан бадарға қилдилар. Бу орада у яна руҳий шифохонага тушиб қолди ва уч ой даволанди. Лекин ҳали шифо топиб улгурмасидан Тошкентдан 50 километр нарига жўнатилди. Шу кетганича амнистиядан кейингина қайтиб келди. Собира Холдорова ўзининг ноҳақ маҳкум этилганини, оқлашларини сўраб 1943 йилдан то 1949 йилгача ССР Олий Совети ва СССР Ички ишлар вазирлигига бир неча бор ариза ёзди. Лекин аризалари оқибатсиз қолиб кетаверди...

Орадан яна етти-саккиз йил ўтиб кетди. Ахийри, ҳақиқат қарор топди, 1956 йилнинг 22 июнида Туркистон Ҳарбий округининг ҳарбий трибунали Собира Холдорованинг ишини қайта кўриб чиқди. Подполковник Гуськов раислигида, Адлия подполковниги Шербаков, адлия полковниги Иванов аъзолигида ажрим чиқарди. Ажримда шундай кўрсатилади:

«...Холдорова иши бўйича тергов холис олиб борилмаган, қонунга хилоф равишда айб-лашга уринилган. Холдорова ҳибсга олингандан кейин орадан ўн етти ой ўтгачгина унга айбно-ма эълон қилинган.

Бу гал тергаётганлар аввалги терговчилар ва суд ҳайъати кўзини кўр, қулоғини қар қилиб эътибор қилмаган кўрсатмаларни инобатга оладилар. «Бўлар экан-ку!» — деб юборасан беихтиёр.

Яна ажримга муурожаат этаман:

«Дастлабки терговда Холдорова ўзининг советларга қарши миллий ташкилотга аъзолигини қатъиян инкор этиб, ўзини фақат Сталиннинг «Ленинизм масалалари» китобини ўзбек тилида хатолар билан чоп этишда айбдорлигини тан олади. КПСС Марказий Кўмитаси котибига ёзган шикоятда ҳам, 1956 йилнинг мартидаги

терговда ҳам Холдорова аксилинқилобий фаолиятидаги айбини қатъиян инкор этган...»

Яна: экспертизанинг хулосасига қараганда Холдорова таржима қилган китобда дарҳақиқат кўпгина терминлар нотўғри таржима қилинган, бир қатор хатоларга йўл қўйилган. Бу ҳол таржимонларнинг рус ва ўзбек тилини яхши билмаганликлари, етарли назарий тайёргарликлари бўлмаганлиги, шунингдек иш олиб борган соҳаларини яхши билмаганликларидан келиб чиққан», — дея кўрсатилади. Мана бу гал ҳақиқатни гапирдилар. Дарҳақиқат, китоб таржимасидаги хатолар атайлаб қилинган зараркунандалик бўлмай, юқорида санаб ўтилган сабаблар оқибати эди. Бу хато учун дунёга атиги бир бор келадиган инсоннинг жонига бунчалар жафо қилиш, инсофдан, одамгарчиликдан эмас.

Ана шу юқорида санаб ўтилган ва яна бошқа қатор ҳолатлардан келиб чиқиб, СССР ИИХ Комиссарлиги ҳузуридаги алоҳида мажлиснинг 1940 йил 5 декабридаги Собира Холдоровага доир қарори бекор қилинади. Бу ажримга иш бўйича раис, адлия подполковниги Гуськов имзо чекади.

Ҳақиқатнинг қарор топиши ўн тўққиз йилга кечиккан эди. Собиранинг ўн тўққиз йиллик ҳаёти ҳасрат-надоматда азоб-уқубатда ўтиб кетди. Бу кунларни бошқаларга кўрсатмасин, бошига тушганларга эса тўзим берсин худойим.

Бу азоб-уқубатлар ўз асоратини қолдирди, албатта, 1940 йил 5 декабридаги қарор бекор қилингани ҳақидаги маълумотномани Собирага йўллаганларида у бетоб эди. 1956 йилнинг 30 июнь куни бу ҳужжатни унинг ўғли Пўлат имзо чекиб бир нусхасини олиб қолади, иккинчи нусхаси орқасига катта лейтенант: «Холдоронинг ўғлининг айтишига кўра С. Холдорова 1956 йилнинг 20 майидан шу кунга қадар Тош-

кентдаги руҳий шифохонада даволанаяпти», — деб ёзиб кўяди. Маълумотноманинг ён томонида бошқа ёзув: «Холдоровага унинг иши тўхта-тилганини хабар қилишга ижозат бўладими, деб сўраш лозим. 1956 йил 5 декабрь, Собира Холдорованинг ўғлига маълумотномани топширганлардан бери ҳам тўрт ой ўтибди-я! Шум хабарни етказишлари осон экан-ку, хуш хабарни етказишни бунчалар орқага сурмасалар...

Бошга тушганни кўз кўрар экан. Бошига не-не кўргиликлар тушса ҳам Собира ҳаётда умид билан яшади. Унинг ҳаётнинг аёвсиз бўронларидан ҳам кўксини ғоз тутиб юришининг сири бор эди. У бутун орзу-умидларини фарзандлари Пўлат ва Манзура билан боғлаган эди. Яратганга шукур, фарзандлари инсофли, тавфиқли, илмли ва меҳрибон чиқишди. Ўғли Пўлат кўнгилли бўлиб фронтга кетди, жанг қилди, жароҳатланиб қайтди, уч фарзандни камолга етказди. Унинг Темур, Саида ва Комил исмли уч фарзанди бор — учови ҳам олий маълумотли. Қизи Манзура ядро физикаси бўйича йирик мутахассис — жумҳуриятимизда аёллар ичида ягона физика-математика фанлари доктори. Манзуранинг қизи Лайло — рассом. Аммо афсуски, Собирага болаларининг роҳатини кўриш насиб этмади, у ҳаётдан кўз юмди. Бироқ от босмаган ерларни той босади деганларидек, Собира кўрмаган яхши кунлар унинг фарзандлари ва набираларига насиб этсин...

Шу ерга келганда куни кечагина бўлиб ўтган бир воқеани эслайман. Қатл этилган сиёсий маҳбусларни ёд этиш куни — 1991 йилнинг 30 октябрида ёшлари саксон атрофида бўлган бир гуруҳ собиқ сиёсий маҳбуслар ва отиб юборилган маҳбусларнинг ёши олтмишдан ошган фарзандлари собиқ Москва турмасида бўлдик. (Олой бозори ёнбошидаги ҳозирги «Юлдуз»

фирмаси). Бу фабрика ҳовлиси тўри томон юрсангиз, собиқ турма биносининг бир қисми сақланиб қолганини кўрасиз. Ҳозир омборхона вазифасини ўтаётган бу бино ичида авваллари «ўлим камераси» ва энг катта «биринчи камера» ва яна қатор камералар ҳамон бор. Собиқ маҳкумларнинг ҳикояларига кўра худди шу бинонинг ертўласида якка сақланадиган камералар бўлган экан. (Биз бу ертўлага ҳам тушдик — ҳозир у ерда ишдан чиққан мебеллар ва яроқсиз асбоб-анжом тиқиштириб ташланган). Собиқ сиёсий маҳбуслар бизга яна шу бинонинг ўнг ёнбошидаги эни бир метр келадиган баланд деворни кўрсатишди ва отувга ҳукм этилган маҳбуслар шу девор тагида тун қоронғусида отилганини, ўқ овози ва маҳкумларнинг фарёди эшитилмаслиги учун айни пайт тракторларни тариллатиб қўйиб ҳукми ижро этганликларини, сўнг шланг билан қонни ювганликларини сўзлаб беришди.

Шу куни биз, собиқ сиёсий маҳбусларнинг бир гуруҳ фарзандлари шу девор тагида шамлар ёқиб, гулчамбарлар қўйдик. Менимча, собиқ турманинг омборхона қилиб қўйилган бу биноси фабрика тасарруфидан чиқарилмоғи, ўша 1930 йилларда қай ҳолатда бўлса, шундайлигича тикланиши ва мустақиллик учун кураш йўлида берган қурбонларимиз ёдномасининг кўзлардан пинҳон тутилган бир саҳифаси бўлиб тарихимизга кирмоғи керак. Бу ерда махсус музей ташкил этилиши ва у жумҳуриятимиз фуқароларига ҳаёт сабоқларини эслатиб турувчи бир зиёратгоҳга айланмоғи даркор. Халқимизнинг неча-неча сара фарзандлари қони билан бўялган турма деворларига мармар ёдномалар ўрнатилиб, теварак-атрофида гулзор барпо этилмоғи, мустақил давлат деб эълон этилган жумҳуриятимиз фуқароларининг қалбида сиёсий маҳ-

буслар ёди абадул-абад муҳрланмоғи керак. Зеро, у маҳкумлар ва маҳкумалар шу элнинг онгли, зийрак, уйғоқ фарзандлари эдилар. Биз, уларнинг зурриётлари уларга муносиб авлодлар эканлигимизни амалда кўрсатмоғимиз жоиз. Олдда мустақиллик учун меҳнат ва кураш кутадди ҳар биримизни. Мустақилликни мустаҳкамлашда ҳар биримизнинг ҳиссамиз бўлмоғи керак.

Шулар ҳақида ўйларканман бирдан хаёлимда шеъримиз кўкида юлдуздай чарақлаб сўнган — аламдийда шоиримиз Чўлпоннинг сатрларила мустақил жумҳурият фуқароларига ҳайқиргим келади:

Тириксан, ўлмагансан,  
Сен-да одам, сен-да инсонсан,  
Кишан кийма,  
Бўйин эгма,  
Ки сен ҳам ҳур туғулғонсан!

## МУНДАРИЖА

Бедарак йўқолган . . . . .	3
Маърифат ва эзгуликка бахшида умр . . . . .	71
Салимхон Тиллахонов — сиз кимсиз? . . . . .	95
Ҳаётдан умиди катта эди . . . . .	105
Кўклам хазони . . . . .	117
Маҳкума . . . . .	137
Кўзларида кўрдим сўнгсиз мунг . . . . .	159

ХОЛИДА АҲРОРОВА  
ИЗЛАРИНИ ИЗЛАЙМАН

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 1998

Муҳаррир *Ҳ. Султонова*  
Безакловчи расом *Х. Зиёхонов*  
Бадий муҳаррир *Ф. Башарова*  
Техник муҳаррир *Л. Ҳижова*  
Мусахҳиҳлар *Н. Муҳаммадиева, Ю. Бизаатова*

Теришга берилди 25.05.98 й. Босишга рухсат этилди 13.07.98й.  
Бичими 70x90  $\frac{1}{32}$ . Таймс UZ гарнитураси. Офсет босма. Шар-  
ртли босма табоғи 6,43. Нашриёт ҳисоб табоғи 6,55. Адади  
5000. Буюртма № 2565. Баҳоси келишилган нарҳда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси,  
700083, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**